

Н.О. Шамадиева, З.И. Аташикова, М.О. Мусаева

*Қозоғистон Республикаси  
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

# ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим мактабларининг  
4-синфи учун дарслик

**1-қисм**

Алматы



«Жазушы»

2019

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Узб-922  
Ш 22

### Шартли белгилар

Ўқинг		Жуфтликда ишланг	
Ёзинг		Гуруҳда ишланг	
Тингланг		Фикрланг	
Сўзланг		Изланинг	

**Шамадиева Н.О. ва б.**

Ш 22 **Ўзбек тили.** Умумтаълим мактабларининг 4-синфи учун дарслик. 1-қисм / Н.О. Шамадиева, З.И. Аташикова, М.О. Мусаева. – Алматы: Жазушы, 2019. – 208 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-683-4

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Узб-922

© Шамадиева Н.О., Аташикова З.И.,  
Мусаева М.О., 2019


© «Жазушы» баспасы, 2019

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.  
Нашрнинг мулкӣ ҳуқуқлари  
«Жазушы» нашриётига тегишли.

ISBN 978-601-200-683-4 (1-қисм)  
ISBN 978-601-200-682-7 (жами)



# Мениң Ватаним – Қозогистон





# МЕНИНГ ВАТАНИМ

## Бугун дарсда:

- Матн мазмуни бўйича саволларга жавоб беришни;
- шеърни ифодали ўқиб, жуфт бўлиб суҳбатлашишни;
- Ватан ҳақидаги мақолларни ёзишни **ўрганаман**.



### 1. Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

Боболар каломи дилимда доим,  
Сен учун юрагим қўлимда доим.  
Соғинаман юрган йўлимда доим,  
Ватан, яғонасан дилимда доим.

*Муҳаммад Юсуф*



### 2. Шеърни ифодали ўқинг. Жуфт бўлиб шеър мазмуни бўйича суҳбатлашинг.

## Она тилим

Алла бўлиб жаранглаган,  
Она тилим – жон-у дилим.  
Жаҳон бўйлаб буюк Темур  
Довруғини солган тилим.  
Мир Алишер бобомлардан,  
Мерос бўлиб қолган тилим.  
Бобур Мирзо шеърларидан,  
Ранг ва қиёс олган тилим.  
Шундай тилдан тонар бўлсам,  
Қийма-қийма бўлсин тилим.

*Турсунбой Адашбаев*





### 3. Матни ўқинг.

## Ватан меҳри

Ватан бу биз туғилган қишлоқ, биз яшаётган макон, атрофимиздаги олам, табиат, боғча-мактаб, ота – боболаримиз яшаб ўтган ер, шу заминдир. Биз нафас олаётган мусаффо ҳаво, осмон, бизни ўраб турган дов-дарахтлар, боғу-роғлар – Ватан. Ҳар ким туғилиб ўсган ерини севади. Бу туйғу ҳатто жониворларда ҳам бор. Агар бирор ҳайвон ўз еридан айрилса, бегона ерга ўргана олмайди. Митти чумолиларнинг ҳам йўлини уйдан бошқа жойга бурсангиз, у минг машаққат билан бўлса-да, ошиёнини топиб келади. Шу гуручдеккина ҳашаротда ҳам ўз инига – Ватанига меҳр бор. Асаларининг инини бузмақчи бўлсангиз, “Уйимни бузма!” деб сизга ҳужум қилади. Шу маконда яшар экансиз, биз-да она еримизни севиб ардоқлашимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир.



4. Матн юзасидан саволлар тузиб ёзинг.



5. Ватан ҳақида иккита мақол ёзинг.

Билағонбек билан бирга янги сўзлар маъносини билиб олинг.





## ГАП

### Бугун дарсда:

- Матн мазмуни бўйича ўз фикримизни далиллашни;
- ҳуснихат қоидаларига мос тўғри ва тоза ёзишни;
- содда гапларнинг чегарасини аниқлаб, тиниш белгиларни қўйишни;
- янги сўзларни маъносини тушуниб, таҳлил қилишни **ўрганаман**.



1. Ўқинг. Матн нима ҳақида эканини сўзлаб беринг.

Биз яшайдиган юрт, Ватан номи – Қозоғистон. Ундаги ҳар бир инсон ҳур-обод. Болалари, ёшлари ўқийди, илм олади, ҳунар ўрганади. Катталари меҳнат қилиб, фаровон турмуш кечиради. Ёши улугларига ҳурмат кўрсатилади, эъзозланади.

Матнда нечта гап борлигини қандай аниқлайсиз? Далиллар келтиринг.  
Гаплар бир-биридан қандай ажратилган?  
Гаплар қандай мазмун билдирапти?  
Биринчи гапни кўчиринг. Ёзганингизни текширинг.



2. Шеърни ифодали ўқинг. Шеърга сарлавҳа қўйинг ва ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг.

Ватан асли  
Киндик қони  
Тўжилган жой –  
Уйингдир.  
Униб – ўсган  
Шаҳру – қишлоқ  
Маҳалла-ю  
Куйингдир.

Ватанинг бу –  
Қир – адирлар,  
Дарёлар – у  
Тоғлардир.  
Ватанинг бу –  
Пахтазорлар.  
Бугдойзорлар,  
Боғлардир.

*Мухтор Худойқулов*







3. Матнни ўқинг ва гапларнинг чегарасини аниқланг.

Куз эрта тушди қовун палаги қуримасдан ҳавода мезон учди кечалари осмонда турналарнинг ҳорғин ноласи эшитилди бу йил қиш қаттиқ келадиганга ўхшайди тераклар баргини эрта тўкди.

*Ўткир Ҳошимов*



4. Гапларнинг охирига қайси тиниш белгисини қўясиз? Гапни ёзишда қандай ҳарф билан бошлайсиз?

Ёзинг. Ёзганингизни матнга қараб текширинг. Гаплар қандай мазмун билдирапти?

**Ҳорғин** сўзига маънодош сўз топиб айтинг.



5. Шеърни ифодали ўқинг.

### Тинчлик

Тинчлик бўлсин доимо.

Омон бўлсин мусаффо.

Қуёшдек кулсин дунё.

Уруш бўлмасин асло.

Тиниш белгиларига эътибор беринг. Нечта гап борлигини айтинг.

Гаплар нималардан тузилган?

Ажратилган гапнинг маъносини тушунтириб беринг.





## БЕПОЁН ВАТАНИМ

### Бугун дарсда:

- “Алпомиш” ҳақида дostonдан парча ўқиб, мазмунини сўзлаб беришни;
- расм асосида қаҳрамонларни таърифлашни;
- мавзу асосида суҳбатлашишни;
- матн мазмуни бўйича саволлар тузишни;
- таянч сўзлардан фойдаланиб, гаплар тузишни **ўрганаман**.



### 1. Шеърӣ парчани ўқинг.

Яшна, юксал, диёрим,  
Сенсан бахтим, баҳорим.  
Мадҳинг жўшиб куйламоқ,  
Кўнглимдаги шиорим.

*Махмуджон Дадабоев*

Шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг. Ёзувингиздаги камчиликларни аниқланг.



### 2. “Алпомиш” дostonидан олинган парчани ўқинг.

Бойбўри ўғлининг отини Ҳақимбек қўйди. Ҳақимбек олти ёшга тўлди. У Алпинбий бобосидан қолган ёйни кўтариб тортди. Ёй Асқар тоғнинг катта чўққисини юлиб кетди.

Дунёдан бир кам тўқсон алп ўтди. Алпларнинг бошлиғи Рустам дoston эди. Охири Алпомиш алп бўлди.

Матн қандай мазмундаги гаплардан тузилган? Гапларни сўроқ гапларга айлантириб ёзинг.

**Намуна:** Бойбўри кимнинг отини Ҳақимбек қўйди?





3. Расмларни кузатинг. Алпомиш ботирни аниқланг ва уни оғзаки таърифланг.



4. Ўқинг. Матнда нечта гап бор? Ҳар бир гап қандай мазмун билдирапти? Матнга сарлавҳа қўйинг.

Сиз ким кимга салом бериш кераклигини биласизми? Ким олдин салом бериши лозим?

Кўпчиликка ёлғиз киши салом беради. Отлиқ ёки машинадаги киши пиёдага салом бериш керак. Юрган киши ўтирганга. Ўтирган ётган кишига салом беради.

Ўзингиздан каттага салом беришни унутманг!

Гапларнинг охирига қандай тиниш белгилари қўйилган? Нима учун? Пиёда сўзини қайси сўз билан алмаштириш мумкин?

Пиёда

?



5. Берилган сўзлардан учта гап тузиб ёзинг. Гапни ажратиб кўрсатилган сўз билан бошланг.

бор

инсон

ҳар

ўз

олдидаги

Ватани

учун

қуш

бурч

бахти

борнинг

Ватан

қараб

уясига

муқаддасдир

учади

Тузган гапларингизни ёзинг. Ҳар бир гапнинг маъносини тушунтиринг.





## ВАТАН МАДҲИ

### Бугун дарсада:

- расм асосида матн тузиб, ўз фикримизни далиллашни;
- гапларда тиниш белгилардан тўғри фойдаланишни;
- зарур ахборотни топиб жадвални тўлдиришни;
- “Она юртим” мавзусида постер ясаб, муҳокама қилишни **ўрганаман**.



1. Расмни кузатинг. Расм мазмунини тўрт-бешта гап билан ифода этинг.



Тузган гапларингиз қандай мазмун билдирапти?



2. Ўқинг. Матн мақсадига кўра қандай гаплардан тузилган?

Ватан муқаддасдир, уни ардоқлайдилар, севадилар. Шоирлар Ватан ҳақида шеърлар ёзадилар. Қўшиқчилар она юрт ҳақида куйлайдилар. Мусаввирлар диёримиздаги бетакрор гўзал манзараларнинг суратини чизадилар. Ҳар ким ўз ижоди ёки меҳнати билан Ватанни мадҳ этади.





Матндаги биринчи ва охириги гапни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг.

Ватан ҳақида асарлар яратган қайси шоир, rassom ва қўшиқчиларни биласиз?

Билганларингиз асосида қуйидаги жадвални тўлдириг.

<i>Бастакор</i>			
<i>Шоир</i>			
<i>Rassom</i>			
<i>Қўшиқчи</i>			



3. Дўстларингиз билан гуруҳ бўлиб “Она юртим” мавзусида постер ясанг.





4. Ўқинг. Гапни давом эттириб тугалланган шаклга келтиринг ва ёзинг.

Булбул чаманни севар, ....  
Сувсиз ҳаёт бўлмас, ....

Тузган гапларингиз ифода мақсадига кўра қандай гаплар?



5. Ўқинг.

Биз барча фанларни қунт билан ўрганмоқдамиз. Сиз қандай бадий адабиётларни ўқияпсиз? Гулла, яшна, ҳур Қозоғистон! Бепоен қир-адирларимиз қандай гўзал!

Ватан – она сўзи нақадар лазиз!  
Сенсан ҳар нарсадан мўътабар, азиз!

*Уйғун*

Гапларнинг охирига нуқта, сўроқ ва ундов белгиларининг қўйилиши сабабларини тушунтиринг. Охирига ундов белгиси қўйилган гапларни кўчиринг ва ҳис-ҳаяжон билан қайта ўқинг.



мусавирлар  
мадҳ  
мўътабар  
лазиз





## ГАП БЎЛАКЛАРИ

### Бугун дарсда:

- гапнинг асосини эга ва кесим ташкил қилишини;
- гапнинг бош бўлаклари эга ва кесим эканлигини;
- шеърни ифодали ўқиб, мазмунини сўзлашни;
- расм асосида нутқ меъёрларига эътибор бериб сўзлашни;
- таянч сўзлардан фойдаланиб, гаплар тузишни **ўрганаман**.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Унинг қайси диёр ҳақида эканини айтинг.

Бунда булбул китоб ўқийди,  
Бунда қуртлар ипак тўқийди.  
Бунда ари келтиради бол,

Бунда қушлар топади иқбол.  
Бунда қорлар тағларида қиш,  
Баҳор учун сўйлайди олқиш.

*Ҳамид Олимжон*

Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг. Уларнинг қайси гап бўлаги эканини аниқланг.

Ўқийди, келтиради, топади, сўйлайди сўзлари қандай маънода қўлланган?  
Шеърни кўчиринг, бош бўлақларнинг тагига тегишлича чизиқлар чизинг.



2. Расмни кузатинг.  
Гаплар тузинг,  
бош бўлақларни  
изоҳланг.





### 3. Матни ўқинг.

Боғда чиройли капалак гулдан гулга қўнарди. Каримжон капалакни ортидан пойлаб юриб тутиб олди. Капалак Каримжоннинг бармоқлари орасида тинмай питирларди.



Каримжон тўғри иш қилдими?



Каримжонга сиз қандай маслаҳат берган бўлар эдингиз? Мактуб ёзинг. Гапнинг бош бўлақларини аниқланг. Бош бўлақлар қандай сўроқларга жавоб бўлади? Матни кўчириб, бош бўлақларнинг тагига чизинг. Гапнинг иккинчи даражали бўлақларини тушириб ўқинг.

Гапларнинг бош бўлақларини тушириб ўқинг. Қолган бўлақлар гап ҳосил қиладими? Хулоса чиқаринг.

### Эга ва кесим гапнинг асосини ташкил этади



4. Қаторларда берилган сўзлардан гаплар тузинг ва ёзинг. Гаплардаги бош бўлақларнинг тагига чизинг.

1. Тўғри, вақтдан, биз, фойдаланамиз.
2. Кундан-кун, Ватанамиз, яшнамоқда.
3. Музейга, бизни, олиб, борди, ўқитувчимиз.
4. Асқар, пухта, вазифани бажарди.





## ВАТАНИМИЗ БОЙЛИКЛАРИ

### Бугун дарсда:

- жуфт бўлиб гап тузишни;
- матн мазмунига мос сарлавҳа қўйишни;
- Ватанимиз бойликлари мавзусида билимларимизни тўплаштиришни;
- шеърни ёддан ёзишни **ўрганаман**.



1. Жуфт бўлиб шеърни ифодали ўқинг. Шеър мазмуни асосида гаплар тузинг ва ёзинг. Бош бўлақларнинг тагига чизинг.

Қозоғистон – бу олтин кумуш,  
Бу бахт билан тўлиб оққан сой.  
Қозоғистон – гуллаган турмуш,  
Бу дунёни қоплаган буғдой.

*Ҳамид Олимжон*



2. Ўқинг. Нуқталар ўрнига гапнинг мазмунига мос эга ёки кесимни топиб қўйиб, гапларни кўчиринг. Эга ва кесимнинг тагига чизинг.

Ўқитувчи мавзуни ... . ... диққат билан тингладилар. Қўнғирок ... . ... танаффусга чиқдилар. Кўнгилли ўйинлар ... .



3. Матнни ўқинг. Гаплардаги бош бўлақларини аниқланг.

Қишлоғимиз далаларида пахта экилади. Кузда ер трактор билан ҳайдалади. Қишда деҳқонлар далага ўғит солишади. Ариқлар тозаланади. Дала экишга тайёрланади. Деҳқонлар баҳор келиши билан сараланган чигитларни экишади. Ёз бўйи ғўза парвариш қилинади ва яганаланади. Ҳозир сентябрь ойи. Ғўза кў-





саклари очила бошлади. Яқинда “оқ олтин” дурдоналари териб оли-  
нади. Пахта – юртимизнинг бойлиги.



Матнга сарлавҳа топинг.

4. Расмларни кузатинг. Гуруҳингиз билан “Ватанимиз бойлик-  
лари” мавзусида кластер тузинг.



5. Матни ўқинг. Ҳар бир гапнинг бош бўлақларини кўчириб  
ёзинг.

Кузда ғир-ғир шабада эсади. Қуёш камроқ иситади. Дарахтлар-  
нинг барглари сарғаяди. Оппоқ пахталар қийғос очилади. Сабза-  
вотлар етилиб пишади. Ҳар хил мевалар ғарқ пишади. Далаларда  
йиғим-терим бошланади.



6. Шеърни ифодали ўқинг ва ёддан ёзинг.

Бир буғдой бошоғи  
Ҳовуч-ховуч дон.  
У менга ва сенга  
Ширин, тотли нон.





## ВАТАНИМ – ФАХРИМ

### Бугун дарсда:

- жуфт бўлиб гап тузишни;
- матн мазмунига мос сарлавҳа қўйишни;
- Ватанимиз бойликлари мавзусида билимларимизни тўплаштиришни;
- шеърни ёддан ёзишни **ўрганаман**.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Мазмуни асосида дўстларингиз билан суҳбатлашинг.

### ВАТАН

Ватан! Қизғалдоқлар ёпинган тоғлар,  
Уялиб бошлари эгилган толлар.  
**Алла куйлаётган мунис оналар,**  
Бешик нақшларида кўраман сени!  
Ватан! Сумалакнинг хушбўй исида,  
Сен осмоним менинг, қуёш нурида,  
Беминнат заминда кўраман сени!

*Нулуфар Жўраева*

Ажратиб кўрсатилган гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақларни сўроқлар ёрдамида аниқланг.

Эга ва кесимдан бошқа бўлақлар гапнинг иккинчи даражали бўлақларидир.

Тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол гапнинг иккинчи даражали бўлақларидир.





2. Ҳикматларни ўқинг. Гаплар қандай мазмун билдирапти?  
Жуфт бўлиб таҳлил қилинг.

Сиз илмли кишиларни улуғланг.

Сиз ростгўй бўлинг ва номаъқул сўзни сўзламанг.

*Ҳусайн Ҳафизий*

Гапларни кўчиринг. Сўроқлар ёрдамида гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақларини аниқлаб, тагига тегишлича чизинг.



3. Гапларни ўқинг ва кўчириб ёзинг. Тагига тегишлича чизинг.

Мен ўзимнинг фикримни айтмоқчиман.

Кеча мажлисда Акмал, Самад қатнашди.

Конституциямиз неча бобдан иборат?

Гаплар қандай бўлақлардан тузилган? Гапдаги иккинчи даражали бўлақларни сўроқлар ёрдамида аниқланг ва тагига чизинг.



4. Гапларни ўқинг ва ёзинг. Иккинчи даражали бўлақларни аниқланг. Гапларнинг мазмунига мос шартли белгилар чизинг.

Олтин куз ўзининг сепини ёйди.

Майсаларнинг баргига шудринг тушди.

Наъматакларнинг меваси қизарди.

Қайси гапнинг мазмуни тўлиқ ифодаланган. Тушунтириб беринг.



5. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақларини аниқланг.

Мактабимиз залида “Ватаним – фахрим” номли эрталиқ бўлиб ўтди. Эрталиқка устозларимиз ва ўқувчилар иштирок этишди. Эрта-





ликда синфимиз ўқувчилари Ватан ҳақидаги шеър ва кўшиқларини ижро этишди. Эрталик мароқли ўтди.

Биз ўз Ватанимиз билан фахрланамиз.

Матнни кўчиринг, гаплардаги иккинчи даражали бўлакларни тагига чизинг.



Сизлар қандай  
эрталиклар  
ўтказасиз?





## ТЎЛДИРУВЧИ

### Бугун дарсда:

- Расм асосида гаплар тузиб ҳикоя қилишни;
- Гаплардаги эга, кесим ва тўлдирувчини аниқлашни;
- “Яйловда” матни асосида эссе ёзишни;
- Матн мазмуни бўйича саволларга жавоб беришга **ўрганаман**.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

Бугун яна қўлимда,  
Отамдан қолган чалғи.  
Гул тўшалар йўлимга,  
Ишлайман бошни танғиб.

*Турсунбой Адашбоев*

Тўлдирувчи гапнинг иккинчи даражали бўлагидир.  
Тўлдирувчи кимни?, нимани?, кимга?, нимага?, кимда?, ни-  
мада?, кимдан?, нимадан? сўроқларидан бирига жавоб бўлади.  
Масалан: Биз Ватанимизни севамиз.



2. Мақолларни ўқинг. Тўлдирувчини ўзи боғланган сўз билан кўчиринг.

**Намуна:** Ўтда (нимада?) билинади, меҳнатда (нимада?) билинади.

1. Бугунги ишни эртага қўйма. 2. Сени иш енгмасин, сен ишни енг. 3. Мардни меҳнат енголмайди. 4. Иш устасидан қўрқар. 5. Олтин ўтда, одам меҳнатда билинади.






3. Расмни кузатинг. Гаплар тузинг ва тўлдирувчини аниқланг.



4. Матнни ўқинг ва кўчиринг. Гаплардаги эга, кесим ва тўлдирувчиларни аниқланг, тагига чизинг.

## ЯЙЛОВДА

Бепоен ўлкамизда яйловлар кўп. Бу яйловларда қўй-қўзилар боқилади. Чўпонлар қўй-қўзиларни яйловда ўтлатиб, кечқурун ўтовга хайдаб келиб дам беришади. Эрта тонг қўйлар ўтлаш учун яйловга олиб борилади. Қўйлар кун бўйи майсалардан еб тўядилар.



Яйловда яна  
нималарни  
учратиш  
мумкин?



5. Ўқинг. Сўроқларга мос сўзларни топиб қўйинг, гапларни кўчиринг. Тўлдирувчи ва у билан боғланган сўзнинг тагига чизинг.

Мен кутубхонада (кимни?) кўрдим. У (кимга?) салом айтиб юборди. (Кимда?) ҳар хил китоблар бор. Мен (нимани?) кўп ўқийман. (Нимада?) жуда кўп қимматли фикрлар бор. Мен (нимадан?) яхши фойдаланаман.



6. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг. Сўроқлар ёрдамида тўлдирувчини аниқланг.

Сувга тумшуқ тиқар,  
Сувдан қуруқ чиқар.



6. Саводхонлик вақти.

т	.	м	ш	у	қ
б	е	п	.	ё	н
т	а	н	ғ	и	.





## АНИҚЛОВЧИ

### Бугун дарсда:

- Матнда ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ қўйишни;
- гапнинг иккинчи бўлаги аниқловчи ҳақида;
- тез айтишни ўрганаман.



1. Маттни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг, уларни ўзи боғланган сўз билан бирга ёзинг.

**Намуна:** Мактабимизнинг катта боғи бор.

Мактабимизнинг боғи, катта боғ.

## БИЗНИНГ ВАТАН

Биз Ватанимизни севамиз. Ватанимизнинг денгиз ва дарёлари, тоғ ва ўрмонлари, шаҳар ва қишлоқлари жуда гўзал. Ватанимизда замонавий бинолар, чиройли хиёбонлар кўпаймоқда. Ватанимиз кундан-кунга яшнамоқда. Ватанимизнинг ҳар бир қарич ери биз учун муқаддасдир.

Аниқловчи гапнинг иккинчи даражали бўлагидир.

Аниқловчи қандай?, қанақа?, кимнинг?, ниманинг? каби сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Аниқловчининг тагига тўлқинли чизиқ чизилади.

Масалан: Майин шамол эди.



2. Нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган сўзларни қўйиб, гапларни ёзинг. Қўйган сўзларингиз гапнинг қандай бўлаги?

Нонуштада ... нон едик, ... чой ичдик. ... ҳайвонлар ўрмон ва тоғларда яшайди. Боғ ва хиёбондаги ... барглари сарғаймоқда. ... шамол гул ҳидларини таратди. Мен ... келишини кутдим.





Қўйиш учун сўзлар: ёввойи, юмшоқ, енгил, иссиқ, укамнинг, дарахтларнинг.



3. Матнни ўқинг. Аниқловчи қатнашган гапларни кўчириб ёзинг. Аниқловчиларнинг тагига чизинг.

## КЕЧ КУЗДА

Кеч куз келди. Салқин шамол эса бошлади. Дарахт барглари қизил ва сариқ рангда товланди. Қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетди. Ҳашаротлар инларига кириб яширинди. Дала ишлари қизиб кетди. Пахта ва полиз экинлари йиғиб олинди. Барглар ерга тўкила бошланди. Кузги шудгор ишлари бошланди.



4. Мақолларни ўқинг, ёддан ёзинг. Аниқловчининг тагига тўлқинли чизиқ чизинг.

Режали иш бузилмас.  
Ҳар гулнинг ўз иси бор,  
Ҳар элнинг ўз туси бор.  
Билим – ақлнинг калити.



5. Тез айтишни тез-тез айтинг. Сўроқлар ёрдамида аниқловчиларни топинг.

Асал экан  
Асилнинг асаллари,  
Асални асл қилган  
Асли асалари.





## ҲОЛ

### Бугун дарсда:

- Янги сўзларнинг маъносини тушинамиз;
- Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари ҳол ҳақида тушунчага эга бўламиз;
- Гуруҳ ёрдамида расм чизишни, ҳикоя тузишни, шаҳар ва қишлоқнинг фарқий томонларини билиб оламиз;



1. Шеърни ўқинг. Ажратиб берилган сўзларга сўроқ беринг. Улар гапнинг қандай бўлаклари?

**Жажжи** қўлимдан ушлаб  
**Мактабга** элтар онам.  
Назаримда, ўша кун  
**Ўзгача** эди олам.  
**Мунчоқдайин** кўзларим  
Жавдирарди онамга.  
Илк бора қўйдим қадам  
**Мактабдаги** хонамга.

*Дилфуза Каримова*

Ажратиб кўрсатилган *ўзгача*, *мунчоқдайин* сўзларининг маъносини тусунтиринг.

Ҳол гапнинг иккинчи даражали бўлагидир. Ҳол қаерга?, қаерда?, қачон?, қандай? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади. Ҳолнинг тагига нуқтали чизиқ чизилади.

Масалан: Биз голиб спортчиларимизни аэропортда кутиб олдик.





2. Гапларни кўчиринг. Эга, кесим ва ҳолларнинг тагига чизинг.

Болалар майдончада ўйнадилар. Циркда қизиқ томошалар кўрсатилди. Шаҳримизда кўп қаватли бинолар, мактаблар, хиёбонлар, музейлар кўп. Кеча биз синфимиз ўқувчилари билан ҳайвонот боғига бордик. Кузда даладаги ишлар қизиб кетади. Мактабимизнинг кутубхонасидан китоб олдим.



3. Расми кузатинг. Гуруҳ бўлиб топшириқларни бажаринг.



1-гуруҳ: ҳол қатнашган 5 та гап тузинг;

2-гуруҳ: ўз шаҳрингизнинг расмини чизинг ва изоҳланг;

3-гуруҳ: шаҳар ва қишлоқни ўхшаш ва фарқий томонларини Венн диаграммаси асосида таҳлил қилинг.

4-гуруҳ: “Шаҳарга саёҳат” мавзусида ҳикоя тузинг.



4. Мақолларни ўқинг, мазмунини дўстларингиз билан тушунтиринг.

Киши ерида султон бўлгунча,  
Ўз элингда чўпон бўл.





Ўз юртингнинг қадри  
 Ўзга юртда билинар.  
 Кўкдан эмас, ердан топасан.  
 Тиришган тоғдан ошар,  
 Тер тўккан бахтли яшар.

Мақолларни кўчиринг, иккинчи даражали бўлақларнинг тагига чизинг.



5. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг. Ҳуснихат билан кўчиринг, ҳолларнинг тагига чизинг.

Яхлит бир деворим бор,  
 Менга ҳиммат қилади.  
 Кундуз менсиз бўлса ҳам,  
 Тунда хизмат қилади.



6. Саводхонлик вақти.

.	И	М	М	а	Т
.	И	З	М	а	Т
Т	О	М	.	Ш	а





## ГАПДА СЎЗЛАРНИНГ БОҒЛАНИШИ

Бугун дарсда:

- Гапда сўзларнинг ўзаро боғланишини;
- Нуқталар ўрнига тегишли қўшимчаларни қўйиб, маттни ўқишни ўрганимиз.



1. Маттни ўқинг. Матн қандай гаплардан тузилган? Гаплар нималардан тузилган?

Чимкентда сув спорти саройи бор. **Сарой** болалар ихтиёрига топширилган. **Болалар** турли машқларни бажарадилар. Сув ичидаги машқларни кўриб ажабланасиз.

Сўроқлар ёрдамида ажратилган сўзларнинг қайси гап бўлаги эканини айтинг. Уларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг. Сўзлар ўзаро нималар воситасида боғланади?




Гапда сўзлар ўзаро сўз ўзгартувчи қўшимчалар ва оҳанг ёрдамида боғланади.



2. Расмни кузатинг. Гаплар тузинг. Гапда сўзларнинг қандай боғланганини айтинг.



3. Чизмани кузатинг. Гапда иккинчи даражали бўлақлар қайси бўлақларга боғланган?



Гапда сўзлар ўзаро боғланади.

- Кесим эгага боғланади.
- Иккинчи даражали бўлақлар: эгага ёки кесимга боғланади.



4. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида гап бўлақларини аниқланг. Уларнинг боғланишини чизмада тасвирланг.

Мен элимнинг юрагида яшайман.

*Ҳамид Олимжон*

Биз Олатов этагида дам олдик.



5. Нуқталар ўрнига тегишли қўшимчаларни қўйиб, матнни ўқинг.

Куз ойлари ... охири ... ҳаво совийди. Изгирин шамол эсади. Қуш ... иссиқ томонлар ... учиб кетади. Деҳқон ... куз ... шудгорлаш ... тугатадилар.

Гапларни эга ва кесимини ажратиб ёзинг.





## ОНА ВАТАНИМ

### Бугун дарсда:

- Матн мазмуни бўйича саволларга жавоб беришни;
- шеърни ифодали ўқиб, жуфт бўлиб суҳбатлашишни;
- Ватан ҳақидаги мақолларни ёзишни **ўрганаман**.



### 1. Шеърни ўқинг.

Униб ўсмаган жойингиз.  
Қишлоғингиз, жойингиз,  
Сизга нотаниш эл-юрт  
Номини айтинг-чи бут!  
*Н.Тошпўлатов*

Шеърда маъно жиҳатдан ноўрин қўлланган сўзларни аниқланг ва бошқа сўз билан алмаштириб ёзинг.



### 2. Ўқинг. Матндаги маъно жиҳатдан боғланмаган сўзларни аниқланг. Уларни тушириб қолдириб ёки бошқа сўз билан алмаштириб, матнни кўчиринг.

Иқтисодий билимга эга бўлмаган одам ҳамёнидан айрилмайди. Ҳар ким иқтисодни кўчадан, ўз хонадонидан бошламоғи керак. Электр қувватидан, сувдан, газдан тежаб ва тежамасдан фойдаланишни одат қилинг. Дўкондан ортиқча нон сотиб олинг. Ортиқчаси исроф бўлади. Шуларга амал қилмаган болакайдан яхшигина иқтисодчи чиқади.

Фикр ифодалашда нималарга эътибор беришингиз керак?



Гапда сўзлар ўзаро маъно жиҳатдан боғланади.



3. Расмни кузатинг, “Болалар майдончаси” мавзусида гаплар тузинг.



Тузган гапларингиздаги сўзларнинг маъно жиҳатдан боғланишига эътибор беринг.



4. Обид Расул шеърларидан берилган парчаларни ўқинг.

1. Осмон чаманида  
Йиғларди қуёш.
2. Ишёқмасни севмайман,  
Элга ундан йўқ фойда.

Ажратиб берилган сўзларни ўринли сўзларга алмаштириб ўқинг.





5. Ҳар бир қатордаги сўзлардан гаплар тузинг ва ёзинг.

1. Ватанимиз, мусаффо, бўлсин, осмони.
2. Ўткир, беллашуви, зеҳнлилар, бўлди, мактабимизда.
3. Экинзорда, ишлари, бошланди, йиғим-терим.
4. Шоҳига, дарахт, қўнди, зағизғон.



6. Берилган сўзлардан мосини қўйиб, матнни кўчиринг.

Кеч (нима?) бошланди. Кузда (нималар) қисқаради. Дарахтларнинг (нималари?) сарғаяди. (Нима?) ҳайдалади. (Қимлар?) деҳқонларга ёрдамлашадилар.

**Қўйиш учун сўзлар:** ер, барглари, куз, кунлар, болалар.

Гапда сўзларнинг боғланишига эътибор беринг.



7. Саводхонлик вақти.

й	и	.	и	м
м	а	.	н	о
ҳ	а	м	.	н





## УЮШИҚ БЎЛАКЛИ ГАПЛАР

### Бугун дарсда:

- Расмлар асосида уюшиқ бўлакли гаплар тузишни;
- Шеър мазмуни асосида сўзлашни;
- Саволлар тузиш ва уларга жавоб беришни;
- Уюшиқ бўлакли гаплар ҳақидаги билимларимизни хулосалашни **ўргана-**  
**миз.**



### 1. Шеърни ўқинг.

Боғда анор,  
Олма, беҳи, нок,  
Пишган бисёр.

*Обид Расул*

Гапдаги бир хил сўроққа жавоб бўлган, бир сўзга боғланиб келган бўлакларни аниқланг.

Гапда бир хил сўроққа жавоб бўлган, бир сўзга боғланиб келган бўлаклар уюшиқ бўлаклардир. Улар санаш оҳанги билан ўқилади.



### 2. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида гапнинг уюшиқ бўлаklarини аниқланг.

Булбул, майна, қумри  
Хуш оҳангда сайрашар.  
Эркин, Гулноз, Умри  
Боғдан жилмай яйрашар.

*Илём Муслим*







3. Расмни кузатинг. Уюшиқ бўлақлар қатнашган гаплар тузинг.



Тузган гапларингизни ёзинг.

Уюшиқ бўлақларнинг тагига битта тўғри чизиқ чизинг.

Қайси бўлақ уюшиб келган? Улар қайси сўзга боғланган?

Шеърни кўчиринг, уюшиқ эгаларнинг тагига чизинг.

Гапда эгалар уюшиб келади.



4. Гапларни кўчиринг. Сўроқлар ёрдамида уюшиқ эгаларни аниқлаб, тагига чизинг.

Кузда қалдирғочлар, булбуллар, турналар иссиқ ўлкаларга учиб кетади. Чумчуқлар, мусичалар ўлкамизда қишлайди. Тадбиримизда ота-оналар, санъаткорлар, ўқитувчилар, ўқувчилар қатнашди. Цехда сутдан сарёғ, қаймоқ, қатиқ, пишлоқ тайёрланади. Ватанимиз далаларида буғдой, арпа, шоли, маккажўхори кўплаб етиштирилади.



5. Расмларни сўзлар билан алмаштириб шеърни ўқинг.



ичра учрашиб



Роса суҳбат қилишди.

*Наримон Орифжонов*

Кўчиринг. Уюшиқ бўлақларнинг тагига чизинг.

Бугунги дарсада олган билимларингизни хулосаланг.



6. Саводхонлик вақти.

б	у	л	б	.	л
ч	.	м	ч	у	Қ
м	у	с	.	ч	а





## КЎП МИЛЛАТЛИ ҲУР ЭЛМИЗ

Бугун дарсда:

- Уюшиқ бўлақларни аниқлашни;
- Уюшиқ иккинчи даражали бўлақларнинг тагига тегишлича чизишни ўрганамиз.



1. Шеърни ўқинг, уюшиқ бўлақларни аниқланг.

Кўп миллатли ҳур элмиз,  
Арман, рус ҳамда озар.  
Дўстликнинг шарафидан  
Чўллар ҳам бўлган гулзор.

*Элназар*

Шеърни ҳуснихат қодаларига риоя қилиб кўчиринг.



2. Расмни кузатинг. “Қозоғистон – дўстлик уйи” мавзусида эрталик дастурини тузинг.





### 3. Гапларни ўқинг.

Мен шеърни ўқидим, ёдладим. Қуёш оламни ёритади, иситади. Янги шаҳар қурилди, юксалди, яшнади. Дарахт барглари шабадада силкинди, тўкилди.

Бир хил сўроққа жавоб бўлган сўзларни топинг. Уларнинг гапдаги ва-зифасини аниқланг.

Гапда кесимлар уюшиб келади.

Кўчиринг, уюшиқ кесимларнинг тагига чизинг.



### 4. Ўқинг. Гап мазмунига мос сўзлар топиб, кўчириб ёзинг.

Биз ўз вақтида \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_. Тикувчи кўйлакни \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_. Биз товушларни \_\_\_\_\_ ва \_\_\_\_\_. Биз Ватанимизни \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_.

Чизиқчалар ўрнига қўйилган сўзлар қайси гап бўлаги вазифасида келган?



### 5. Матнни ўқинг. Бир хил сўроққа жавоб бўлган сўзларни аниқланг.

Булбулча инидан учиб чиқибди. Атрофда оқ, сариқ, қизил гулларни очилиб ётганини кўрибди. Майин, ёқимли овоз билан сайрай бошлабди.

*Рауф Толиб*

Гапнинг қайси бўлаклари уюшиб келган?

Гапда иккинчи даражали бўлақлар уюшиб келади.



Матнни кўчиринг, уюшиқ иккинчи даражали бўлакларнинг тагига тегишлича чизинг.



6. Шеърни ўқинг, кўчириб ёзинг.

Ватаним боғларини,  
Кўкўпар тоғларини,  
Сўнмас чироқларини,  
Кўзим билан асрайман.

*Обид Расул*

Уюшиқ бўлакларни аниқлаб, тагига чизинг.  
“Менинг Ватаним” мавзусида газетага мақола ёзинг.



7. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Тоғда, боғда яшайди,  
Қишда, ёзда яшнайдди.

Тонгда, асрда, шомда  
Менга эргашиб юрар.  
Чошгоҳда-чи, оёғим  
Остига ўзин урар.

Сўроқлар ёрдамида уюшиқ бўлакларни аниқланг.





## УЮШИҚ БЎЛАКЛАРНИНГ БОҒЛАНИШИ

### Бугун дарсда:

- Гапда уюшиқ бўлақларнинг ўзаро боғланишини;
- Матн мазмунини ўз фикримиз орқали далиллашни;
- Уюшиқ бўлақли гапларни тўғри тузишни;
- Уюшиқ бўлақли гапларда тиниш белгиларнинг қўйилишини **билиб оламан.**



### 1. Гапларни ўқинг. Уюшиқ бўлақларни аниқланг.

Ота-оналарингиз иззатини ва ҳурматини ўрнига қўймоқ ҳар бир ўғил ва қизнинг инсоний бурчидир. Мард тўғри ва ҳақ гапни гапиреди. Мен Нодирани кўрдим, лекин сўзлаша олмадим. Осмонни булут қоплади, бироқ, ёмғир ёғмади.

Ҳар бир уюшиқ бўлақларнинг қандай боғланганлигини айтинг. Уюшиқ бўлақларида қандай тиниш белгилари қўйилган?

Уюшиқ бўлақлар оҳанг ёрдамида ҳамда **ва, аммо, лекин** сўзлари билан ҳам ифодаланади.

Уюшиқ бўлақлар **ва** ёрдамида боғланганда вергул қўйилмайди. **Оҳанг** ёки **аммо, лекин** сўзлари ёрдамида боғланса, вергул қўйилади.



### 2. Шеърини парчаларни ўқинг ва кўчининг. Уюшиқ бўлақларнинг боғланишига диққат қилинг.

Оқ теракми, кўк терак,  
Ҳар бир ишга қунт керак.





Ўқишда ва турмушда  
Меҳнатсевар, бўл зийрак,  
Биздан элга шу керак.  
*Толиб Йўлдош*

Мактабимиз боғида  
Меҳнат қилдик ҳаммамиз.  
Нақ олтин куз чоғида  
Пишди беҳи, олмамиз.  
*Қамбар Ўтаев*



3. Матнни ўқинг. Матнда нечта гап бор? Сизга гапнинг тузилиши ёқдими? Далиллар келтиринг.

### ЧУМОЛИЛАР

Чумолиларнинг тури жуда кўп. Улар пастликларда яшайди. Далаларда яшайди. Ўрмонларда яшайди. Қирларда яшайди. Ер юзида оч сариқ чумолилар учрайди, жигарранг чумолилар учрайди. Қора чумолилар учрайди. Сариқ чумолилар учрайди. Улар мевали боғларда зарарли ҳашаротларга қирон келтиради. Улар пахтазорларда зарарли ҳашаротларга қирон келтиради.

Гапларни қайта тузиб, матнни ёзинг. Уюшиқ бўлақларнинг тагига чизинг. Қайси бўлақлар уюшиб келганини айтинг.





4. Ота-онангиз билан чумоли ҳақидаги маълумотни “Кластер” стратегияси асосида тўплаштиринг.



5. Ҳар бир қатордаги сўзлардан фойдаланган ҳолда уюшиқ бўлакли гаплар тузиб ёзинг.

1. Ирода, аммо, тез, ёзади, Раҳим, секин.
2. Сабзи, йиғиб олинди, карам, далада, пиёз, ва, картошка.
3. Раънохон, айтмайди, ашула, чалади, дуторни, бироқ, яхши.

Уюшиқ бўлақлар қайси сўзлар билан боғланган?

6. Саводхонлик вақти.

ч					и
ҳ					т
т					ш





## УНДАЛМА

### Бугун дарсда:

- сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни ёки нарсани билдирган сўз ундалма эканини;
- матндан ундалмаларни аниқлашни ўрганаман.



1. Ажратилган сўзларни тушириб, гапларни ўқинг. Уларнинг мазмунидаги фарқни айтинг.

**Болажон, сен доим суюксан.**

**Билиб қўй: иқболи буюксан!**

*Абдулла Орипов*

**Болам, бобонг яратган боғлар, бобонг эккан туп ҳозир ҳам яшнаб турибди.**

**Бобожон, лайлақлар қишлоғимизга яна қайтиб келишармикан.**

Берилган гапларда фикр кимларга қаратилган? Мурожаатни билдирган сўз қайси туркумга киради?



2. Чизиқчалар ўрнига гап мазмунига мос ундалма қўйиб ёзинг. Ундалмадан сўнг зарур тиниш белгисини қўйинг.

... инсон бир умр илмини ошира бориш лозим. ... китоб сиз учун бутун умр ягона садоқатли дўст бўлиб қолади. ... ўқинг, ўрганинг, фикр килинг ва ҳаммасидан ўзингизга фойдали томонларини танлаб олинг. ... сиз спорт, меҳнат билан ўртоқ бўлинг ва кун тартибига риоя қилинг.

Ундалмалар кимларга қаратилган?

Улар мақсадга кўра қандай гаплар таркибида келди?



Сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни ёки нарсани билдирган сўз ундалма дейилади.

Оғзаки нутқда ундалма ундош оҳанги билан айтилади. Ёзувда вергул ёки ундов белгиси билан ажратилади.



3. Шеърни ўқинг. Шеърда мақсадга кўра қандай гаплар иштирок этган?

– Уйга киргин, Бахтиёр,  
– Ҳозир, ая, мен билан  
Ўйнаяпти Ҳикмат ҳам.  
Кузатмасам бўлмайди.  
Қўрқар уйга боргани.  
– Сен-чи қўрқмайсанми,  
Ёлғиз ўзинг юргани?..

*Ориф Тўхташев*

Ундалма иштирок этган гапларни кўчиринг. Ундалмалар гапнинг қайси ўрнида келган?

Ундалма гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келиши мумкин.



4. Матнни ўқинг.

– Болалар, сиз мустақиллик биносининг ҳаётбахш кучлари, устунларисиз. Устунлар бақувват бўлиши керак. Айтинг-чи, устунлар, яхши билан ёмонни ажратиш учун нима қилиш керак.

*Ҳаким Назир*

Матнни кўчиринг, ундамаларни ўрнини айтинг ва тагига чизинг.





5. Ўқувчилар, устоз, ака, буви сўзларини ундалма вазифасида қўллаб гаплар тузинг ва ёзинг. Тузган гапларингиз мақсадга кўра қандай гап?



6. Шеъринг парчани ифодали ўқинг.

Истиқлол машъали, тинчлик посбони,  
Ҳақсевар она-юрт, мангу бўл обод!

Кўчиринг. Ундалмани топиб, тагига чизинг. Устига сўз туркимини ёзинг.

7. Саводхонлик вақти.

б				в	в		
и				қ	л		
ҳ				е	в		





## УНДАЛМАЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

### Бугун дарсда:

- Гапдаги ундалмаларни топишни;
- Тиниш белгилардан фойдаланишни ва тўғри қўйишни;
- Гуруҳ бўлиб ўз шаҳримиз ва қишлоғимиз одамлари ҳақида постер тузиб ҳимоя қилишни;
- Матн мазмуни асосида расм чизишни **ўрганаман**.



1. Ўқинг. Ундалмаларни топинг ва тиниш белгиларининг ишлатилишини тушунтиринг.

Яшна, озод диёрим, ўзингсан меҳрибоним. Болалар, сиз кичкин-тойларга меҳрибон бўлинг. Азиз ўқувчилар! Ҳамма жойда тартиб ва одобни сақланг.

Кўчиринг, ундалмаларни тагига чизинг.

Ёзувда ундалмадан сўнг кўпинча вергул қўйилади.

Масалан: Қизим, бувингдан хабар ол.

Ундалма кучли ҳис-ҳаяжон билан айтилса, ундан сўнг ундов белгиси қўйилади.

Масалан: Бобожон! Сизни соғиндим. Ундалма бирон сўроққа жавоб бўлмади ва гап бўлаги саналмайди.



2. Шеърини парчани ифодали ўқинг.

– Дада, қуёш думалаб,  
Тоғ бошига ётибди,





Йиқилибди, шекилли,  
Бурни қонаб кетибди.

*Турсунбой Адашбоев*

Шеърни кўчиринг, ундалмани топиб, тагига чизинг. Ажратилган гапнинг маъносини тушунтиринг. Шеърда қайси сўзлар кўчма маънода қўлланган?



3. Матнни ўқинг. Ундалмали гапларни кўчиринг, тиниш белгиларининг ишлатилишини тушунтиринг.

Ёз бўйи қишлоқда дам олдим. Қишлоқда янги ҳаётни кўрдим, ўргандим. Одамлар у ерда катта бойлик яратар экан.

- Дада, қишлоқни жонимдан яхши кўриб қолдим.
- Ўғлим, қишлоқнинг табиати, оққўнгил одамлари сени ром этган.

*Шукур Сағдулла*



4. Дўстларингиз билан ўз қишлоғингиз ёки шаҳрингиз одамлари ҳақида постер тузинг.



5. Тиниш белгиларидан мосини қўйиб шеърни кўчиринг. Ундалмани топиб, тагига чизинг.

Кузимизнинг гўзаллигин  
Оғайнилар кўрганмисиз  
Токдан ҳусайни ердан қирқма  
Шохдан беҳи узганмисиз

*Қуддус Муҳаммадий*



6. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг. Ундалмаларни аниқланг, ёзилишини тушунтиринг.

Сабзавотлар туриман,  
Номим айтгин сен, Фулом.

– Ким ҳам билмайди сени,  
Сенинг номинг-да (.....)



Дарахт, бутуқ ковагин  
Ошён қилдингми, ҳой қуш?  
– Туним рангин, кундуздек,  
Шундан мени дер (.....)



*Набижон Эрмат*



7. Саводхонлик вақти.

к	о	в	а	.	и
қ	и	р	қ	м	.
т	.	б	и	а	т





## НУТҚ. МАТН

### Бугун дарсда:

- Нутқ ҳақида билиб оламиз;
- Астана ҳақида матн тузишга ўрганамиз;
- Қўшимча ахборотларни энциклопедиядан топиб, ўз билимимизни текширишга ўрганамиз;
- Матн мазмунига мос сарлавҳа қўйишни биламиз;
- Матн мазмунига мос ва мос бўлмаган гапларни фарқлашни ўрганамиз.



### 1. Расмни кузатинг.



Расм асосида ўз фикрингизни баён қилинг. “Астана – Ватанимиз юраги” номли матн тузинг. Нутқ нима? Нутқнинг қандай шакллари бор?



Нутқ гаплар орқали билдирилган фикрдир.  
Нутқ гаплардан, гаплар эса сўзлардан тузилади.  
Нутқ оғзаки ва ёзма бўлади.



2. Билағонбекнинг саволларига жавоб беринг.



1. Қозоғистонда қанча вилоят бор?
2. Қозоғистоннинг йирик шаҳарларини биласизми? Номларни айтинг.
3. Сиз Ватанимизнинг қайси вилоятида яшайсиз?



3. Тез айтишни ўқинг. Тез айтишлар нутқнинг равон бўлишига ёрдам беради.

Ватанпарварлик – она Ватанга вафодорлик.  
Матлуба мактабдоши  
Мактубага мактуб юборди.

Тез айтишни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг.



4. Ўқинг. Гапларни ўз ўрнига қўйиб, матн тузинг ва сарлавҳа қўйиб ёзинг.

Дала ва боғларни сайр қилган кишининг баҳри-дили очилади. Қонун, тарвузлар кишига ҳузур бағишлайди.

Куз ажойиб санъаткор. У боғ ва далаларни безайди. Ширин-шаккар мевалар пишди. Оқ олтин пахталар очилади.



Кузнинг зийнатлари шоирга илҳом беради. Улар бу ҳақида ажойиб шеърлар ёзади.

Нутқ ёзма шакли нима деб номланади?  
Матн қандай гаплардан тузилади?  
Матнни нималарга бўлиш мумкин?  
Матнга нима қўйилади?

Матн нутқнинг ёзма шакли бўлиб, мазмуни жиҳатидан боғланган гаплардир. Матнга сарлавҳа топиш мумкин.



5. Ўқинг. Матн мазмунига мос бўлмаган гапларни аниқланг. Уларни тушириб қолдириб, қайта ўқинг ва ёзинг. Матнга сарлавҳа қўйинг.

Алмати – Қозоғистоннинг йирик шаҳри. Алмати Олатов тоғининг ёнбағрида, атрофи баланд тоғ, яшил ўтлоқлар, боғ-роғларда жойлашган. Биз китоб ўқиш учун кутубхонага бордик.

Алмати шаҳрини, табиатини томоша қиламан десангиз, унинг ёнидаги тоғларга чиқинг. Аввало Кичик Алмати тоғларидаги қўриқхонани кўришингиз мумкин. Футбол ўйини қизиқарли ўтди. Ундан юқорида қалин тўқай, яшил ўтлоқ. Ундан ҳам юқорига кўтарилган одам Туюқсув дарасига дуч келади. Фарҳод укасига қайиқча ясаб берди.

Алмати – Ватанзимизнинг яшил шаҳри.





## ТОВУШЛАР ВА ҲАРФЛАР

### Бугун дарсда:

- Сўзларда нечта товуш ва ҳарф борлигини аниқлашни;
- Товушларнинг айтилиши ва ёзилишидаги фарқини ва таққослашни;
- Жарангли ва жарангсиз ундошларни фарқлашни;
- Товушларни талаффузда қиёслашни;
- Матн мазмунига мос расм чизишни **ўрганаман**.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Шоир шеърда нима ҳақида ёзган?

**Ватанни** сев, тупроқни ўп:  
**Ҳар қаричи** муқаддас бизга.  
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп  
Жондан азиз юрагимизга.

*Ойбек*

Ажратилган сўзларда нечта товуш бор?  
Улар нечта ҳарф билан ёзилган?  
Саволларга жавоб беринг.  
Ўзбек тилида нечта товуш бор?  
Товушларни ёзувда нима билан ифодалайсиз ?  
Тилдаги товушлар нечта ҳарф билан ифодаланади?  
Ўзбек алифбосини ёддан айтинг.



2. Ўқинг. Кўчиринг. Сўз маъноларини фарқлаётган товушларнинг тагига чизинг. Сўзларнинг маъносини тушунтиринг.

Мард – март, ёд – ёт, соп – соф.  
Шоҳ – шох, хуш – ҳуш, ухлади – уҳлади.  
Аср – асир, асл – асил.





Сўзларни айтилиши ва ёзилишини таққосланг. Қайси товушларнинг ай-тилиши ёзилишига мос келмайди? Нима учун? Ўйлаб кўринг.



3. Ўқинг. Сўзларнинг айтилиши ва ёзилишини таққосланг.

Ҳаво, баҳо, Камол, Шавкат, баҳор.

Китоб, офтоб, чойшаб, озод, авлод, аждод.

Чумчуқ, супурги, тутун, тухум, қулупнай, кумуш.

Кўчиринг. Текширинг. Сўзларинг ёзилишини эсда тутинг.



4. Нуқталарни ўрнига керакли ҳарфларни қўйиб, сўзларни кў-чиринг. Уларда нечта товуш ва ҳарф борлигини айтинг.

А...ло, те...тр, манфа...т, кака..., ҳар..., то..., мут...лаа, чаванд...з,  
ради...,

Сўзларнинг ёзилишини ёдингизда тутинг.



5. Сўзларни ўқинг.

Она, тарбия, альбом, тингловчи, тозалик, шоира, троллейбус, сао-дат, сингил, меҳнат, илғор.

Ундош ҳарфларни кўрсатинг.



6. Нуқталар ўрнига зарур ундошларни қўйиб, мақолларни ўқинг, сўнгра кўчиринг.

Ақл билан одо... – эгизак. Ҳалол меҳнат мўл дарома... . Дўст ачи-ти..., душман кулдири... гапирар. Қийнали... ариқ қазисанг, хур-санд бўли... сув ичасан. Етти ўлча..., бир кес.






7. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзлардаги жарангли ва жарангсиз ундош товушларни аниқланг. Уларнинг талаффузини қиёсланг, фарқини айтинг.

Бир куни олтин балиқ ва булбул баҳслашибди. Булбул дебди:

– Қани энди, сенга ўхшаб балиқ бўлиб қолсам. Хурсанд бўлиб, катта сувда сузардим.

Балиқ дебди:

– Нодон экансан, сенинг жойинг осмонда, боғлар ва гуллар орасида. Сен озод бўлишинг керак. Қани энди мен ҳам сенга ўхшаб уча олсам, сайрасам ...



Жарангли ва жарангсиз ундошларни қандай фарқлайсиз?

Матн мазмунига мос мақоллар айтинг.





## ТОВУШЛАР ВА ҲАРФЛАР

### Бугун дарсда:

- Кетма-кет келган бир хил ундошли сўзларнинг талаффузи ва ёзилишини таққослашни;
- Сўзлардаги ҳарф ва товушларни таҳлил қилишни;
- Таянч сўзлар иштирокида гаплар тузиб, таҳлил қилишни **биламан**.



1. Шеърни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг талаффузи ва ёзилишига эътибор беринг. Улар қандай сўзлар?

Бу олам сатҳида кўпдир элатлар,  
Юртлар, мамлакатлар, турфа **миллатлар**.  
**Етти** иқлим аро улар бўлмиш жо,  
Уларнинг барчасин айладим иншо!  
Ҳар бирин ўзига хосдир савлати  
Тили, эътиқоди, илм-у санъати.

*Жуманиёз Жаббаров*



2. Сўзларни ўқинг, бўгин кўчириш қоидасига кўра бўлақларга ажратиб ёзинг.

Миллат, иттифоқ, ғалла, пилла, тилла, катта, тонна, антенна, оп-поқ, дўппи, маккажўхори, хоккей.

Кетма-кет келган бир хил ундошли сўзларнинг талаффузи ва ёзилишини таққосланг. Сўзларнинг ёзилишини ёдингизда тутинг.





3. Ўқинг. Икки хил товушни ифодалаш учун қўлланган ҳарфни айтинг.

Жадвал, жаҳон, жетон, жайрон, жирафа, журнал, жийда, ижозат, таржимон, аждар.

Сўзларни талаффузига кўра икки устунга ажратиб ёзинг.



4. Сўзларни ўқинг. Сўзлардаги товуш ва ҳарфлар сонини айтинг.

Пальто, аъзо, вальс, эълон, қатъий, **пьеса, аъло, ваъда, альбом, қалъа, сентябрь, Раъно.**

Ажратиб кўрсатилган сўзлар иштирокида гаплар тузинг.



5. Товуш-ҳарф таҳлили тартиби асосида **вазифа, таълим** сўзларини таҳлил қилинг.

**Намуна:**

Мақтаб – 6 та товуш, 6 та ҳарф.

Унли товушлар – а, а

Ундош товушлар – м, к, т, б

Жарангли ундошлар – м, б

Жарангсиз ундошлар – к, т



6. Сўзларни ўқинг. Уларнинг талаффузи ва ёзилишига эътибор беринг. Сўзлардаги товуш ва ҳарфларни таққосланг. Улар қандай сўзлар?

Ранг, **тонг**, чанг, **сингил**, кўнгил, жанг, занг, оҳанг.

Ажратиб кўрсатилган сўзлар иштирокида гаплар тузиб ёзинг.





7. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Бир нарса бор кўп асл,  
Сени этар мустақил.  
У илмингни бойитар,  
Камроқ бўлса койитар.  
Ўзингда ҳам бордир бил,  
Бошингдаги бу ...

Ҳарф бирикмали сўзларни топиб ўқинг. Ундошдан унлиси кўп бўлган сўзларни топинг ва жадвалга жойлаштиринг.

Унлиси кўп сўз	Ундоши кўп сўз



8. Қайси қатордаги сўзлар фақат жарангли ундош ва унли ҳарфлардан тузилган?

А) қуёш, кичик  
В) ҳамма, мунаввар

Б) лаббай, рост  
Г) одоб, жайрон





## БЎҒИН. УРҒУ

### Бугун дарсда:

- Шеър мазмунига мос саволларга жавоб беришни;
- Сўзларни бўғинга тўғри бўлишни;
- Сўзда урғунинг охириги бўғинга тушишини;
- Расмни кузатиб, берилган янги сўзлардан фойдаланиб ҳикоя тузишни ўрганаман.



1. Шеърни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни бўғинларга ажратиб ёзинг.

### ТУРКИСТОН БИР, ВАТАН БИР

Қадим она бу тупроқ,  
Туркистон бир, Ватан бир.  
Бизга жондан азизроқ,  
Туркистон бир, Ватан бир.  
Ал Беруний ёди бор,  
Яссавий фарёди бор.  
Қошғарий ижоди бор,  
Туркистон бир, Ватан бир.

*Эркин Воҳидов*

Сўз нималардан тузилади?

Қайси товуш бўғин ҳосил қилади?

Сўзнинг неча бўғинли эканини қандай аниқлаймиз?



2. Сўзларни бўғинларга ажратиб ўқинг. Уларни уч устунга ажратиб ёзинг.

Шамол, она, баланд, фил, тинчлик, расм, вазифа, стул, меҳрибон,  
дарс, чиройли, сабзавот.







3. Расмни кузатинг. Берилган сўзлар иштирокида кичик ҳикоя тузинг.



Ширин, тонг, сингил, Санжар, меҳрибон, кўнгил, дарс, ёрдамлашади.



3. Сўзларни ўқинг. Ёзилишини ёдингизда тутинг.

кўнгил

кўнглим

сингил

синглим

тонг

тонги-тонгги

Сўзларни бўғин кўчириш қоидасига кўра бўлақларга бўлиб ёзинг.  
Тонги-тонгги сўзларининг маъносини тушунтиринг.

Кўнгил, сингил каби сўзлардаги -нг бир товушни ифодалайди.  
Бундай сўзлар бўғинга қуйидагича кўчирилади: кў-нгил,  
си-нгил, кўнг-лим, синг-лим.



4. Шеърни ифодали ўқинг. Сўзлардаги урғули бўғинни аниқланг.

Халқларимиз аҳил бўлса,  
 Мустаҳкамдир юртимиз.  
 Болалар ҳам аҳил бўлса,  
 Будир бизнинг бахтимиз.

*М.Хайитметов*

Сўз бўғинларидан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ айтилишига **урғу** дейилади.

Урғу кўпинча сўзнинг охириги бўғинига тушади: болалик, Ватанним.



5. Сўзларга урғу белгисини қўйиб ёзинг.

Баҳо, давлат, савол, ҳавас, қўнғироқ, яйлов, шамол, жавоб, денгиз, ҳаво, тамом, жаҳон.



6. Бошқотирмани топинг.

Чети гулли патир нон,  
 Ичи тўла ғиж-ғиж дон.

к								
---	--	--	--	--	--	--	--	--





## СЎЗ ТАРКИБИ

### Бугун дарсда:

- Ҳикматларнинг маъносини тушуниб, ўз фикримни билдиришни;
- Ўзак ва қўшимчалар ҳақида;
- Сўз ясовчи қўшимчалар билан сўз ўзгартувчи қўшимчаларни ажрата олишни **ўрганаман**.



### 1. Ҳикматларни ўқинг. Маъносини айтинг.

Сўзни кўп сўзлама, биров озроқ сўзла  
Туман сўз маъносини бир сўзда кўзла.

*Юсуф Хос Хожиб*

Ҳамиша чиройли, очиқ ва мазмундор сўзлашга ҳаракат қил.

Кўчиринг. Ажратиб берилган сўзларнинг ўзак ва қўшимчаларини тегишлича белгиланг.

-ли, -сиз, -ла, -хон, -дор, -чи қандай қўшимчалар деб номланади?

Қандай сўзларнинг ўзаги бир хил бўлади?

Қайси қўшимчалар ўзакдош сўзларни ҳосил қилади?



### 2. Ўқинг.

## КИТОБ – ДЎСТИМИЗ

Китобни севинг. Китоб яхши маслаҳатчи ва ўқитувчи. Китобсиз билимли, маданиятли киши бўлиб етишиш мумкин эмас. Китобни ўқиб, билимингизни бойитинг. Энг яхши китобхон бўлишга тиришинг.





Ўзакдош сўзларни аниқланг ва кўчиринг. Ўзак ва қўшимчаларни тегишлича белгиланг. Сиз ёқтирадиган китобингизни номини ёзинг ва у ҳақида дўстингиз билан бўлишинг.



3. Сўзларни ўқинг. Аввал сўз ясовчи қўшимчали, сўнг сўз ўзгарувчи қўшимчали сўзларни ёзинг, ўзак ва қўшимчани тегишлича белгиланг.

Балиқчи, балиқдан, мевали, созла, чорвадор, бошла, ноннинг, боғда, боғбон, синфдош, гулдон, синфни, дастурхон, жийдазор, зеҳнли, гулга.



4. Ўқинг. Ҳар бир қатордаги ажратилган сўзлардан бошлаб гап тузиб ёзинг. Ҳосил бўлган гапларнинг маъносини тушунтиринг.

Ўзак ва қўшимчаларни тегишлича белгиланг.

Гапда сўзларни бир-бирига қайси қўшимчалар боғлайди?

-нинг, -ни, -га, -да, -дан қандай қўшимчалар деб номланади?





5. Ўқинг. Нуқталар ўрнига сўз ўзгартувчи қўшимчалардан мосини қўйиб ёзинг.

## БУЛОҚЧА



Мен оддий меҳнатсевар булоқчаман. Сувларимни дала-боғлар... элтаман. Деҳқонлар... яхши ҳосил олишларига ёрдамлашаман. Те-гирмон тоши... айлантираман. Шунинг учун одамлар... ҳурмати... сазовор бўлдим.

*Тургунбой Ғойилов*

Сўз ўзгартувчи қўшимчалар қайси туркумдаги сўзларга қўшилган? Сўроқлар ёрдамида аниқланг.



6. Саводхонлик вақти.

к	о	в	а	.	и
қ	и	р	қ	м	.
т	.	б	и	а	т





# *Инсоний қадриятлар*







## СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

### Бугун дарсда:

- шеърни ифодали ўқиб, саволларга жавоб беришни;
- сўроқлар ёрдамида сўз туркумларини ажрата олишни;
- ҳуснихат қоидаларига риоя қилган ҳолда чиройли ва тоза ёзишни;



### 1. Шеърни ифодали ўқинг.

**Темур бобом** отларин **мини**б,  
 Нигоҳ ташлаб турар қуёшга.  
 Бағрин очиб **сахий** қуёш ҳам,  
 Нурларини **сочар** бобомга.  
 Ардоқлашиб бир-бирларини  
 Қўл ушлашиб, қулиб қарашар  
**Икки қуёш** топишган жойнинг  
 Одамлари **бахтиёр** яшар.

*Йўлдош Сулаймон*

Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг ва қайси сўз туркумига киришини айтинг. Сўзлар нималар асосида туркумларга ажратилади?



### 2. Сўзларни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сўзларни туркумларга ажратиб жадвалга ёзинг.

Гиёҳ, паҳлавон, чақнайди, тўққиз, пишибди, деҳқон, совуқ, зийрак, етти, китобхон, учқур, ёрдамлашди, ўн икки, япроқ.

ким? нима?	қандай? қанақа?	неча? қанча? нечта? нечанчи?	нима қилди? нима қиляпти? нима қилмоқчи?





### 3. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар. Одам қўли чўлни бўстон қилади.

Кўчиринг, *ким? нима?* сўроқларига жавоб бўлган сўзларни аниқланг, тагига чизинг.

Тилимиздаги барча сўзлар ўзининг турли белги хусусиятларига қараб маълум гуруҳларга ажратилади. Сўзларнинг бундай гуруҳлари сўз туркумлари дейилади.

Сўзларни туркумларга ажратишда уларнинг маъно ва грамматик хусусиятлари ҳисобга олинади. Шунга кўра сўз туркумлари икки гуруҳга ажратилади: Мустақил сўз туркумлари, ёрдамчи сўз туркумлари.

Мустақил сўз туркумларига от, сифат, сон, олмош, феъл ва равиш киради. Ёрдамчи сўз туркумларига боғловчи, кўмакчи, юкламалар киради.



### 4. Чизиқчалар ўрнига гап мазмунига мос сўзни қўйиб ёзинг. Шу сўзларнинг қайси сўз туркумига киришини айтинг.

... сўз шакардан ширин. Етти ўлчаб, ... кес! Нонни катта тишласанг ҳам, гапни ... гапирма. ... бола – элга манзур.

Қўйиш учун сўзлар: бир, катта, ширин, одобли.



### 5. Шеърни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Синфимизда ўн ўғил,  
Йигирма қиз боламиз.



Ҳаммамиз оналарнинг  
Меҳридан нур оламиз.

*Жуманиёз Жаббаров*

*Неча?* сўроғига жавоб бўлган сўзларни аниқланг.



6. Ўқинг. Ўқиганингизга амал қилинг.

Шайх Абдухолиқ Ғиждувоний ўғлига насиҳат қилиб айтибди:

– Азиз ўғлим, ёмон одамлар билан суҳбатдош бўлма... Ўринсиз кулгудан, масхарабозликдан ҳазар қил. Хушмуомала одам бўл... Олим, фозил одамларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўл.

*Қандай?* сўроғига жавоб бўлган сўзларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.



7. Билимингизни синанг. Мустақил сўз туркумлари берилган қаторни аниқланг.

- А) от, сон, феъл
- Б) эга, кесим, от
- В) от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл
- Г) тўлдирувчи, эга, кесим





## ОТ – СЎЗ ТУРКУМИ

### Бугун дарсда:

- шахс ва нарсаларнинг номини билдирган сўзлар от сўз туркуми эканлигини;
- гапдаги отларни сўроқ қўйиш орқали аниқлашни;
- расм асосида ҳикоя тузишни;
- бирликдаги ва кўпликдаги отларни бир-биридан ажратишни **биламан**.



### 1. Ўқинг. Ҳикоя ким ва нима ҳақида эканини айтинг.

Султон Улуғбек навбатдаги сафаридан Самарқандга қайтаётган экан. Кўчанинг ўртасида ётган бир бурда нонни кўриб қолибди. Шошиб отдан тушибди. Нонни қўлига олибди. Уни ўпиб, пешонасига суртибди. Ноннинг номи улуғ, номидан ўзи улуғ.

Шахс ва нарсаларнинг номини билдирган сўзларни топинг. Отларнинг гапдаги вазифасини аниқланг.

Кишиларнинг, жойларнинг, нарса ёки буюмларнинг номини билдирган сўзлар туркуми от дейилади. От ким?, нима?, кимлар?, нималар? сўроқларига жавоб бўлади.

Масалан: Нафиса, учувчи, тоғ, шаҳар.

Отлар бирликда (меҳмон) ва кўпликда (меҳмонлар) қўлланилади.



### 2. Гапларни ўқинг.

Дам олиш куни болалар кинога бордилар. Поезд станцияда тўхтади. Дарахт шохига қарқуноқ қўнди. Отбоқар отни суғорди. Полизда қовунлар узилди.

Кўчиринг. Отларни аниқлаб, тагига чизинг.





### 3. Расмни кузатинг.



Расм мазмуни асосида “Одобли ўғил” мавзусида гаплар тузинг. Тузган гапларингиздан отларни аниқлаб айтинг.



### 4. Матнни ўқинг, отларни аниқланг.

## ТЎГАРАК

Мактабимизда эртақ эшитувчилар тўгараги ташкил этилди. Тўгаракка ўқувчимиз Зухра Азизова раҳбарлик қилади. Улар ҳар хил қизиқ эртақлар айтиб берадилар. Ёш эртақ эшитувчилар сони кўпаймоқда. Салима Жаббарова, Аброр Абдувалиевлар эртақ айтишни ўрганиб олдилар. Тўгарак машғулоти ҳафтада икки марта бўлади.

Бир устунга *ким? кимлар?*, иккинчи устунга *нима?, нималар?* сўроғига жавоб бўлган отларни ёзинг.





5. Отларни ўқинг. Уларни маъносига кўра уч гуруҳга ажратиб ёзинг.

Абай Қунанбаев, Кўкчетов, дарахт, тоғ, Саида, илм, Мухтор, Аvezов, самолёт, Есил, Шимкент, мактаб, Марат, Сайрам, китоб, Ботирова Доно.

Шахс номлари

Нарса номлари

Жой номлари



6. Ўқинг. Берилган отлардаги ҳарфларнинг ўрнини алмаштинг. Ҳосил бўлган сўзлар қайси сўз туркумига оидлигини аниқланг.

Ҳосил – соҳил

наҳор –

ўзак –

Тизза –

нақд –

калит –



7. Матнни ўқинг.

Амударё қирғоқларида қирғовуллар кўп. Фақат қирғовуллар эмас, ёввойи ўрдаклар, лойхўрақлар, турналар, тўрғайлар ва бошқа турли – туман қушлар ҳам кўп. Улар бу ерда яшайди, бола очиб кўпаяди, далалар устида қанот қоқиб учишади.

*Мирмуҳсин*

Сўроқлар ёрдамида бирлик ва кўпликдаги отларни аниқланг.

Амударё оти  
кўпликда  
қўлланадими?





## АТОҚЛИ ОТЛАР

### Бугун дарсда:

- Гаплардаги атоқли отларни топиб белгилашни;
- Сўзларга сўроқ қўйиш орқали атоқли отларни топишни;
- Атоқли отлар бош ҳарф билан ёзилишини;
- Оиламиз ҳақида ҳикоя тузиб, асосий ғоясини сўзлаб беришни ўрганаман.



### 1. Шеърни ўқинг.

Достончи **Даврон** тоға,  
**Комил** ва **Камрон** тоға,  
Даврада чақчақлашар  
Гап очсанг “**Равшанхон**” дан.  
Руҳланиб ёниб жондан  
...**Жайноқ** билан гаплашар.

*Турсунбой Адашбоев*

Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг, уларнинг ёзилишини тушунтиринг.

Кишиларнинг исми ва фамилияси, ҳайвонларга атаб қўйилган номлар, шаҳар ва қишлоқ, дарё номлари бош ҳарф билан ёзилади. Бундай отлар атоқли отлар дейилади.

Масалан: **Қамола Раҳимова**, **Туркистон**, **Балхаш**.



### 2. Гапларни ўқинг, атоқли отларни ёзилишига диққат қилинг.

Синфимиз ўқувчилари “**Болалар олами**” рўзномасига обуна бўлди. **Абай Қунанбаев**нинг “**Қўзимнинг қораси**” қўшиғини тингладим.





Оиламиз билан Алмати шаҳрига бордик. Фариданинг момиқ номли мушукчаси бор. Отчопарда маррага Дўнон от биринчи бўлиб келди.

Кўчиринг, атоқли отларни тагига чизинг.

Асарлар, завод, фабрика, кинофильм, жамоа хўжалиги номлари бош ҳарф билан ёзилади. Қўштирноқ (“”) ичига олинади. Аммо шаҳар, жамоа хўжалиги, кинотеатрлар киши номига қўйилган бўлса, қўштирноқ ишлатилмайди.



3. Матни ўқинг.

## ОИЛАМИЗ

Мен Чимкент шаҳри Ал Фаробий туманидаги Ғани Иляев номли кўчада тураман. Аҳмад Яссавий номидаги 15-мактабда ўқийман. Отам, онам, акам, опам ва укам бор. Опам билан укам ҳам шу мактабда ўқишади. Акам шаҳримиздаги “Фиркан” номли корхонада оператор бўлиб ишлайди.

Онам – муҳандис. У “Райхон” қандолатчилик цехида ишлайди. Отам – шифокор. У “Нурсат” болалар касалхонасида ишлайди.

Атоқли отларга сўроқ беринг, ёзилишини тушунтиринг.



“Оиламиз” матни асосида ўз оилангиз ҳақида ҳикоя тузинг ва ёзинг.





4. Шеърни ўқинг, атоқли отларни аниқланг.

Қозоқнинг Гётеси йўқ, Пушкини йўқ,  
“Қозоқнинг, – деманг бироқ, – ҳеч кими йўқ”.  
Халқининг мангу тирик сиймоси бўлган,  
Ваҳолангки, ўзгаларнинг Абайи йўқ.

*Музаффар Алимбаев*

Шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг, атоқли отларнинг тагига чизинг.



5. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Сигиримнинг боласин,  
Нима дейди, айт, Қўшоқ?  
Ҳар ҳолда сигирчамас,  
Буни деймиз-да (...)

Топишмоқ асосида уй ҳайвонларига қўйилган номларни ёзинг.





## ТУРДОШ ОТЛАР

### Бугун дарсда:

- Расм асосида гаплар тузиб, ундаги отларни аниқлашни;
- Шеърни ифодали ўқиб, мазмунини ўз фикрим орқали етказишни;
- Отларга сўроқ бериб, турдош от эканлигини далиллашни;
- дўстларим билан намунали ўқувчига хос фазилатларни тўплаштиришни билиб оламан.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Ажратиб кўрсатилган отларга сўроқ беринг.

### Асфальтдаги расмлар

Ким танимас кўчамизда,  
Дилшод, Сора, Насимларни.  
Асфальт йўлда юмалашиб  
Чизар турли расмларни.  
Вақтинчалик унутишган,  
**Китоб, қалам, дафтарларни**  
Акс эттирар шар ушлаган  
**Болаларни, каптарларни.**

*Турсунбой Адашбаев*



Булар қандай отлар?

Бир турдаги нарса, буюм, шахс (киши), жойларнинг умумий номини билдирган отлар турдош от дейилади.

Масалан: бола, гул, тоғ, ишчи, билим. Турдош отлар гапнинг бошида келганда катта ҳарф билан, ўртасида келганда кичик ҳарф билан ёзилади. Масалан: Ўқувчилар театрга боришди. Дарсда ўқувчилар расм чиздилар.





2. Матни ўқинг, турдош отларни аниқланг.

## ҒАЛЛА БОЙЛИГИМИЗ

Бу йил ғалла мўл бўлди. Буғдойзорда жуда кўп комбайнлар ишлади. Ҳосил вақтида йиғиб олинди. Ғаллакор давлатга мўл ҳосил топширдилар.

Кўчиринг, турдош отларнинг тагига чизинг.



3. Сўроқлар ўрнига берилган турдош отлардан мосини қўйиб, матни кўчиринг.

Чимкентда тўқимачилик комбинати бор. Комбинатда минглаб (кимлар?) ишлайдилар. У ерга тозаланган (нималар?) келтирилади. Комбинатнинг йигирув цехида (нима?) йигирилади. Иплардан (нима?) тайёрланади. Тайёрланган (нималар?) бўяш цехида турли рангларга бўялади.

**Қўйиш учун сўзлар:** пахталар, ишчилар, газламалар, ип, газлама.



4. Шеърни ифодали ўқинг, мазмунини дўстларингиз билан ўртоқлашинг. Сўроқлар ёрдамида отларни аниқланг.

Болага қирқ хунар оз,  
Фан кўкида қил парвоз.  
Тинмасдан ўқи, ўрган,  
Дунёда сен билмаган  
Ақлинг нурдек порласин.  
Хоҳ уста бўл, хоҳ ишчи.  
Халқингга бўл хизматчи,  
Ватанга бўл хизматчи.

*Қуддус Муҳаммадий*



Аввал ким? сўнг нима? сўроғига жавоб бўлган отларни ёзинг.



5. Дўстларингиз билан “Намунали ўқувчи” кластерини тузинг.



6. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Анжом – уй зийнати,  
Сўз – инсон зийнати.

Ёмон тил бошга бало келтирар,  
Яхши тил давлат, дунё келтирар.

Мақолларни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб кўчиринг, турдош отларнинг тагига чизинг.



6. Бошқотирмани топинг.

Бирлаштириб кийимни,  
иссиқ тутади бизни.

т				
---	--	--	--	--





## ОТЛАРНИНГ ЭГАЛИК ҚЎШИМЧАЛАРИ БИЛАН ҚЎЛЛАНИШИ

### Бугун дарсда:

- сўзларни қисмлардан ташкил топганлигини;
- сўзларнинг ўзагини топиб белгилашни;
- сўзлардаги эгалик қўшимчаларини олган отларни аниқлашни;
- ҳуснихат меъёрларига риоя қилган ҳолда тоза ёзишни **биламан**.



### 1. Отларни ўқинг, ўзагини аниқланг.

китобим  
китобинг  
китоби

китобимиз  
китобингиз  
китоблари

Сўзлар қандай қисмлардан ташкил топган? Сўзларни ёзинг, ўзак ва қўшимчаларни аниқланг.

-м, -им, -нг, -инг, -си, -и, -миз, -имиз, -нгиз, -ингиз, -(лар)и – эгалик қўшимчаларидир. Эгалик қўшимчалари шахс ва нарса – буюмларнинг қайси шахсга қарашлигини билдиради.



### 2. Ўқинг. Кўчиринг. Ажратиб кўрсатилган сўзлардаги ўзак ва эгалик қўшимчасини тегишлича белгиланг.

Жажжигина **бармоқчаларинг**,  
Ҳаракатдан тўхтамас бир зум.  
Сен чизган гул, **байроқчаларинг**,  
Байрам учун совғадир қизим.



**Онанг** шунда очар кенг кучоқ  
Гўё кўкка етгандек **боши**.  
Сенсан доим унга овунчоқ,  
Сен онангнинг кичик **йўлдоши**.

Эгалик қўшимчалари нарса ва шахснинг қайси шахсга тегишлигини билдирапти?

Тилда 3 та шахс бор:

I шахс – сўзловчи

II шахс – тингловчи

III шахс – ўзга

-м, -им, -миз, -имиз – I шахс

-нг, -инг, -нгиз, -ингиз – II шахс

-си, -и, -(лар)и – III шахс эгалик қўшимчаларидир



3. Ўқинг. Эгалик қўшимчаларини олган отларни аниқланг, уларни кўчиринг. Қавс ичида шахсини кўрсатинг.

Ҳар йили куз келди дегунча отамнинг иши, юмуши кўпаяди. Бутун маҳалланинг боғ-роғи отамнинг қўлидан чиқар эди. Отам, айниқса, ток ишини мукамал билардилар.

– Отанг ҳар бир дарахт билан гаплаша олади. Уларнинг тилини билади, – дерди амакиларим.

-м, -им, -нг, -инг, -си, -и – бирликдаги;  
-миз, -имиз, -нгиз, -ингиз, -(лар)и – кўпликдаги эгалик қўшимчаларидир.







4. Шеър парчаларини кўчириб ёзинг.

Оқ пахтадай сочингиз,  
Омон бўлсин бошингиз.  
Айта қолинг, бувижон,  
Ҳозир неча ёшингиз.

Ўсмирлар давлатимиз,  
Кексалар савлатимиз.  
*Қуддус Муҳаммадий*

*Пўлат Мўмин*

Эгалик қўшимчаларини олган отларни аниқланг, қавс ичидаги сўз ёнига шахс ва сонини ёзинг.



5. Нуқталар ўрнига эгалик қўшимчаларининг мосини қўйиб топишмоқни кўчиринг, жавобини топинг.

Мия каби шакл... бор,  
Бош... тўла ақл... бор.  
Мени еган донишманд –  
Бўлур деган нақл... бор.

Эгалик қўшимчасини олган отларнинг шахс ва сонини қавс ичида ёзинг.





## ЭГАЛИК ҚЎШИМЧАЛАРИНИНГ ЁЗИЛИШИ

### Бугун дарсда:

- эгалик қўшимчалари олган сўзларни аниқлаб, таҳлил қилишни;
- эгалик қўшимчаларининг бирлик ва кўпликда қалай қўшиб ёзилишини;
- сўз ўзгартувчи қўшимчалар эгалик қўшимчалари эканлигини;
- Эгалик қўшимчалари қўшилганда сўз ўзагининг ўзгаришини **билиб оламан**.



1. Ўқинг. Эгалик қўшимчаларини олган отларни аниқлаб, ўзагини белгиланг. Ўзакнинг қайси товуш билан тугаганини айтинг.

Мол-у давлатингиз билан эмас, илм-у ҳунарингиз, гўзал хулқ-атворингиз билан ифтихор қилинг. Одам боласи – элнинг боласи. Раънога бувисининг бойчечак ҳақидаги ашуласи ёқиб қолди:

Бойчечакнинг боласи,  
Қулоғида донаси.  
Донасини олай десак,  
Югуриб чиқди онаси.

Кўчиринг. Эгалик қўшимчаси ундошдан сўнг қўшилган отларнинг тагига бир, унлидан сўнг қўшилган отларнинг тагига икки чизиқ чизинг.

Эгалик қўшимчалари отларга қуйидагича қўшилади:

Унли товушдан сўнг:

-м, -нг, -си, -миз, -нгиз, -(лар)и шаклида;

Ундош товушдан сўнг:

-им, -инг, -и, -имиз, -ингиз, -(лар)и шаклида.





2. **Вазифа, компьютер** сўзларига бирлик ва кўпликдаги эгалик қўшимчаларини қўшиб ёзинг. Улар иштирокида гаплар тузинг.



3. Бирикмаларни ўқинг. Эгалик қўшимчаларини олган отларни аниқланг.

Баҳодирнинг чизғичи, мактабнинг кутубхонаси, отанинг насиҳати, эшикнинг қулфи, онамнинг эртаклари.

Эгалик қўшимчаларини тушириб ўқинг. Сўзлар ўзаро боғландими? Эгалик қўшимчалари қандай вазифа бажаряпти?

Эгалик қўшимчалари гапда сўзларни бир бирига боғлайди.  
Эгалик қўшимчалари сўз ўзгартувчи қўшимчалардир.



4. Ўқинг. Мисралардаги сўзлар ўзаро боғланганми?

Кундалиг... – ёруғ юз...,  
Давраларда бийрон сўз...,  
Ёзувлар... чиннию-чироқ,  
Завқ бағишлар ҳар бир варақ.

*Обид Расул*

Нуқталар ўрнига эгалик қўшимчаларидан мосини қўйиб кўчиринг. Эгалик қўшимчаларини тегишлича белгиланг, шахс-сонини айтинг.



5. Сўзларни ўқинг. Сўзлар ўзагидаги ўзгаришни кузатинг. Қандай фарқни сездингиз?

бурун  
оғиз

бурним  
оғзим



шаҳар  
сингил

шаҳрим  
синглим

Сўз ўзагидаги қайси товуш тушиб қолган? Кўчиринг, ўзак ва қўшимча-ни тегишлича белгиланг.

**Намуна:** бурним



6. Шеърни ифодали ўқинг.

Ёш кўнглимда орзуларим мўл,  
Қуёш эрур юрак тафтимга.  
Мен осмонга узатганда қўл,  
Сайёралар қўнар кафтимга.

*Эркин Воҳидов*

Эгалик қўшимчаларини олган отларни аниқланг, шах-сонини айтинг. Қайси сўз ўзагида ўзгариш бўлди? Далиллар келтиринг.



7. Саводхонлик вақти.

с	а	й	.	р	а
б	.	р	у	н	
ч	и	з	.	и	ч





## ОЛИМ БЎДСАНГ, ОЛАМ СЕНИКИ

### Бугун дарсда:

- матндаги эгалик қўшимчасини олган отларни топиб белгилашни;
- отларга эгалик қўшимчаси қўшилганда сўз ўзагидаги товуш ўзгаришини;
- матнни тинглаб, эгалик қўшимчаларини олган отларни таҳлил қилишни билиб оламан.



1. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг. Эгалик қўшимчаси олган отларни аниқланг. Сўз ўзагида товуш ўзгариши юз берган отларни аниқланг.

Билаги зўр бирни йиқар,  
Билими зўр мингни йиқар.  
Илм – ақл булоғи,  
Ақл – яшаш чироғи.  
Ёмон гап – бош қозиғи,  
Яхши гап – жон озиғи.



2. Сўзларни ўқинг. Сўз ўзагидаги ўзгаришини кузатинг.

Билак	билаги
Курак	кураги
Челак	челаги
Байроқ	байроғи
Қулоқ	қулоғи

Сўз ўзагидаги товуш ўзгаришини айтинг. Қайси товуш бошқа товушга айланди. Нима учун? Кўчиринг. Сўзларнинг ёзилишини ёдингизда тутинг.

**Намуна:** билак+и – билаги



Баъзи отларга эгалик қўшимчаси қўшилганда ўзакда қуйи-дагича товуш ўзгариши юз беради:

- Унли товуш тушиб қолади;
- Ундош товуш алмашади.

Масалан: шаҳар – шаҳрим; байроқ – байроғим.



3. Сўзларни ўқинг. Уларга эгалик қўшимчаларидан бирини қўшиб ёзинг. Сўзларнинг ёзилишини тушунтиринг.

Копток, балиқ, чойнак, қўшиқ, зирак, ўрик, тариқ.

Отларга эгалик қўшимчалари қўшилганда қандай товуш ўзгаришлари юз берди? Бунда сўз ўзагида доим ўзгариш бўладими? Далилланг.



4. Нуқталар ўрнига эгалик қўшимчаларидан мосини қўйиб, топшмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Чақолмайсан тезда, қаттиқ пўчоқ...

Чақсанг мағзи мазали, йўқдир ўчоқ...

Бармоқ... бор-у, тирноқ... йўқ.

Оёқ... йўқ қочади,

Қаноти йўқ учади.

Кўчиринг. Товуш ўзгаришларининг сабабини тушунтиринг.



5. Матнни ўқинг. Эгалик қўшимчалари олган отларни аниқланг, уларнинг шахс-сонини айтинг.

Қобил бобонинг икки набираси – Шавкатжон билан Шухратжон тортишиб қолишди. Улар бобосининг ёнига бориб, қайси биримиз одобли боламиз, деб сўрашди.

– Олдин ҳассамни олиб келиб беринг. Кейин ким одобли бола эканини айтаман, – деди Қобил бобо.



– Йўқ, аввал айтасиз, – деди Шавкатжон оёқлари билан полни тешиб.

Шухратжон бобосининг ҳассасини келтириб берди. Бобосининг қўлидан ушлаб, туришга ёрдамлашди.

Қобил бобо Шухратжоннинг пешонасидан ўпиб, миннатдорчилик билдирди.

*Худойберди Тўхтабоев*

Болалар айтингчи, ким одобли? Нима учун?



6. Бошқотирмани топинг.

Ақлга дўст тутсанг, аъло сўзлар,  
Йўқса, у суяксиз бало сўзлар.

т		
---	--	--







## ОТЛАРНИНГ КЕЛИШИК ҚЎШИМЧАЛАР БИЛАН ҚЎЛЛАНИШИ

### Бугун дарсда:

- отларнинг 6 та келишиги, сўроқ ва қўшимчаларини;
- «Тулки ва турна» эртаги қаҳрамонларининг ўхшаш ва фарқий томонларини;
- келишик номларини ёддан айтишни ўрганаман.



1. Ўқинг. Ҳар бир гапда такрорланиб келаётган бир хил отларни аниқланг. Шу отларни ажратиб кўрсатилган сўз билан бирга кўчиринг.

Меҳнат инсонни тарбиялайди. Меҳнатнинг таги роҳат. Болалар, меҳнатни **севинг**. Болаларни ёшликдан меҳнатга **ўргатинг**. Одам меҳнатда **синалади**. Меҳнатдан **келса** бойлик, турмуш бўлар чиройлик.

Отлар гапда бошқа сўзлар билан нима ёрдамида боғланыпти? Отлардаги қўшимчалар қандай вазифа бажаряпти?

Отлардаги қўшиладиган **-нинг, -ни, -га, -да, -дан** келишик қўшимчаларидир. Отларда олтига келишик бор.

№	Келишиклар	Сўроғи	Қўшимчаси
1	Бош келишик	ким? нима? кимлар? нималар?	-
2	Қаратқич келишиги	кимнинг? ниманинг? қаернинг?	-нинг
3	Тушум келишиги	кимни? нимани? қаерни?	-ни
4	Жўналиш келишиги	кимга? нимага? қаерга?	-га
5	Ўрин-пайт келишиги	кимда? нимада? қаерда?	-да
6	Чиқиш келишиги	кимдан? нимадан? қаердан?	-дан





2. Берилган сўзларга мазмунан мос бўлган отлар топиб, бирикма тарзида ёзинг. Бирикмалардаги сўзларнинг боғланишини тушунтиринг.

\_\_\_\_\_ келди, \_\_\_\_\_ барги, \_\_\_\_\_ тўкди, \_\_\_\_\_ кетди,  
\_\_\_\_\_ ишлайди, \_\_\_\_\_ қайтди.

Отларнинг қайси келишиқда эканини айтинг. Отлар қандай сўроққа жавоб бўлади?



3. Нуқталар ўрнига зарур қўшимчани қўйиб, топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

1. Шип... бизга қараб турар,  
Нурлари... тараб турар.
2. Дам олади кундузи  
Хонадон... юлдузи.
3. Икки япроқ бир тан...  
Кезар ёз... чаман...
4. Совуқ олмос,  
Қўлга... олмос.  
Ёз... ҳеч ким  
Топа олмас.

Кўчиринг. Келишиқ қўшимчаси олган отларнинг тагига чизинг.



4. “Тулки ва турна” эртагидан олинган парчани ўқинг.


Тулкининг бошига мусибат тушди. Томоғига суяк қадалди.

Турна тулкининг томоғидан суякни олиб ташлади. Тулки ўлимдан қутулди. Улар дўст бўлишди.



Кўчиринг. Отларни аниқлаб, қайси келишиқда эканини қавс ичида кўрсатинг. Отларнинг гапдаги вазифасини тегишлича белгиланг. Турна тўғри иш тутдими? Фикрингизни билдиринг.

Гуруҳда тулки ва турнани Венн диаграммаси асосида таққосланг ва фарқий томонларини ёзинг.





## БОШ КЕЛИШИҚДАГИ ОТЛАР

### Бугун дарсда:

- отларнинг 6 келишиги ҳақидаги билимларимни мустаҳкамлайман;
- гаплардан бош келишигидаги отларни топиб белгилай оламан;
- бош келишигидаги отларга сўроқ қўйиб, жавоб беришни биламан;
- матнни ўқиб, гапдаги бош келишигидаги сўзларни топишни ўрганаман.



1. Шеъринг парчани ифодали ўқинг. Ажратиб кўрсатилган отларга сўроқ беринг. Улар қайси келишиқда қўлланган?

Тоғларга тушди **қор**, водийларда **қуёш**!  
Боғларда **боғбонлар** кўмадилар **ток**.  
Меҳнатнинг завқида барча **кекса-ёш**,  
Мўл ҳаддан ташқари **олма, анор, нок**.

*Ойбек*

Кўчиринг. Бош келишиқдаги отларнинг тагига чизинг.

Бош келишиқдаги от ким?, кимлар?, нима?, нималар?, қаер?, қаерлар? Сўроқларидан бирига жавоб бўлади, гапда қўпинча эга вазифасида келади.

Масалан: **Муслима** мактабдан келди.



2. “Зумрад ва Қиммат” эртагидан олинган парчани ўқинг. Бош келишиқдаги отларни аниқланг, уларга сўроқ беринг.

Зумрад эрта билан барвақт кўзасини кўтариб, сой ёқалаб булоқ бошига бораркан. Йўлда учраган лола гуллар бошларини эгиб, унга салом берарканлар. Зумрад майсалар устида ўтириб дам олганида



гуллар уни олқишлар, булбуллар қувониб унга ҳикоялар айтиб берарканлар.



3. Шеърни ўқинг, ёддан ёзинг.

Тинч бўлсин олам,  
Бор бўлсин деҳқон.  
Тўхтаб қолмасин,  
Ҳеч бир тегирмон.

*Анвар Обиджон*

Бош келишикдаги отларнинг тагига чизинг.



4. “Адабий ўқиш” китобидаги “Олтин куз” матнини ўқинг. Бош келишик қатнашган иккита гапни ёзинг. Бош ва иккинчи даражали бўлақларнинг тагига чизинг.



5. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг. Бош келишикдаги отларни аниқланг.

Мен ҳам оддий қутиман,  
Аммо ақл ўтимаан.  
Хотирам кучли, гўё –  
Сиғади бутун дунё.  
Билсанг сен менга дастёр,  
Ўйинларим кўп бисёр.  
Қани, менга кўнгил бер,  
Номим менинг ...

Кўчиринг. Бош келишикдаги отларнинг тагига чизинг.



6. Шеърни ифодали ўқинг. Бош келишикдаги отларни топинг.

Эккан токим кўчага  
Файз тўкди бу ёз.




Ғуж-ғуж бұлиб меваси  
Товланар қийғос.  
Қуйласам шўх овозим,  
Жаранглаб кетар созим.  
Хуш куз, қиш, баҳор, ёзим,  
Мустақиллик яшасин!

Бош келишиктаги отлар таркибида қайси қўшимчалар бор?



7. Саводхонлик вақти.

Қ	И	Й	Ғ	.	С
О	В	О	.	И	М
К	.	Н	Г	И	Л





## ҚАРАТҚИЧ КЕЛИШИГИДАГИ ОТЛАР

### Бугун дарсда:

- қаратқич келишиги ҳақида билимга эга бўламан;
- қаратқич келишигидаги отларни аниқлаб, қайси сўз билан боғлаганлигини ўрганаман;
- “Яхшидан боғ қолар” мавзусида оғзаки ҳикоя тузиб, отларни аниқлайман;
- қаратқич келишигидаги отни ўзи боғланган сўз билан бирикма тарзида ёзишни **билиб оламан**.



1. Шеърни ўқинг. Ажратилган отларга сўроқ беринг. Улар қайси келишикда қўлланган?

Офтоб бўлса қандай соз,  
**Қушларнинг** тўйи қизир.  
Ўйноқи **ариқларнинг**  
Ёқимли куйи қизир.

*Ҳабиб Раҳмат*

Қаратқич келишикдаги отлар кимнинг?, ниманинг?, кимларнинг?, нималарнинг?, қаернинг? сўроқларидан бирига жавоб бўлади, гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади.

Қаратқич келишигидаги от гапда эгалик қўшимчасини олган отга боғланиб келади: бобомнинг насиҳати.



2. Матнни ўқинг. Қаратқич келишигидаги отларни аниқланг. Келишик қўшимчаси отни қайси сўз билан боғлаган?

Синглим менга Ориф бобонинг боғидаги ўрикнинг туршагини юборибди.





Бир ҳовуч туршакни қўлимга олдим-у, Ориф бобони эсладим.  
Ориф бобо эрта баҳордан қишнинг қировли кунигача боғда ғимир-  
лаб юрарди.

Ориф бобо аллақачон оламдан ўтган. Ундан “Ориф бобонинг боғи”  
қолди. Инсоннинг қўли ўз эгасига ҳайкал ясаб кетар экан.

*Худойберди Тўхтабаев*

Қаратқич келишигидаги отларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчи-  
ринг. Қаратқич келишиги қўшимчасини тегишлича белгиланг.

**Намуна:** ўрикнинг туршаги.



3. Матндаги охирги гапнинг мазмуни асосида ўртоқларингиз би-  
лан фикрлашинг.

“Яхшидан боғ қолар” мавзусида гуруҳда оғзаки ҳикоя тузинг. Ҳи-  
коянгиздан отларни аниқланг.



4. Тез айтишларни тез-тез ўқинг. Кўчиринг. Қаратқич келиши-  
гидаги отларни аниқлаб, қўшимчасини тегишлича белгиланг.

Наримоннинг назари,  
Нарвондан нарига тушди.

Наққошнинг нақши –  
Қаламқошдек яхши.

Бошқотирма Болтавойнинг бошини қотирди.



5. Маттни ўқинг. Қаратқич келишигидаги отларни аниқланг.

Гулнознинг ўзи ақлли қиз. У холасининг уйига борса, жим ўтир-  
майди. Уйларни йиғиштиради. Бир куни холаси Гулнозни ўзи  
ишлайдиган фабрикага олиб борди. У ерда аёллар болаларнинг кўй-  
лакларини тикишаётган эди. Гулноз чеварларнинг ишини кузатди.



Қаратқич келишигидаги отни ўзи боғланган сўз билан бирикма тарзида кўчиринг.



6. Жуптликда қаратқич келишигидаги отга мос отлар топиб, бирикма тузинг ва ёзинг.

Ўқувчининг



Дарахтнинг



7. Билимингизни синанг.

Олма... акасиман,  
Беҳи... укасиман,  
Сурхон томон юрсангиз  
Мезбон... каттасиман.

Ушбу шеърда нуқталар ўрнига қайси келишик қўшимчалари қўйилди?

- А) -ни, -ни, -ни      Б) -нинг, -нинг, -нинг  
В) -ни, -ни, -нинг    Г) -нинг, -ни, -ни





## ТУШУМ КЕЛИШИГИДАГИ ОТЛАР

### Бугун дарсда:

- тушум келишигидаги отларнинг ёзилишини;
- сўроқлар ёрдамида тушум келишигидаги отларни аниқлашни;
- тушум келишигидаги отларни аниқлаб тагига чизишни **ўрганаман**.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Ажратилган отларга сўроқ беринг. Улар қайси келишикда қўлланган?

Онам жажжи укамни,  
Алла айтиб ухлатар.  
– Кўзингни юм, – дер, – болам,  
Йўқ сира ҳам хавф-хатар.

*Йўлдош Сулаймон*

Тушум келишигидаги отлар қандай сўроқларга жавоб бўлади?  
Шеърни ҳуснихат билан кўчиринг.

Тушум келишигидаги отлар кимни?, нимани?, кимларни?, нималарни?, қаерни? сўроқларига жавоб бўлади.

Тушум келишигидаги от кўпинча феълга боғланади ва гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади.



2. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида тушум келишигидаги отларни топинг. Уларни ўзи боғланган феъл билан айтинг.

### ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Якшанба куни дадам билан ҳайвонот боғига бордик. У ерда турли ҳайвонларни, хилма-хил қушларни, балиқларни ва бошқа жониворларни кўрдик.



Ҳайвонот боғида чўмилаётган оқ айиқни, чиройли патли товусни, сакраб, югуриб юрган маймунни, ухлаб ётган шерни томоша қилдик.

**Намуна:** Ҳайвонларни кўрдик.



Сиз яшаб турган жойда  
ҳайвонот боғи борми?



3. Берилган феълларга мазмунан мос келадиган тушум келишигидаги отни танлаб, бирикма шаклида ёзинг.

Ўқиди



Томоша қилди



4. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Улар икки қирғоқни,  
Яқин қилар йироқни.  
Ерга тушса лой қилар,  
Деҳқонларни бой қилар.

Жажжигина у ўзи,  
Узоқни кўрар кўзи.

Кўчириг. Тушум келишигидаги отларни аниқланг, гапдаги вазифаси бўйича тагига чизинг.



5. Матнни ўқинг. Тушум келишигидаги отларни сўроқлар ёрдамида аниқланг.

Мен тунда фойдаланиладиган махсус халта-тўшакни тўшаб ётдим. Эрталаб нонуштадан сўнг шифокор йигит бизларга йигирма хил доривор гиёҳларни кўрсатди. Фотоҳаваскор ўқитувчи бу ерда яшайдиган турли ҳайвонларнинг суратларини олгани ҳақида сўзлади. Мен эса ён дафтаримни бу ерлардан олган таассуротлар билан тўлдирдим.

*А. Аминов*

Матндан 1-2-гапларни кўчириб ёзинг. Тушум келишигидаги отнинг гапдаги вазифасини аниқлаб, тагига чизинг.





## ҚАРАТҚИЧ КЕЛИШИГИДАГИ ОТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Бугун дарсда:

- Қаратқич ва жўналиш келишигидаги отларнинг ёзилишини;
- сўзларни сўз таркиби бўйича таҳлил қилишни **ўрганаман**.



1. Нуқталар ўрнига мос келишик қўшимчасини қўйиб, матнни ўқинг.

Анвар бола чоғидан гулзор... (-нинг, -ни) яхши кўрарди. Махмуд... (-нинг, -ни) оиласига келгач, боғча... (-нинг, -ни) гулзор қисмига ўзи қарай бошлади. Гулзор... (-нинг, -ни) суғориш, ўтлар... (-нинг, -ни) юлиш вазифалари... (-нинг, -ни) ўзи бажарди. Болалар... (-нинг, -ни) уйдан гул кўчат ва уруғ олиб, гулзор... (-нинг, -ни) бойитди.

*Абдулла Қодирий*

Қаратқич ва тушум келишигидаги отларни ўзи боғланган сўз билан ёзинг. Қаратқич келишиги ва тушум келишиги қўшимчалари отни қайси сўз туркумига боғланганини айтинг. Исботланг.

Қаратқич келишиги отни отга боғлайди. Тушум келишиги отни феълга боғлайди.



2. Берилган сўзларга мос отлар топиб, уларни қаратқич ёки тушум келишигида қўллаб, бирикма тузинг ва ёзинг.

\_\_\_\_\_ ўқиди, \_\_\_\_\_ боласи, \_\_\_\_\_ ёзди, \_\_\_\_\_ ҳовлиси,  
\_\_\_\_\_ боғи, \_\_\_\_\_ кўрди.





3. Шеърни ўқинг ва кўчиринг. Қаратқич ва тушум келишигидаги отларни аниқлаб, ўзак ва қўшимчаларини тегишлича белгиланг.

### СОВУҚ


Кечалари билдирмай,  
Қиров бўлиб ёғасан.  
Ўйноқи ариқларнинг  
Овозини бўғасан.

*Ҳабиб Раҳмат*



4. Нуқталар ўрнига мос келишик қўшимчасини қўйиб, топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Тарихлардан сўзлайди,  
Яхшилик... кўзлайди.  
Донолар... ақлли у,  
Улуғлар... нақли у.  
Онғ – идрокинғ оширар,  
Куч – ғайратинғ тоширар,  
У нимадир, Моҳитоб?  
– Топдим, топдим, у – ...



Топишмоқни жавоби билан ёзинг.



5. Қуйида берилган шеърини парчани ўқинг. Тушум келишиги қўшимчаси қайси сўзларга қўшилган?

Киприкларин ишқаб, ювиб кўзини,  
Ғор эшигин топди ростлаб ўзини.

*Фирдавсий*

Ажратиб кўрсатилган отга қаратқич келишиги қўшимчасини қўйиб ўқинг. Нимани сездингиз?



Тушум келишиги ва қаратқич келишигидаги отлар баъзан келишик қўшимчасисиз ҳам қўлланади. Тушум келишиги қўшимчаси шеърларда баъзан -н шаклида учрайди.



6. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Қишин-ёзин яшнайти,  
Қийимларин ечмайди.

Тусин кўриб зар дедим,  
Тотиб асал, қанд едим.

Тушум келишигидаги отларни аниқланг, ёзилишини тушунтиринг.



7. Ўқинг. Қайси жавобда тушум келишиги қўшимчаси нотўғри қўлланган?

- А) Қозоғистонни ғалласи
- Б) кўчатни эк
- В) қафасни олиб чиқ







## ЖЎНАЛИШ КЕЛИШИГИДАГИ ОТЛАР

### Бугун дарсда:

- жўналиш келишигидаги отларнинг гапдаги вазифасини;
- шеърни ёддан ёзишни;
- мавзу асосида постер тузишни **ўрганаман**.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Ажратилган отларга сўроқ беринг. Улар қайси келишикда қўлланганини айтинг.

Одоб билан қўйилган  
Парта устига қўллар.  
Фариштадек устозим  
Бизни илмга чорлар.  
Одоб-ахлоқ сабоғин  
Жойлайди дилимизга.  
Илк бор қалам тутган у  
Бизларнинг қўлимизга.

*Аббосхон Орзиев*

Кўчиринг. Жўналиш келишиги қўшимчасини белгиланг.

Жўналиш келишигидаги отлар кимга?, нимага?, кимларга?, нималарга?, қаерга?, қаерларга? каби сўроқларидан бирига жавоб бўлади.

Жўналиш келишигидаги от феъл билан баъзан эса бошқа сўзлар билан ҳам боғланади, гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади.

Масалан: Дилдора **онасига** ёрдамлашди.





2. Шеърни ифодали ўқинг, ёддан ёзинг.

### ЁМҒИР

Ёмғир ёғди далага,  
Қушлар қочди панага.  
Қирдаги қизғалдоқлар,  
Қолиб кетди жалага.

*Шоҳруҳ Убайдуллаев*



3. Матнни ўқинг. Жўналиш келишигидаги отларни аниқланг.

### САВОБ ИШ

Нигора ва Зилола мактабдан қайтишаётган эди. Улар кўча бошидаги бозорчада маҳалладошлари Зайнаб бувини кўриб қолишди.

– Зайнаб бувининг юкларини кўтаришайлик, юрақол, дугонажон, – деди Нигора Зилолага.

– Бозорчага чиққанлар, ёрдам бермасак, бўлмайди.

– Жуда зийраксан – да, дугонажон! – деди ҳавас билан Зилола.

Зайнаб буви рўзгорга пиёз, картошка, сабзи, олмалар харид қилди. Дугоналар кекса бувининг юкларини кўтариб, уйигача кузатиб қўйишди.

Буви уларни дуо қилди:

– Тарбия берган ота-онангизга минг раҳмат! Умрингиздан барака топинг...

Икки дугона мамнун бўлиб уйларига қайтишди.

*Тўлқин Нурмуҳаммад*

Жўналиш келишигидаги от қатнашган гапларни кўчириб ёзинг, гапдаги вазифасига кўра тагига чизинг.





4. Матн мазмуни асосида дўстларингиз билан “Савоб иш яхшидир” мавзусида постер тузинг.

“Савоб иш яхшидир”



5. Берилган феълларга мос жўналиш келишидаги от танлаб, бирикма шаклида ёзинг.

Борди

Айтди

Жўналиш келишигидаги отларнинг ўзак ва қўшимчасини тегишлича белгиланг.





## ЖЎНАЛИШ КЕЛИШИГИДАГИ ОТЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

### Бугун дарсда:

- жўналиш келишигидаги отларнинг ёзилишини;
- -га, -ка, -қа қўшимчаларини тўғри қўллашни;
- матн мазмунини сўзлаб беришни ўрганаман.



1. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг. Жўналиш келишигидаги отларни аниқланг.

Камтарлик кўкка кўтарар,  
Манманлик ерга.  
Кўпчиликка суянган, тилагига етади.  
Ғўзага нур, тупроққа сув керак.  
Кўкка боқма, кўпга боқ.

Кўчиринг. Отларга жўналиш келишиги қўшимчаларининг -га, -ка, -қа шаклида қўшилиши сабабини тушунтиринг.

Жўналиш келишиги қўшимчаси охири к ундоши билан тугаган отларга -ка, охири қ, ғ билан тугаган отларга -қа тарзида қўшилади: тоққа, қирғоққа.

Жўналиш келишигининг қўшимчаси жарангсиз ва баъзи бир жарангли ундошлардан сўнг қўлланганда -ка тарзида айтилади, аммо -га шаклида ёзилади: ёғочга (айтилиши: ёғочка), касбга (айтилиши: каспка).

Тинчлик, қармоқ, боғ, фазо, мактаб, тилак, тароқ, оҳанг, авлод, тоғ, булоқ, тилак.





2. Нуқталар ўрнига жўналиш келишиги қўшимчаларидан мосини қўйиб, топишмоқларни ўқинг ва жавобини топинг.

Бир парча патир,  
Олам... татир.  
Кўк кўйлак ... қўл етмас.  
Боши ўхшар тароқ ...  
Думи ўхшар ўроқ ...

Кўчиринг, жўналиш келишигидаги отларнинг тагига чизинг.



3. Нуқталар ўрнига -га, -ка, -қа қўшимчаларидан мосини қўйиб, шеърни кўчиринг. Сизнингча жўналиш келишигидаги отларнинг айтилиши ва ёзилишида қандай фарқ бор?

Илинди Чўртан  
Қармоқ ...  
Қимдир тортқилар  
Қирғоқ ...  
Болалар турди  
Оёқ ...  
– Онажон, тўхтанг!  
Қаёқ ...?!



*Анвар Обиджон*

Жўналиш келишигидаги отларни ўзи боғланган сўз билан кўчиринг.



4. Матнни ўқинг.

## ТУПРОҚҚА САЛОМ

Ўтқазилган ниҳоллар сўлғинлашиб, ерга бош эгишди. Бу ҳолни пайқаган Ойдин дадасидан сўради:

– Ниҳолларга нима бўлди?



– Кўчатлар ерга – тупроққа **салом беришяпти**. Улар бошқа тупроқдан келтирилди. “Бизни бағрингга **олганинг** учун раҳмат” деб таъзим қилишяпти, – деди дадаси.


Ойдин кейинги кун ўтқазилган ниҳолларнинг кўкка **бўй чўзиб** яшнаб турганини кўрди. Шунда у тупроққа **салом берган** ниҳолларга қувонч билан боқди.

*Олтамиш Ўсаров*

Жўналиш келишигидаги отларни ажратилган сўзлар билан бирга кўчирилинг. Отларга жўналиш келишиги қўшимчаси нима учун -га, -ка, -қа шаклида қўшилганини тушунтирилинг.



5. Берилган отларга мос сўз топиб, бирикма тузинг.



6. Билимингизни синанг. Қайси жавобдаги отга жўналиш келишиги -қа шаклида қўшилади?

- А) қишлоқ
- В) мушук

- Б) сув
- Г) тоғ





## ЎРИН-ПАЙТ КЕЛИШИГИДАГИ ОТЛАР

**Бугун дарсда:**

- ўрин-пайт келишигидаги отларнинг қўлланишини;
- мақоллар юзасидан мулоҳаза юритишни;
- берилган отларга ўрин – пайт келишиги қўшимчасини қўшиб ёзишни ўрганаман.



1. Мақолларни ўқинг, мазмуни юзасидан дўстларингиз билан мулоҳаза юритинг. Ажратиб берилган отларга сўроқ беринг. Улар қайси келишикда қўлланган?

Одоб бозорда сотилмас.  
Ўтлоқда бедана кўп,  
Дангасада баҳона кўп.  
Ҳунар бўлса қўлингда,  
Нон топилар йўлингда.

Ўрин-пайт келишигидаги отларни ўзи боғланган феъл билан кўчиринг.

Ўрин-пайт келишигидаги отлар кимда?, нимада?, кимларда?, нималарда?, қаерда?, қаерларда? сўроқларига жавоб бўлади.

Гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади, феъл билан баъзан эса бошқа сўзлар билан ҳам боғланади.

Масалан: **Алматида** метро қурилган.



2. Маттни ўқинг. Ажратилган отларга сўроқ беринг.

**Анварда** эртақ китоблар бор. Бир китобда “Ўрмонга нега ўт кетди?” эртаги бор. Анвар уни ўртоқларига гапириб берди:



– Қадим замонда бепоён ўрмонда турли жонзотлар иноқ яшар экан. Сичқон офтобда эркаланиб ётган мушукнинг бағрида ўйнарган. Бўри қўзичоқни ўз боласидек ялаб-юлқар экан. Тулки жўжаларни дон-дун билан сийларкан. Йўлбарс кийик болаларини елкасига миндириб, қирларда сайр қилдирар экан ...

Анвар шу ерга келганда эртани тўхтатди.

Ўрин-пайт келишиги қатнашган гапларни кўчиринг. Ўрин-пайт келишиги қўшимчасини белгиланг.



3. Болалар, Анварнинг эртагини дўстларингиз билан оғзаки давом эттиринг. Эртагингиз иноқлик, аҳилликнинг энг яхши фазилат эканлигини ифода этсин.



4. Шеърни ифодали ўқинг. Ўрин-пайт келишигидаги отларни аниқланг. Ажратилган отнинг талаффузи ва ёзилишини тунтиринг.

Ер юзида яшаган инсон  
Майлига, у қаерлик бўлсин.  
Тинч меҳнатда кунлари шодон,  
Кечалари хайрли бўлсин.

Ўрин-пайт келишигининг қўшимчаси жарангсиз ва баъзи сўзлар охирида келган жарангли ундошдан сўнг қўшилганда -та, тарзида айтилса ҳам, ҳар вақтда -да, шаклида ёзилади.

Масалан: ҳурматда (айтилиши – ҳурматта), одобда (айтилиш – одопта)





5. Берилган отларга ўрин – пайт келишиги қўшимчасини қўшиб ёзинг, қўшимчани белгиланг.

Озод, дарахт, мактаб, рубоб, хизмат, оила, дунё, шаҳар, коинот, китоб, меҳнат,

Шу сўзларнинг ёзилишини ёдда тутинг.



6. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

У баҳорда унади,  
Ёзда кучга тўлади.  
Кузда пишиб етилиб,  
Тоғ-тоғ хирмон бўлади.

Кўчиринг. Ўрин-пайт келишигидаги отларни сўроқлар ёрдамида аниқлаб, қўшимчаларни белгиланг.



7. Саводхонлик вақти.

х	.	р	м	о	н
к	о	.	н	о	т
м	е	ҳ	.	а	т





## ЧИҚИШ КЕЛИШИГИДАГИ ОТЛАР

Бугун дарсда:

- чиқиш келишигидаги отларнинг қўлланишини;
- чиқиш келишигидаги отларнинг талаффузи ва ёзилишини таққослашни;
- расм асосида “Менинг кичик дўстларим” мавзусида оғзаки ҳикоя тузишни ўрганаман.



1. Пўлат Мўмин шеърларидан келтирилган мисраларни ўқинг. Уларнинг нима ҳақида эканини айтинг.

Ким ҳунарсиз, ким бекор,  
Ўқиш, **ишдан** қилса ор.  
Унга лойиқ мақол бор:  
– **Бекорчидан** эл безор.

Қайнаб чиққан **дилимдан**,  
Айтай бурро **тилимдан**.  
Сўзинг тўлсин маънога,  
**Ҳунарлардан**, **билимдан**.

Ажратилган отларга сўроқ беринг. Улар қайси келишикда қўлланган?  
Иккинчи тўртликни кўчиринг. Чиқиш келишигидаги отларнинг қўшим-  
часини белгиланг.

Чиқиш келишигидаги отлар кимдан?, нимадан?, кимлардан?, нималардан?, қаердан?, қаерлардан? каби сўроқларга жавоб бўлади. Гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади, феълга баъзан бошқа сўзларга боғланади.

Масалан: дадамдан ўргандим, укамдан катта.





2. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг. Чиқиш келишигидаги отларни аниқлаб, ўзи боғланган сўз билан айтинг.

Олти оёқ-қўли бор,  
Тўр тўқийди ипакдан.  
Танаси дум-думалоқ,  
Қолишмайди пуфакдан.

Оёғи йўқ, қўли бор,  
Сўзламоққа тили йўқ.  
Уни севар эл жондан,  
Хабар берар жаҳондан.

Кўчиринг. Чиқиш келишигидаги отларнинг талаффузи ва ёзилишини таққосланг, фарқини айтинг.

Чиқиш келишигининг қўшимчаси жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга қўшилганда -тан бўлиб айтилса ҳам, -дан шаклида ёзилади.

Масалан: ўтдан (айтилиши – ўттан), пуфакдан (айтилиши – пуфактан).



3. Нуқталар ўрнига мос келишик қўшимчасини қўйиб, мақолларни кўчиринг, мазмунини тушунтиринг.

Одоб... одобсиз... ўрган.  
Ақл... ортиқ бойлик бўлмас.  
Хазина ғойиб... эмас, меҳнат...  
Ҳақиқат олтин... қиммат.  
Ҳаракат... баракат.

Чиқиш келишигидаги отларнинг талаффузи ва ёзилишини таққосланг, фарқини айтинг.





#### 4. Матнни ўқинг.

### ЎҚУВЧИНИНГ ОДОБИ

Мақтабга келган ҳар бир бола ўзининг ўқувчи эканини ҳис қилиши керак. Ўқувчи дарсларга кечикмай келиши, уй вазифаларини ўз вақтида бажариши зарур. Дарс пайтида бошқа нарсалар билан шуғулланмаслиги керак. Айниқса, ўғил болалар ўзларини тутишда ўрناق бўлишлари, устозларини ва қизларни ҳурмат қилишлари лозим. Мақтабда, синф хоналарида ёмон сўзларни айтмаслик керак. Умуман, одобли болалар ўзининг чиройли хулқи билан бошқаларга ўрناق бўлишлари шарт!

Келишик қўшимчаларини олган отларни аниқланг, уларни келишиклар тартибида ёзинг.



#### 5. Расмни кузатинг. Расм асосида “Менинг кичик дўстларим” мавзусида оғзаки ҳикоя тузинг.





## ОТ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР

### Бугун дарсда:

- от ясовчи қўшимчалар орқали янги сўзлар ҳосил қилишни;
- шеърни ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб ёзишни;
- маънодош сўзларни танлаб ёзишни **ўрганаман**.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Ажратиб кўрсатилган отларни кўчириб, ўзак қўшимчаларга ажратинг.

Бахтли кунлар, рангин гуллар,  
**Қучоғида** туғилдинг сен.  
 Сени ўйлаб узоқ тунлар,  
 Мижжа қоқмас **чегарачи**.  
 Сенга равон асфальт йўллар  
 Қураётир минглаб **ишчи**.  
 Сенга атаб мактаб солар,  
**Бинокорлар мармарлардан**.

*Қуддус Муҳаммадий*

Сўзлар таркибидаги қайси қўшимчалар сўз маъносини ўзгартиряпти?  
 Бу қўшимчалар қандай номланади?



2. Ўқинг. Сўзларга мос сўз ясовчи қўшимчаларни қўшиб кўчиринг.

Синф ...	– чи	теннис...	– зор
Футбол ...	– зор	гул...	– кор
Соат...	– дош	бино...	– дош
Узум....	– соз	парта...	– чи

Берилган сўзлар қайси туркумга оид? Ҳосил бўлган сўзларчи?



-чи, -зор, -дош, -кор, -к, -қ, -от ясовчи қўшимчалардир.



3. Ўқинг. Сўзларга от ясовчи қўшимчаларни қўшиб кўчиринг.

Эла – элак	тара – тароқ
Кура –	сўра –
Тила –	бута –
Беза –	бўя –

Берилган сўзлар қайси сўз туркумига хос? Ҳосил бўлган сўзларчи? Қайси сўзлар таркибида ўзгариш бўлди? Нима учун?



4. Шеърни ҳуснихат билан кўчиринг. Сўроқлар ёрдамида отларни аниқланг. Таркибида ясовчи қўшимчаси бўлган отларнинг тагига чизинг.

Олтин куз нурын тўкиб,  
Пахтазорда юрибди.  
Ҳашарчи Эркин билан  
Яйраб суҳбат қурибди.

*Қуддус Муҳаммадий*



5. Берилган отлардан маънодошларини танлаб ёзинг.

Тилак, совға, одам, баҳор, киши, орзу, тортиқ, инсон, ният, ҳадя, истак, кўклам, армуғон.

Шу сўзлар иштирокида иккита гап тузинг.



6. Ўқинг. Сўзларга қўшимчаларни қўшиб кўчиринг.

Ғалла	}	-кор, -зор
Пахта		
Маккажўхори		





7. Нуқталар ўрнига келишиқ қўшимчаларидан мосини қўйиб, шеърни ўқинг.

## ХЎРАК

Хўрак излаб балиқ...  
Бордик сувсиз ариқ...  
Ер... урсам белкурақ,  
Анча чиқди денг хўрак.  
Боқмай орқа – ўнг томон.  
– Қанча бўлди? – сўрадим.  
Дўнг... турган ўроз...  
– Сўранг, – деди, – хўрак...  
Териб еган хўроз...




*Нурилла Остонов*



8. Билимингизни синанг. Қайси сўздан -дош қўшимчаси ёрдамида от яшаш мумкин?

- А) олма
- В) бино

- Б) тарбия
- Г) синф







## ОИЛА – МЕҲР БУЛОҒИ

### Бугун дарсда:

- матн мазмуни юзасидан суҳбатлашишни;
- “Оилам – бахтим” мавзусида эссе ёзишни;
- бўлим юзасидан саволларга жавоб беришни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг. Мазмуни юзасидан дўстларингиз билан суҳбатлашинг.

## ОИЛА – МЕҲР БУЛОҒИ

Оилада ота-онангиз, буви-бувангиз, яқинларингиз меҳр-эътибори тафтида улғаясиз, камол топасиз. Онангиз ва яқинларингиз сизни миттигина чақалоқлигингиздан вояга етказадилар, оқ ювиб, оқ тарайдилар, билмаганларингизни ўргатадилар. Уларнинг барчаси яхши инсон бўлишингизни истайдилар. Бу йўлда сизга ёрдам беришдан чарчамайди. Шунинг учун ҳам оилани меҳр булоғи деб аташади.

Оила – Ватаннинг бир бўлағи. Оилани, Ватанни, яқинларни севиш лозим.

Отларни аниқланг, қайси келишиқларда қўлланганини айтинг. Биринчи ва охири гапларни кўчиринг, отларнинг ўзак ва қўшимчаларини тегишлича белгиланг.




2. -чи, -зор, -дош, -кор қўшимчалари билан отлар ясанг. Тузган сўзларингизнинг маъносини тушунтиринг. -чи, -дош, -кор қўшимчалари қандай маъноли сўзлар ясади? -зор қўшимчаси-чи?





3. Расмни кузатинг. Расм мазмуни асосида “Оилам – бахтим” мавзусида эссе ёзинг.



4. Нуқталар ўрнига келишиқ қўшимчаларидан мосини қўйиб, шеърни ўқинг. Келишиқ қўшимчаларини олган отларни ўзи боғланган сўз билан келишиқлар тартибида ёзинг.

Қора қушлар қўнарлар,  
Мажнунтол... шохи...,  
Бошин сув... эгарлар,  
Боқмай сира оҳига.

Раҳми келиб булут...,  
Йиғлаб тўкар ёши...  
Қушлар қочар, мажнунтол  
Кўтаради боши...  
Булут... орасидан  
Қуёш кулиб қарайди.  
Мажнунтол... ювилган  
Сочлари... тарайди.

*Эркин Воҳидов*



5. Берилган сўзлардан от ясовчи қўшимчалар ёрдамида отлар ҳосил қилинг. Уларнинг маъносини таққосланг.

**Намуна:** синф – синфдош...

Синф, олма, сув, иста, бино, тарбия, сува.




6. Саволларга жавоб беринг.

1. Отлар гапда бошқа сўзлар билан нималар ёрдамида боғланади?
2. Келишикларнинг номи, сўроғи ва қўшимчасини тартиб билан айтинг.
3. Қайси келишик қўшимчаси отни отга боғлайди?
4. Қайси келишик қўшимчаси сўзни фақат феълга боғлайди?
5. Бош келишикдаги отлар гапда қайси бўлак вазифасида келади?
6. Қайси келишиклар гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади?
7. Қайси қўшимчалар ёрдамида янги отлар ҳосил қилинади?



# Маданий мерос







## СИФАТ – СЎЗ ТУРКУМИ

### Бугун дарсда:

- шахс ва нарсаларнинг белгисини билдирган сўзлар сифат сўз туркуми эканлигини;
- гапдаги сифатларни сўроқ қўйиш орқали аниқлашни;
- расм асосида ҳикоя тузишни;
- расм асосида “Маданий меросимиз” мавзусида 4–5 та гапли ҳикоя тузишни **ўрганаман**.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Ажратилган сўзларга сўроқ беринг.

Биз қўшиқни севамир,  
Қўшиқ бизнинг – жонимиз.  
Қўшиқ билан таралар  
Элга шараф-шонимиз.  
Қўшиқ бизни ўргатар,  
**Аъло** ўқиш ва ишга.  
Ёшлиқданоқ **чидамли**  
Ва **саботли** бўлишга.

*Толиб Йўлдош*

Сиз ҳам қўшиқ айтишни яхши кўрасизми?

Қўшиқ маданий меросга кирадими?

Сифат нарса ёки буюм, шахсларнинг белгисини билдириб, қандай?, қанақа? каби сўроқларга жавоб бўлади.

Масалан: Хонадан ёқимли куй эшитилди.

Гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади.





2. Шеърни ўқинг ва кўчиринг. Қандай?, қанақа? сўроқларига жавоб бўлган сўзларнинг тагига чизинг.

Сахий она табиат,  
Қучоғида ҳаво соф.  
Онда-сонда кўринар,  
Нурсиз, қизғиш офтоб.

*Қудрат Ҳикмат*

Сифатлар ниманинг белгисини билдирыпти?



3. Мақолларни ўқинг, маъносини тушунтиринг.

Тўғри одам эгри сўздан ор қилар.

Бефойда сўзни кўп айтма, фойдали сўзни кўп эшитишдан қайтма.

Режали иш бузилмас.

Кўчиринг. Сифатларнинг отга боғланишини чизмада кўрсатинг.

**Намуна:** Тўғри одам



4. Расмни кузатинг. “Маданий меросимиз” мавзусида 4–5 та гапли ҳикоя тузинг, сифатларни аниқланг.





## 5. Матнни ўқинг.

### АРЧА

Кўм-кўк арча она тупроқ бағридан униб чиқади. Қуёшнинг заррин нурларини эмиб ўсади. Унинг ям-яшил ранги ҳеч ўзгармайди.

Арча қишнинг қаҳратон совуқ ҳавосига бардош беради. Баҳорда ҳам сеvimли либосини ўзгартирмайди. Фақат янги новдалар чиқаради. Кузда ҳам ўзининг яшил тўнини ташламайди.

*Жаббор Раззоқов*

Кўчиринг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқлаб, гапдаги вазифасини тегишлича белгиланг.

Сифатлар отга оҳанг ёрдамида боғланади.



## 6. Билимингизни синанг. Қайси жавобда чаққон сифатига маънодош бўлган сўз берилган?

- А) эпчил
- В) сезгир

- Б) жасур
- Г) қаҳрамон





## МУСИҚА МАКТАБИДА

### Бугун дарсда:

- “Мусиқа мактабида” мавзусида кичик ҳикоя тузишни;
- сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқлашни;
- қозоқ халқининг таниқли бастакор-куйчиси Дина Нурпейисованинг ҳаёти ва ижодини;
- Сифатларнинг қайси сўзга боғланганини аниқлаб, гапдаги вазифасини белгилашни **ўрганаман**.



1. Расмни кузатинг. “Мусиқа мактабида” мавзусида кичик ҳикоя тузинг. Тузган ҳикоянгизда сифатлардан фойдаланинг.







2. Матни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг.

## ДИНА НУРПЕЙИСОВА

Дина Нурпейисова қозоқ халқининг таниқли бастакор-куйчиси. У Қозоғистоннинг халқ артисти. Дина Нурпейисова ўзидан бой ва ажойиб маданий мерос қолдирган. Унинг “Булбул”, “Ғалаба”, “8 март” каби куйларини халқимиз севиб тинглайди. Унинг санъатдаги меҳнатлари юқори баҳоланиб, икки марта меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Алмати шаҳридаги шинам кўчалардан бирига Дина Нурпейисова номи берилган.



Сифатларни ўзи боғланган сўз билан ёзинг.



3. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Кичик бир майдончада  
Пирпирар икки чироқ.

Унинг қоқ ўртасидан  
Кесиб ўтган катта тоғ.

Ёруғ кунни бошлайди,  
Ундан борлиқ яшнайти.

Кўчиринг. Сифатларнинг қайси сўзга боғланганини аниқлаб, гапдаги вазифасини белгиланг.





4. Чизикчалар ўрнига берилган сўзлардан мосини қўйиб, матнни ўқинг. Матн мазмунини аниқ ва тўлиқ ифодалашга хизмат қилган сўзларга сўроқ беринг.

Эрталабга яқин \_\_\_\_\_ шамол атрофни ларзага келтирди. Тоғ чўққиларини \_\_\_\_\_ булутлар ўраб олган эди. Дам-бадам тоғ бошида чақмоқ чақилар, гўё аллақандай \_\_\_\_\_ куч осмон гумбазида \_\_\_\_\_ тошларни юмалатиб ўйнарди. Дам ўтмай селнинг овози, \_\_\_\_\_ тошларнинг шарақлаб оқиб келаётгани баралла эшитилди.

*Р.Раҳманов*

Сифатларни ўзи боғланган сўз билан кўчиринг.

Қўйиш учун сўзлар: қоп-қора, кучли, қудратли, катта-кичик, харсанг.



5. Берилган отга мос сифатлар топиб, бирикма тузинг ва ёзинг.



Ҳосил бўлган бирикмаларни қатнаштириб гаплар тузинг.



6. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Дадам омадли одам,  
Ташлайди шахдам қадам.

Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг.





## КИТОБСИЗ УЙ – ҚУЁШСИЗ КУН

### Бугун дарсда:

- матн мазмуни юзасидан суҳбатлашишни;
- “Китоб – қадрли меросимиз” мавзусида эссе ёзишни;
- берилган сифат ва отлардан фойдаланиб, бирикма тузишни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг. Мазмуни юзасидан суҳбатлашинг. Сифатларни аниқланг, уларни ўзи боғланган сўз билан ёзинг.

### КИТОБ

Мени одамлар севиб ҳурматлайдилар. Мен ҳам одамларни яхши кўраман. Уларга яхши яшашни, бахтли ҳаёт кечиришни ўргатаман. Болаларга ота-боболарининг қандай ҳаёт кечирганлари, қандай мерос қолдирганлари ҳақида сўзлайман. Болаларни билимли, ҳунарли инсон бўлишга ўргатаман.

Айтинг-чи болалар! Шунда мен кимман?

Мен одамнинг энг яқин дўстиман. Менинг номим – китоб.

Мен сенинг қўлингданман. Мени асраб-авайлаб, тоза тут. Мен сенинг энг ишончли дўстингман.





2. Азиз ўқувчилар! Китоб бизга аجدодларимиздан қолган энг бой маданий меросдир. Уни доим қадрланг. “Китоб – қадрли меросимиз” мавзусида эссе ёзинг.



Дўстларингиз билан “*Мен ўқиган китоблар*” номли кўргазма ташкил этинг.



3. Шеърни ифодали ўқинг. Кўчиринг, сифатларни аниқлаб, тагига тегишлича чизинг.

Конга ўхшайди китоб,  
Бағри беҳисоб бойлик.  
Бу бойликни қидирган,  
Қалблар гўзал, чиройлик.

*Набижон Қодиров*



4. Берилган сифатларга мос гул номларини топиб, бирикма тузинг.

Қизил, сариқ, пушти, оқ, кўк.



5. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни топинг, ўзи боғланган сўз билан бирга айтинг.

## ЎЖАР БАРГ

Баргларнинг умри қисқа экан. Куз келиши билан қўнғир тусга кириб, дайди шамолнинг ҳамласига дош беролмай тўкилишаркан.

Бир ўжар барг новдага маҳкам ёпишиб олибди.





– Биз она ерга сингиб, унга мадад берамиз. Шарофатимиз билан келгуси йил янги барглар кўкаради, сен ёлғиз қолма, қорбўронларда ҳолинг не кечади? – дейишибди шериклари.



Ўжар барг ўйланиб қолибди.

*Латиф Махмудов*

Сифатлар отга қандай боғланади?



6. Берилган сифат ва отлардан фойдаланиб, бирикма тузинг.



Ҳосил бўлган бирикмалар иштирокида учта гап тузиб ёзинг, сифатларни гапдаги вазифасига кўра тагига чизинг.





## СИФАТЛАРНИ МАЪНО ТУРЛАРИ

### Бугун дарсда:

- таниқли олим ва жамоат арбоби – Қаниш Сатбаевнинг меҳнат фаолиятини;
- сифатларни маъносига кўра гуруҳлашни;
- маънодош ва қарама-қарши маъноли сифатларни аниқлашни ўргана-ман.



1. Матнни ўқинг. Сифатларни аниқланг, улар қандай маънода қўлланганини айтинг.



### ҚАНИШ САТБАЕВ

Қаниш Сатбаев – жуда таниқли олим ва жамоат арбоби. Қозоғистон Республикаси миллий Билим академиясининг тўнғич Президенти, илк академик. Қаниш Сатбаев юзлаган илмий асарлар ёзган. У Қозоғистондаги методология мактабига асос солган. Қаниш Сатбаев Жезқазғандаги мис кони ҳудудини топган олим. Унинг фандаги беқиёс хизматлари юқори баҳоланган.

Ватанимизда мактаб, кўчаларга ўзидан бой мерос қолдирган олимнинг номи берилган.

Интернет тармоқларидан Ватанимизнинг таниқли олим ва фан арбоблари ҳақида маълумот тўпланг, дўстларингиз билан ўртоқлашинг.





## 2. Сифатларни маъносига кўра гуруҳланг.

Кенг, тахир, оппоқ, кичкина, бепоён, эгри, чексиз, қийшиқ, бо-тир, тор, ширин, жасур, думалоқ, ям-яшил, сахий, шўх, ақлли, ач-чиқ, япалоқ, қип-қизил.

Ранг тус билдирувчи сифатлар	Маза-таъм билдирувчи сифатлар	Ҳажм билдирувчи сифатлар	Шакл билдирувчи сифатлар	Хил-хусусият билдирувчи сифатлар

Маънодош ва қарама-қарши маъноли сифатларни айтинг.

Сифатлар шахс ва нарсаларнинг рангини, мазасини, шакли-ни, ҳажмини ва хил-хусусиятини билдиради.



## 3. Сифатларни маъно турларига мисол топиб, қаторларни давом эттиринг.

*Ранг-тус:* яшил, ...

*Маза-таъм:* аччиқ, ...

*Шакл:* ясси, ...

*Ҳажм:* тор, ...

*Хил-хусусият:* мулойим, ...



## 4. Берилган отларга мос ранг билдирувчи сифатлар топиб, би-рикма тузинг ва ёзинг.

..... пиёз, ..... қалампир, ..... помидор, ..... карам, ..... лавлаги, ..... редиска, ..... кашнич, ..... буғдой, ..... бақлажон.



Сифатлар отларга нима ёрдамида боғланган?



5. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг ва ёддан ёзинг.

Оқ, кўйлак, қора костюм,  
Эгини безаб турар.  
Азим дарахт учига  
Шох, чўплардан уй қураар.  
Ҳам даракчи, ўғри қуш,  
Ўзича у тўғри қуш.

Сифатлар ниманинг белгисини билдирапти? Сифатларни топинг. Ранг билдирган сифатларнинг тагига чизинг.



6. Тез айтишни тез-тез айтинг. Сифатларни аниқланг, улар қандай маъно англатишини айтинг.

Қўнғиротлик қўнғир отнинг,  
Қўнғироғи қўнғир оқ.

Кўчиринг, ранг билдирган сифатларнинг тагига чизинг.







## МАХМУД ҚОШҒАРИЙ

### Бугун дарсда:

- Махмуд Қошғарийнинг маданий мероси ҳақида;
- сифатларнинг маъно турини аниқлашни;
- қарама-қарши маъноли сифатларнинг ёзилишини ўрганаман.



1. Матнни ўқинг, сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг. Улар қандай маънода қўлланган?

### МАХМУД ҚОШҒАРИЙ



Махмуд ибн Мухаммад Қошғарий олтинчи асрда яшаб ижод этган буюк олим, тилшуносдир. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида етарли маълумот сақланиб қолмаган. Отаси Хусайин Қошғардаги Береген шахридан бўлган. Махмуд ёш болалигида ёки болалик чоғида уларнинг оиласи Боласоғунга (ҳозирга Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри) кўчиб келишган. У мактабда араб, форс тилларини чуқур ўрганади. У халқ яратган ҳикматли сўз, мақолларни ёддан билар эди. Махмуд Қошғарий туркий халқлар тарихи, тили, урф-одатларини пухта ўрганиш мақсадида бутун ўрта ва Кичик Осиёни кезиб чиқади. У “Девону луғатит турк” асарини ёзади. Бу асар араб, рус, озарбайжон ҳамда ўзбек тилига таржима қилинган. “Девону луғатит турк” асари илмий, тарихий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Сифатларни ўзи боғланган сўз билан ёзинг.





2. Қошғарий ҳикматларини ўқинг, мазмуни юзасидан суҳбатлашинг.

1. Олим киши сўзидан олгин ўгит,  
Яхши сўзлар таъсир дилга сингар.

2. Беҳуда сўзлар кўпайиб кетса,  
Оғиз қуриб жағ қақшайди.

3. Суқ одамлар мулкка интилар,  
Ўлимтикка интилгандек қузғунлар.



3. Берилган отларга маза-таъм билдирувчи сифатлар топиб, бирикма тузинг ва ёзинг.

..... олма, ..... беҳи, ..... анор, ..... олча, ..... нок, ..... лимон, ..... гилос, ..... довучча.

Қарама-қарши маъноли сифатларни айтинг. Сифатларни ёзилишини ёдингизда тутинг.



4. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг, маъносини айтинг.

## АНОР

Анор – кичик мевали дарахт. Барги қалин, сал ялтироқ. Меваси йирик, шарсимон, кўп уруғли. Уруғи серсув, нордон, ширин. Унинг ранги қизил, пушти ёки оқ.

Анор май – август ойларида гуллайди. Меваси сентябрь – октябрь ойларида пишиб етилади. Анорнинг меваси ва пўстлоғидан айрим касалликларни даволашда фойдаланилади.





5. Топишмоқни ўқинг жавобини топинг. Кўчиринг, шакл билдирган сифатларни тагига чизинг.

Дум – дум думалоқ,  
Юм – юм юмалоқ.  
Ичи тўла ҳаво – ей!  
Тепсам, отар шаталоқ.




6. Ўқинг. Сифатларнинг маъно турини аниқланг. Ҳажм билдирган сифатларни қатнаштириб, гаплар тузиб ёзинг.

Баланд, нордон, ясси, озода, тор, аччиқ, сап-сарик, паст, узун, қисқа.



7. Расмларни кузатинг. Нарсаларни маза – таъми, ҳажми, ранги, шаклига мос сифатлар топиб айтинг.





## ТЕМУР БОБОМ

Бугун дарсда:

- шеърни ифодали ўқишни;
- сифатларни ўзи боғланган сўз билан бирга ёзишни;
- сифатларни гапдаги вазифаси бўйича тагига чизишни **ўрганаман**.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Шахсинг хусусиятини билдирган сифатларни аниқлаб, тагига чизинг.

### ТЕМУР БОБОМ

Темур бобом –  
Буюк бобом,  
Эллар аро  
Суюк бобом.

Доно, аъло,  
Оқил бобом,  
Адолатли  
Одил бобом.

*Меҳмонжон Холиқов*





2. Интернет тармоқларидан бобомиз Амир Темурнинг ўғитларини излаб топинг ва дўстларингиз билан муҳокама қилинг.



3. Шеърни ифодали ўқинг. Нарсанинг хусусиятларини билдирган сифатларни аниқланг, ўзи боғланган сўз билан бирга ёзинг.

## ТОЙЧОҒИМ

Бор менинг бир тойчоғим,  
Кўзи тийрак мунчоғим,  
Севган адаш – ўртоғим,  
Яқин қилар йироғим.  
Тикка қамиш қулоғи,  
Чақнар олтин туёғи,  
Диқир – диқир ўйноқи,  
Толмас қўл – у оёғим.



*Қуддус Муҳаммадий*



4. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

Унинг тожи қип – қизил,  
Яхшилиқ қилсанг аҳил.  
Қичқиради тонг билан,  
Уйғотади бонг билан.

Кўчиринг, сифатларни тагига чизинг.



5. Матни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг.

Туси ва таъми турлича бўлган, қаттиқ пўчоқ билан қопланган ме-  
валар ёнғоқ деб аталади.

Кўпчилик оддий ёнғоқни хуш кўриб истеъмол қилади. Унинг бу-  
рушиқ мағзи силлиқ пўчоқ билан қопланган.

Қадим замонда шарқ ҳукмдорлари ёнғоқни у ўсмайдиган юртларни подшоларига қимматбаҳо совға сифатида юборишган.

Кўчиринг, сифатларни гапдаги вазифаси бўйича тагига чизинг.



6. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг. Хусусият билдирган сифатларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

Бир киши омбор атрофида ётган чигитларни сигирига берибди. Улар ичидан битта чигит қочиб омборга борибди.

Иноқ чигитлар орасига кириб уйқуга кетибди. Чигитлар баҳор-гача уҳлабдилар. Баҳорда меҳнатгаш деҳқонлар чигитларни ювинтириб, чўмилтириб далага экибдилар. Ҳадемай шошқалоқ чигитлар кўм – кўк ғўзага айланишибди. Улар оппоқ пахта бўлиб очилишибди.

Охурдан қочган чигит пахталар орасида ётган митти чигитларга насихат қилибди:

– Чигитлар, бир-бирингиздан асло ажралманглар. Ажралганни сигир ейди.

*Азиз Абдураззоқ*





## АБИЛХОН ҚАСТЕЕВ

### Бугун дарсда:

- Қозоғистон халқ рассоми Абилхон Қастеевнинг ҳаёти ва ижодини;
- сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқлаб ёзишни;
- ўзи билан боғланган от билан бирга кўчиришни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг, мазмуни юзасидан суҳбатлашинг.

### АБИЛХОН ҚАСТЕЕВ (1904–1973)




Қозоқ рассомчилигининг асосчиларидан бири бўлган Қозоғистон халқ рассоми – Абилхон Қастеев 1904 йили ҳозирги Талдиқўрғон вилоятининг Панфилов ҳудудида дунёга келган. У саккиз ёшида отасидан етим қолиб, қўйини боққан. Онаси чевар гилам тўқувчи бўлган. У Абилхоннинг рассомчиликка меҳр қўйишида катта ҳисса қўшган. Абилхон ёшлиқдан турли жониворларни шаклини ёғочдан ўйиб, тошдан йўниб яшаш билан шуғулланган.

Унинг “Турксиб”, “Жамбил портрети”, “Ёш Абай”, “Ёзувчи Сабит Муқонов” каби асарлари орқали рассомнинг бой иқтидор эгаси эканлиги яққол кўринади. Қозоқ бадиий рассомчилик галереяси Абилхон Қастеев номи билан аталади.

Сифат қатнашган гапларни кўчиринг.







2. Интернетдан А. Қастеевнинг бой маданий мероси ҳақида маълумот тўпланг.



3. Ўқинг, сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг.

Қадим-қадим замонда,  
Муқаддас Хуросонда,  
Бир шоҳаншоҳ яшарди.  
Тахтига ярашарди.

Камтарин, фаросатли,  
Билимдон, заковатли,  
Кучли, ғайратли эди,  
Мард, қатъиятли эди.

*Хўроз Абдусаллом*

Кўчиринг, шахснинг хусусиятини билдирган сифатларни белгиланг.



4. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқлаб, ўзи билан боғланган от билан бирга кўчиринг.

Бир куни читтакка бахт кулиб боқди. Қишнинг ўрталарида читтак чумчуқнинг бўш инини топиб олди. Инга юмшоқ момик тўшал-





ган эди. У учирма бўлгандан бери биринчи марта илиқ ва бежавотир жойда ухлади. Эрта тонгда чумчуқларни шодон овози читтакни уй-ғотиб юборди.



5. Уй ҳайвонлари ва паррандалардан биттадан танлаб, уларга хос белгиларни билдирган сифатларни аниқланг ва бирикма тарзида ёзинг.



Қора, ола, сезгир, беозор, ола-була, чаққон, мулойим, семиз.




6. Топишмоқларни ўқинг ва жавобини топинг.

Ости ясси, усти гумбаз,  
Мурғагига сув бўлса бас.  
Тўртта оёқ битта бош,  
Бориб-бориб бўлар тош.

Қулоғимга осилиб,  
Бурнимга миниб олар.  
Узоқ, яқин масофа  
Кўзга жўн бўлиб қолар.

Кўчиринг. Ҳажм, шаклни билдирган сифатларни та-  
гига чизинг.





## СИФАТ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР

**Бугун дарсда:**

- -сер, -бе, -сиз, -ли, -чан, -дор сифат ясовчи қўшимчалар эканини;
- сўзларга сифат ясовчи қўшимчалардан қўшиб, янги сўзлар ҳосил қилишни биламан.



1. Бир хил ўзакли сўзларни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сўзларнинг қайси туркумга оидлигини аниқланг.

Мева, мевали, мевазор, мевасиз; иш, ишчи, ишли, ишчан, ишла; ҳосил, ҳосилдор, ҳосилсиз, серҳосил, ҳосилли.

Ҳар бир сўзда нечтадан сўз ҳосил бўляпти?

**-сер, -бе, -сиз, -ли, -чан, -дор сифат ясовчи қўшимчалардир.**



2. Берилган сифатларга қарама-қарши маъноли сифатлар топиб, жуфтлаб ёзинг.

Гулли - ....., одобли - ....., унумли - ....., сувли - ....., ишли - ....., тузли - ... .

Сифатларни таркибий қисмларга ажратинг. Қўшимчалар қандай вазифа бажаряпти? Сифат ясовчи қўшимчаларни тегишлича белгиланг.



3. Ўқинг. Сўз ясовчи қўшимча олган сифатларни аниқланг, таркибий қисмларга ажратинг.

Бола борки, эртакка  
Сериштиёқ, серталаб.



Бобом чўпчак айтади  
Ҳасанбойга эркалаб.

*Турсунбой Адашбаев*

Кўчиринг. Сифатларнинг таркибий қисмини белгиланг.



4. Эртакни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқлаб, маъно турини айтинг.

### Асалнинг яратилиши

Ари аввал дуч келган нарсаларни тамадди қилар экан. Ширин, бемаза, аччиқ, чучук нарсаларни ейиш уни бора-бора нозиклаштирибди. Сўнг у ўзига маъқул таомни топмоқчи бўлибди. Кеча-ю кундуз тинмай меҳнат қилибди. Ниҳоят хуштаъм таом тайёр бўлибди.

Ари чидам билан меҳнат қилиб, шифобахш ва лаззатли таом-асални яратибди.

*“Ўзбек халқ эртаклари” дан*



5. Сўзларни ўқинг, уларнинг қайси туркумга оидлигини сўроқлар ёрдамида аниқланг.

Кўйлак, ҳосил, ақл, талаб, расм.

Берилган сўзларга сифат ясовчи қўшимчалардан қўшиб, янги сўзлар ҳосил қилинг. Шу сўзларни қатнаштириб 2та гап тузиб ёзинг.



6. Тез айтишларни тез-тез ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг.

Жажжи Жасур жуда жасур.  
Юсуф – сертакаллуф файласуф.  
Комила Камоладан  
Камгап-у камтаргина.



7. Мақолларни ўқинг, маъносини тушунтиринг.

1. Унумли меҳнат келтирар давлат.
2. Тикансиз гул, машаққатсиз ҳунар бўлмас.
3. Интизомли лашкар енгилмас.
4. Беташвиш бош қайда, меҳнатсиз ош қайда.

Кўчиринг. Сифатларни аниқланг, таркибий қисмларини белгиланг.



8. Билимингизни синанг. Қайси жавобда фақат сифат ясовчи қўшимчалар берилган?

- А) -сиз, -чан, -чи  
В) -сер, -бе, -кор

- Б) -дор, -қ, -ла  
Д) -ли, -дор, -чан





## ҚУТАДҒУ БИЛИГ

### Бугун дарсда:

- сифатларнинг таркибий қисмларини белгилашни;
- сўз ясовчи қўшимча олган сифат қатнашган гапларни аниқлашни;
- энциклопедиядан керакли маълумотни излашни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг, мазмуни юзасидан суҳбатлашинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг.

Бобокалон шоиримиз Юсуф Хос Хожиб яратган буюк ёзма ёд-горлик – “Қутадғу билиг” асарининг яратилганига салкам 950 йил бўлди.

“Қутадғу билиг” – “Қутга, яъни бахт – саодатга эриштирувчи билим” маъносини билдиради. Уни буюк алломаимиз Юсуф Хос Хожиб 1069 йили ёзган. “Қутадғу билиг”да энг яхши инсоний фазилатлар ва хусусиятлар баён эталади. Шоирнинг айтишича бу китоб:

Бошдан охиргача донолар сўзи,  
Гўёки тизилган маржондек ўзи.

Бобокалонимиз Юсуф Хос Хожибнинг ушбу асари биз учун энг қимматли ва бой маданий меросдир.



Энциклопедиядан Юсуф Хос Хожибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар тўпланг, дўстларингиз билан фикрлашинг.





2. Сўзларнинг таркибидаги ўзгаришларни билиб олинг.

Тарқа	тарқоқ
қувна	қувноқ
қайна	қайноқ

-чоқ, -чақ иш – ҳаракат, ҳолат ва хусусиятда ортиқликни билдиради.

-гир, -кир, -қир, -ма, -қ, -қа, -ик, -оқ, -иқ феълдан сифат ясовчи қўшимчалардир: чопқир, сезгир, тортинчоқ.



3. Ўқинг. Сифатларга сўроқ беринг. Кўчиринг, сифатларнинг таркибий қисмларини белгиланг.

**Намуна:** мақтанчоқ, ....

Сезгир, тортинчоқ, куюнчак, қувноқ, ёпиқ, қочоқ, учқур, қайноқ.



4. Порла, қувна, чанқа феълларига -қ сифат ясовчи қўшимча қўшиб, сифатлар ясанг. Ҳосил бўлган сифатларни қатнаштириб гаплар тузиб ёзинг.



5. Матнни ўқинг, сарлавҳа топинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг.

Оппоқ қор ҳамма ёқни қоплаган. Сувлар музлаган. Дарахтлар оқ кийим кийган. Мўрилардан тутун чиқади. Биз совуқдан ҳам, кучли изғириндан ҳам қўрқмаймиз. Иссиқ кийимлар кийиб мактабга борамиз. Иссиқ, чиройли ва озода синфларда роҳатланиб ўқиймиз. Дарсларимиз тугагандан кейин, баъзан қорбўрон ўйнаймиз. Уйимизга бориб овқатланамиз. Текис, муз қопланган ерларда конькида учамиз.

Сўз ясовчи қўшимча олган сифат қатнашган гапларни кўчириб ёзинг.





6. Шеърни ифодали ўқинг. Кўчиринг сифатларнинг тагига тегишлича чизинг.

### ҚИШ ҲАМ ЧИРОЙЛИ


Хай-ҳай, кўркам қиш  
 Қорлари кумуш.  
 Гупша-гупша қор,  
 Бўралаб ёғар.  
 Совуқ чирсиллар  
 Сув, муз қирсиллар.  
 Ғуборсиз ҳаво  
 Жонларга даво  
 Танда қон қайноқ  
 Ҳаммаёқ оппоқ.

*Қуддус Муҳаммадий*



7. Саводхонлик вақти.

қ	а	й	.	о	қ
и	с	.	и	қ	
с	.	з	г	и	р





## ҚЎШМА СИФАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

### Бугун дарсда:

- қўшма сифатларнинг ясалишини;
- сифатларни аниқлаб, ёзилишини тушунтиришни;
- берилган қўшма сифатларга мос отлар топиб, бирикма тузишни ва ёзишни ўрганаман.



### 1. Матнни ўқинг. Матн ким ҳақида ёзилган деб ўйлайсиз?

Ғиёсиддинбек ўғлини етаклаб мактаб хонасига кирар экан, ўқиш шовқини шартта тўхтади. Болалар дув этиб ўринларидан турдилар ва “Ассалому алайкум!” – дея таъзим қилгач, қайта ўринларига чўкдилар. Ғиёсиддин Алишернинг қўлидан ушлаган ҳолда домулла олдига бориб, эҳтиром ила салом бериб кўришди.

– Ассалому алайкум, тақсирим! – дея Алишер эгилди-да, қизариб домулланинг қўлини ўпди.

– Баракаллоҳ, ўқишга келдингизми? Балли ўғлон, – дея туриб янги шогирднинг отасига жой кўрсатди домулла.

Серсоқол, гавдали кекса домулла бошида катта салла, улуғвор, савлат тўкиб ўтирар эди.

*Ойбекдан*

Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг. Охирги гапни кўчиринг, сифатларни белгиланг.

Интернетдан бобомиз Алишер Навоийнинг болалиги ҳақидаги маълумотларни тўпланг ва дўстларингизга сўзлаб беринг.







2. Гапларни ўқинг. Ажратиб берилган сўзларга сўроқ беринг. Улар қандай сифатлар?

Ғайрат одобли ва **меҳнатсевар** бола. Зебо опа бизларга **ширин-сўз** ва **хушфеъл** бола бўлишни ўргатади. Нодир қишлоққа **ёлғизоёқ** йўлдан келди. **Очкўз** бўри овчининг тузоғига илинди. **Мовий ранг** осмонда қуёш чарақлайди.

Қўшма сифатларни ўзи боғланган от билан кўчиринг.

Қўшма сифатлар қуйидагича ясалади:

1. От ва отдан. Бундай сифатлар ажратиб ёзилади: ҳаво ранг.
2. Сифат ва отдан. Бундай қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: тез-оқар дарё.



3. Ўқинг. Берилган қўшма сифатларга мос отлар топиб, бирик-ма тузинг ва ёзинг.

Эртапишар, кул ранг, софдил, ишёқмас, камгап, қимматбаҳо.



4. Жуптлаб берилган бирикмаларни ўқинг. Маъносидаги фарқ-ни айтинг.

Катта бола – кап-катта бола.  
Яшил қир – ям-яшил қир.  
Оқ кўйлак – оппоқ кўйлак.  
Тиниқ сув – тип-тиниқ сув.  
Қизил мато – тўқ қизил мато.  
Пушти гул – оч пушти гул.

Белгини кучайтириб ва озайтириб кўрсатадиган сифатлар қандай ёзилади?



Сифатлар қўйидагича ёзилади:  
Чизиқча билан: тўппа-тўғри;  
Қўшиб ёзилади: оппоқ, тезпишар;  
Ажратиб ёзилади: тўқ яшил, оч сариқ.



5. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг. Сифатларни аниқлаб, ёзилишини тушунтиринг.

Ҳовузимнинг қопқоғи,  
Ярқирайди қуёшда.  
Ушлай десам банди йўқ,  
Сип-силлиқ ойна, тош-да.

Хом ашёси оддий лой,  
Сифимида хўплам чой.  
Эъозлаб кичик-катта  
Ўпиб қўяр албатта.

Дум-думалоқ жажжи ой,  
Чақиб есанг, гиж-ғиж мой.

Биринчи ва учинчи топишмоқларни кўчиринг, сифатларнинг тагига тегишлича чизинг.





## СИФАТЛАРНИНГ ЎЗ ВА КЎЧМА МАЪНОДА ҚЎЛЛАНИШИ

### Бугун дарсда:

- сифатларнинг ўз ва кўчма маънода қўлланиши;
- сифатларни аниқлаб, қандай маънода қўлланганини айтишни;
- Ўз ва кўчма маънодаги сифатларни қатнаштириб, “Қиш ажойиб фасл” мавзусида оғзаки ҳикоя тузишни **ўрганаман**.



### 1. Бирикмалардаги сифатларнинг маъносини таққосланг.

Қалин китоб – қалин ўртоқ; чиройли гул – чиройли нутқ; оғир тош – оғир бола; яқин йўл – яқин дугона; ўткир пичоқ – ўткир тил; ширин тарвуз – ширин уйқу.

Аввал ўз маъносида, сўнгра кўчма маънода қўлланган сифатли бирикмаларни кўчиринг. Кўчма маънода қўлланган иккита гап тузинг.

Ҳар бир сўзнинг қандай маънода қўлланганлиги гапда у билан боғланган бошқа сўзлар воситаси билан аниқланади.

Сифатлар ўз маънода ва кўчма маънода қўлланиши мумкин. Сифатлар кўпинча оғзаки нутқда кўчма маънода ишлатилади: қаттиқ югурди (кўчма маънода), тез югурди (ўз маънода).



### 2. Шеърни ўқинг. Сифатларни аниқлаб, қандай маънода қўлланганини айтинг.

Бир куни қиш кечаси  
Қаттиқ совуқ бўлганди.



Дарахтларнинг гавдаси  
Қалин қорга бурканди...

*Зафар Диёр*

Кўчиринг, сифатларнинг тагига чизинг. Қаттиқ, қалин сифатларини ўз ва кўчма маънода қўллаб, бирикмалар тузинг.



3. Сифатларнинг маъносига эътибор беринг.

Ширин бола, оғир қиз, яқин дугона.

Бирикмалардаги сифатларни ўз маъносида қўллаб, гап тузиб ёзинг.



4. Расмни кузатинг. Ўз ва кўчма маънодаги сифатларни қатнаштириб, “Қиш ажойиб фасл” мавзусида оғзаки ҳикоя тузинг.





5. Матнни ўқинг. Сифатларни топинг. Уларни ўзи боғланган от билан кўчиринг. Қавс ичида маъно турини ёзинг.

### БИР ТУП ҚАЙРАҒОЧ

Қишлоғимизда анҳор бўйида жуда катта қайрағоч бор. Унинг қалин барглари ерга офтоб туширмайди. Қайрағочдаги қушларнинг ёқимли овози сира тинмайди.

Қишлоқнинг бир томони – поёнсиз қир. У ерда буғдойларнинг бўлиқ бошоқлари тўлқинланиб туради.

Ғаллакорлар иссиқ кунлари шу қайрағоч тагида хордиқ чиқаришади. Бу қайрағочни қишлоғимизнинг кекса отахони Норбобо ўтказган экан. Ҳамма Норбобонинг номини ҳурмат билан тилга олади.

*Малик Муродов*



6. Мақолларни ўқинг, маъносини тушунтиринг. Сифатларни аниқланг, қандай маънода қўлланганини айтинг.

1. Беташвиш бош қайда,  
Меҳнатсиз ош қайда.
2. Аччиқ савол бериб,  
Ширин жавоб кутма.
3. Қаттиқ гап қариндошга ҳам ёқмас.





## МУСТАҚИЛЛИК

Бугун дарсда:

- шеър мазмуни юзасидан сұхбатлашишни;
- расмлар асосида “Мустақиллик бахтимиз” мавзусида эссе ёзишни;
- сифатларга мос отлар танлаб, бирикма түзиб ёзишни **ўрганаман**.



1. Шеърни ифодали ўқинг, мазмуни юзасидан сұхбатлашинг.

### МУСТАҚИЛЛИК

Элинг ҳам ўзингни,  
Еринг ҳам ўзингни.  
Ўзлигингни танитган Бахт –  
Бошингда Мустақиллик!

Байроғинг – ўзингни,  
Ўт ва Ҳаво, Сувинг ҳам.  
Яша, Қозоғистоним,  
Қадингни тутгин бардам!  
*Иран – Ғайип*



2. Расмни кузатинг. Расмлар асосида “Мустақиллик бахтимиз” мавзусида эссе ёзинг.





### 3. Шеърни ифодали ўқинг.

Она – Ватанимизга  
Тип – тиниқ осмон керак.  
Биз яшаган замонга  
Покиза боғбон керак.

*Қамбар Ўтаев*

Сифатларни аниқлаб, уларнинг қайси сўзга боғланганини айтинг.

**Намуна:** кўм-кўк осмон



### 4. Берилган сифатларни ўқинг. Ёзилишини кузатинг.

Қоп-қора, бус-бутун, бўм-бўш, кўм-кўк, тип-тиниқ, оппоқ, топ-тоза, тим қора, энг кучли, тўқ қизил.

Сифатларга мос отлар танлаб, бирикма тузинг. Сифатларнинг ёзилишини ёдингизда тутинг.



### 5. Чизикчалар ўрнига мос сифатларни қўйиб, гапларни ёзинг. Сифатларнинг тагига гапдаги вазифаси бўйича чизинг.

Болалар \_\_\_\_\_ кийимларда яхмалак учишга чиқдилар. \_\_\_\_\_ шамол дарахт шохларини синдириб юборгудай силкиб, кўчаларда чанг-тўзон кўтарди. Ўқувчилар эрталикка \_\_\_\_\_ тайёргарлик кўрдилар. Мактабимизга \_\_\_\_\_ меҳмонлар келишди. Нодир ёғочдан \_\_\_\_\_ сандиқча ясади. Ўлкамиздан жаҳонга \_\_\_\_\_ кишилар етишиб чиққан.

**Қўйиш учун сўзлар:** кучли, бежирим, машҳур, иссиқ, пухта, ҳурматли.







6. Сўзларни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни торпиб кўчириг.

Фойдали, серсув, гулдон, ақлли, қайноқ, тароқ, қанддон, қадрдон.


Сифат ясовчи қўшимчаларни тегишлича белгиланг.



7. Матни ўқинг. Сифатларни топиб, ўзи боғланган сўз билан айтинг.

### САБРЛИ ТОШБАҚА

Тошбақа кўплаб эртақларда ақлли, доно ва сабрли қахрамон сифатида тасвирланади. Ҳақиқатдан, тошбақалар ҳаётда ҳам шунақа бўлади. Бу жонивор 100 йилдан кўп умр кўради. Яъни сиз кичкинагина деб ҳисоблайдиган тошбақанинг ёши сизникидан анча катта бўлиши мумкин. Уларнинг хотираси жудаям ўткир. Тошбақа сизнинг юз кўринишингиз ва овозингизни эслаб қолиши мумкин.







## ОЛИМ ЧЎҚОН

### Бугун дарсда:

- қозоқ халқининг таниқли олими Чўқон Валихановнинг ҳаёти ҳақида;
- кўчма маънода ишлатилган сифатларни аниқлашни;
- ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб ёзишни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқлаб, маъно турини айтинг.

### ОЛИМ ЧЎҚОН

Отаси Чўқонни етти ёшида қишлоқ мактабига ўқишга беради. Иқтидорли бола дарсда ўта зеҳнли ва илғор бўлади. Айниқса, тарих, география фанларини севиб ўқийди.

Чўқон мактаб давриданок қозоқ халқининг тарихига қизиқиб, кўп изланади. Халқ мақол ва дostonларини яхши билади. Тенгдошлари еча олмаган кўпгина масалаларни зийраклик билан ечиб, кўпинча янги илмий фикрларни айтар эди. Мактабдаги устозлари Чўқонни улўф олим бўлади деб, келажаккага умид қилишади. Чўқон 22 ёшида рус география жамиятининг аъзоси бўлиб сайланади. У 1858–1859 йиллари Қoшғарга қилган саёҳати орқали жаҳон илмига улкан ҳисса қўшди.



Интернетдан қозоқ халқининг таниқли олими Чўқон Валихановнинг ҳаёти ва ўзидан қолдирган бой мероси ҳақида маълумот тўпланг, дўстларингиз билан ўртоқлашинг.





2. Ўқинг. Кўчиринг, кўчма маънода ишлатилган сифатларнинг тагига чизинг.

Оқ қоғоз, оқ пахта, оқ қанд, оқ йўл; қора қадам, қора ният, қора бўёқ; эгри ёғоч, эгри йўл, эгри қўл, эгри кўнгил; яқин йўл, яқин кўнгил, яқин киши.



3. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Шимол дала, қирлари,  
Қор кўрпада ухлар кўп.  
Чана тортишнинг пири,  
Чиройли бир ҳайвон хўп.  
Серсавлат шохдор боши,  
Хизматда улуғ тоши.

Ям-яшил гумбаз ичида  
Қип-қизил хона.  
Бир хил либос, тенг бўйли  
Минг бир дугона.

Кўчиринг, сифатларнинг тагига чизинг.



4. Сифатларнинг маъно турларига мос қандай сўзларни айта оласиз? Партадошингиз билан ўйлаб топинг.

Ранг-тус	Маза-таъм	Шакл-ҳажм	Хил-хусусият



5. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг.

Бўрилар энг сирли, энг кўрқинчли ва ақлли ҳайвонлардан бири ҳисобланади. Уларни дунёнинг деярли барча ҳудудларида учратиш



мумкин. Турли халқлар эртақларида бу жонивор баъзан салбий, баъзан ижобий қаҳрамон сифатида тасвирланади.

Бўрилар одатда чўллар, совуқ, қорли ўлкалар ва ўрмонларда яшайди. Уларнинг ранги ва кўриниши яшайдиган ҳудуди иқлимига қараб фарқланади.



Сифат қатнашган гапларни кўчиринг, сифат ҳосил қилувчи қўшимчаларни тагига чизинг.





## ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ – МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ

### Бугун дарсда:

- эгалик қўшимчаси олган отни аниқланг, шахс-сонини аниқлашни;
- матал, мақол мазмуни асосида суҳбатлашини;
- халқ оғзаки ижоди – маданий меросимиз эканини ўрганаман.



1. Матални ўқинг, мазмуни асосида суҳбатлашинг.

### ТОЗИ ВА ОҶУ

Този ит оҳуни қувиб кетаётган эди.

- Менга етиб бўпсан! – дебди оҳу.
- Нега? – сўрабди ит.
- Чунки мен ўзимни қутқариш учун югуряпман, сен эса хўжайинингга ёқиш учун.

Эгалик қўшимчаси олган отни аниқланг, шахс-сонини айтинг.



2. Масални ўқинг ва мазмунини тушунтиринг.

### ҚУЁШ ВА ЮЛДУЗЛАР

- Қундузи нега кўринмайсизлар? – деб сўрашди юлдузлардан.
- Ўзимиздан нурлироқ Қуёш олдида одоб сақлаймизда, – деб жавоб қилишибди юлдузлар камтарлик билан.

Қуёш, юлдузлар отларини келишикларда турлаб ёзинг.



3. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

1. Китобдан ҳарф эмас, билим изла.



2. Илмнинг каттаси – одоб.

3. Ақл ёшда эмас, бошда.

4. Бахт ялқовга бегона.

5. Гапни оз сўзла,  
Ишни кўп кўзла.



1. Кўчиринг, келишик қўшимчаларини олган отларнинг тагига чизинг.



4. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

1. Тани йўл-йўл, хўп кучли,  
Яқин борма, қўрқинчли.

Сифатларни ўзи боғланган сўз билан айтинг.



5. Тез айтишларни тез-тез ўқинг.

1. Тилим-тилим тилла қовуннинг  
Тўрт тилими тилимни тилди.

2. Темир билан Йўлчи – темир йўлчи,  
Темирйўлчиларга айтиб кўрчи.


3. Эргаш Эркинга эргашдими,  
Эркин Эргашга эргашдими?

Атоқли отлар қатнашган тез айтишларни кўчиринг.



6. Матни ўқинг, мазмуни юзасидан суҳбатлашинг.

## ШАМОЛ ВА ҚУЁШ



Шамол билан қуёш ўзаро куч синашдилар. Шамол баҳсга киришиб:

– Ҳозир мен сенга кучимни кўрсатаман, – деди.  
– Ҳув анави ердаги одамни кўряпсанми? Мен унинг эғнидаги пальтосини сендан кўра тезроқ ечиб оламан.

Бу таклифга рози бўлган Қуёш бир булутнинг орқасига беркинди. Шамол қаттиқ эса бошлади. Аммо шамол кучайган сари одам пальтосига янада маҳкамроқ ўраниб оларди. Охири шамол чарчади ва бир муддат тин олди. Шу пайт Қуёш булутлар ортидан чиқиб, пальтоли одамга чиройли табассум қилди. Кулиб чиққан қуёшни кўрган одам юзида хушнудлик ифодаси пайдо бўлди. Сўнг секингина эғнидан пальтосини ечиб олди. Баҳсда ютган Қуёш Шамолга:

– Дўстлик ва нафосат – қўполлик ва зўравонликдан ҳамиша кучлироқ бўлиб келган, – деди.

Матндан тўртта гапни ёзинг ва гап бўлақларининг тагига тегишлича чизинг.





# Касблар олами





## СОН СЎЗ ТУРКУМИ

### Бугун дарсда:

- шахс ва нарсаларнинг саноғини, тартибини билдирган сўзлар сон эканини;
- сўроқлар ёрдамида сонларни топишни;
- сонларнинг тагига гапдаги вазифасига кўра чизишни **ўрганаман**.



### 1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сонларни топинг.

Италиялик ошпазлар улкан торт яратишибди. У дунёдаги энг катта торт сифатида “Гиннес рекордлари” китобига киритилган. Тортнинг узунлиги 2 километр-у 396 метр. Уни тайёрлаш учун 500 килограмм сариеғ, 900 килограмм шакар, 500 килограмм олхўри мураббоси, 14000та тухум ишлатилган. Улкан тортни тайёрлашда 200 киши тер тўккан.

(“Гулхан”дан)

Сонларни ўзи боғланган от билан кўчиринг. Рақамларни ҳарфий ифодалар билан ёзинг.

Шахс ва нарсаларнинг саноғини, тартибини билдирган сўзлар сон дейилади. Сонлар неча?, қанча?, нечта?, нечанчи? сўроқларига жавоб бўлади.

Масалан: бешта қалам, бир соат.

Гапда отга боғланиб, иккинчи даражали бўлак вазифасида келади.







Интернетдан “Гиннес рекордлари” китоби ҳақида маълумот тўпланг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



## 2. Шеърни ўқинг.

Мана мен кичик ошпаз,  
Ҳар хил ошни биламан.  
Гўшт, ёғ, туз, сув, ун бўлса,  
Ширин овқат қиламан.

Масаллиқлар номига мос сонлар топиб, бирикма шаклида ёзинг. Сонларни ҳарфий ифода билан ёзинг.

Ошпазлик касбидан бошқа яна қандай касбларни биласиз?



## 3. Ўқинг. Сонларни аниқланг.

Олимларнинг маълумотига кўра, бир туп қора қайин бир соатда бир килограмм етти юз грамм кислород ишлаб чиқарар экан. Бу олтиш тўрт кишининг кислородга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Кўчиринг, сонларнинг тагига гапдаги вазифасига кўра чизинг.



## 4. Чизикчалар ўрнига саналарни қўйиб, матнни қайта ўқинг. Қайси бирида матн мазмуни тўлиқ ифодаланган?

\_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ декабрь – Мустақиллик куни.  
\_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ август Қозоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.  
\_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ да Давлат байроғи ҳақидаги қонун тасдиқланди.



\_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ да Қозоғистон Республикаси Давлат Герби ҳақидаги қонун тасдиқланди.

\_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ да Қозоғистон Республикаси Давлат Гимни қабул қилинди.



5. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг. Сонларни аниқланг.

1. Бир калла – калла,  
Икки калла – тилла.
2. Бир тулки етти бўрини етаклар.
3. Беш қўл баробар эмас.

Сонларни ўзи боғланган сўз билан кўчиринг.



6. Билимингизни синанг. Бир йил тут эккан киши ... йил гавҳар теради. Ушбу мақолда нуқталар ўрнига қайси сон қўйилади?

- А) қирқ
- В) етти

- Б) юз
- Г) ўн





## КИМНИНГ АКАСИ КАТТА?

### Бугун дарсда:

- чизиқчалар ўрнига мос сонларни қўйиб, гапларни ёзишни;
- дўстларимиз билан “Касблар бор хилма-хил” мавзусида фотоальбом тайёрлашни;
- сўроқлар ёрдамида сонларни аниқлашни **ўрганаман**.



1. Шеърни ифодали ўқинг. Шеърда берилган касбларни аниқланг. Улар ҳақида нималарни биласиз?

### КИМНИНГ АКАСИ КАТТА?

- Бизнинг ака тракторчи,  
Ҳаммадан ортиқ қучи.  
Сенинг аканг-чи, Тўйчи?
- Командир, мерган овчи.
- Сеники-чи, ўртоқ Шер?
- Бизнинг ака инженер.
- Сенинг аканг-чи, Омон?
- Менинг акам агроном.
- Сенинг аканг-чи, Ғофир?
- Менинг акамлар шофёр.
- Сенинг аканг-чи, Йўлчи?
- Мактабда ўқитувчи.
- Қимнинг акаси катта?
- Ҳаммаси тенг албатта.
- Бир ном билан айтинг-чи?
- Ишчи, деҳқон, хизматчи!

*Қуддус Муҳаммадий*





2. Саволларга жавоб беринг.

- Акангиз ёки опангиз ёши нечада?
- Қаерда, қандай касбда ишлайди?
- Сиз неча ёшдасиз?
- Сиз келажакда қандай касб эгаси бўлишни хоҳлайсиз?



3. Чизиқчалар ўрнига мос сонларни қўйиб, гапларни ёзинг.

Биз кўп қаватли уйнинг \_\_\_\_\_ қаватида турамыз. Баскетболчи саватга \_\_\_\_\_ тўпни туширди. Бир ҳафтада \_\_\_\_\_ кун бор. Оиламызда \_\_\_\_\_ киши яшаймиз. Ҳомийлар мактабга \_\_\_\_\_ компьютер совға қилишди. Синфимизда \_\_\_\_\_ ўқувчи ўқийди.

**Қўйиш учун сўзлар:** ўнта, бешинчи, саккиз, етти, йигирма олти, йигирмата.



Дўстларингиз билан “Касблар бор хилма-хил” мавзусида фотоальбом тайёрланг.



4. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сонларни аниқланг.

## ҲИСОБЧИ

6, 8 ва 10 ёш атрофидаги 3 болакай балиқ овига чиқишди. Қармоқни сувга ташлашди... . Челақни сувдан 30 қадам нарига қўйишди. Тутган балиқларини челақка олиб бориб солишди.

- Қанча балиқ тутдик? – сўради катта бола.



– Менимча, 50 та балиқ тутдик, – деди ўртанчаси.

Кенжа болани балиқни санаб келишга юборишди. Кенжатоё бор-  
йўғи 20 гача санашни биларди.

*Серик Бойтуқаев*

Сонларни ўзи боғланган от билан бирга кўчиринг. Рақамларни сўзга  
айлантириб ёзинг.



5. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.


1. Ўзи битта, кўзи мингта.
2. Ўзи битта, қулоғи тўртта.
3. Бир шаҳар, шаҳарда ўн икки минора,  
Минорада ўттиз дераза,  
Ҳар деразадан йигирма тўрт ўқ узилади.  
Бу нима?

Кўчиринг, сонларнинг тагига чизинг.



6. Саводхонлик вақти.

м	и	.	о	р	А
д	.	р	а	з	а
с	.	к	к	и	з
м	е	р	.	а	н





## СОННИНГ ГАПДАГИ ВАЗИФАСИ

### Бугун дарсда:

- соннинг гапдаги вазифасини аниқлаб, тагига чизишни;
- рақамларни ҳарфий ифода билан ёзишни;
- тез айтишларни тез-тез айтишни ўрганаман.



### 1. Матнни ўқинг, мазмуни юзасидан суҳбатлашинг.

Эй фарзанд! Дунёда касб – ҳунар ўрганишдан ор қилма. Ҳунар – бу бир ишни уддалай олишдир.

Масалан, эшик-ром яшаш, кийим тикиш, ёғочга гул солиш, уй қуриш, сават тўқиш, сартарошлик, машина тузатиш ва бошқа шу каби ишлар ҳунардир. Ҳунар гўёки яширин хазина. Ҳунар доимий ҳамроҳдир. Ишламасдан бировлардан ёрдам кутиб ўтириш жуда хунук одат. Ўз ҳунари орқали ҳалол нон топиб яшаган инсонлар доим қадрлидир

*Муштарий Холматова*



### 2. Матнни ўқинг. Матни нима учун “Ҳалоллик” деб номланган?

## ҲАЛОЛЛИК

Қадим замонда бой деҳқон камбағал деҳқонга ерининг бир чеккасини сотибди. **Ерни сотиб олган деҳқон онаси билан тўққиз жонни боқар экан. У ерни икки марта ҳайдабди. Иккинчи марта ҳайдаётганда бир хумча тилла топиб олибди.** Тиллани деҳқон бой деҳқонга олиб борибди. Бой деҳқон иккинчи деҳқонга шундай дебди:

– Ерни сизга сотганман. У ердан нима чиқса сизники.

Улар узоқ талашибди. **Охири икки деҳқон тиллаларни бева-бечораларга бўлиб беришга қарор қилишибди.**

*“Ўзбек халқ эртаклари”дан*



Сўроқлар ёрдамида сонларни аниқланг. Ажратилган сўзлар берилган гапларни кўчириб, сонларнинг тагига тўлқинли чизиқ чизинг.



3. Шеърни ифодали ўқинг ва кўчиринг. Соннинг гапдаги вазифасини аниқлаб, тагига чизинг.

Битта шеърда сичқонча,  
Тўрт-беш ҳарфни еб қўйди  
Маъносига тушунмай  
Мазаси йўқ, деб қўйди.

*Қамбар Ўтаев*



4. Матнни ўқинг. Сўроқлар орқали сонларни аниқланг.

### ОСМОН ОВЧИСИ

Бургут дунёдаги энг улкан ва энг кучли йиртқич қуш ҳисобланади. У қанотларини ёйса, 2,5 метрга чўзилади, ўзи эса 6–7 килограмм атрофида тош босади. Жудаям эркин парвоз қила оладиган бу қушлар 1000 метр баландликда ҳам бемалол учиши мумкин.



Сонларни ўзи боғланган от билан бирга кўчиринг, гапдаги вазифасига кўра тагига чизинг. Рақамларни ҳарфий ифода билан ёзинг.



5. Тез айтишларни тез-тез айтинг.

1. Тўрт тўқувчи тўр тўқир,  
Тўрт ўқувчи тўртга ўқир.
2. Тутдан тўртта  
Тўти тутдим.



Кўчиринг. Сонларни аниқлаб, тагига чизинг.



Дўстларингиз билан “Хунар – хунардан ризқинг унар” мавзусида постёр тайёрланг.

6. Бошқотирмани топинг.

Тилсиз ақл ўргатар.

к				
---	--	--	--	--







## СОНЛАРНИНГ ЁЗУВДА ИФОДАЛАНИШИ

**Бугун дарсда:**

- матн юзасидан фикр билдиришни;
- сўроқлар ёрдамида сонларни топишни;
- сонларни ўзи боғланган сўз билан кўчириб ёзишни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг.

### ТИКУВЧИ БЎЛАМАН

Онам – чевар тикувчилардир. Уларга ҳавасим келади. Мен ҳам тикувчиликни энг яхши ҳунар деб танладим.

Ҳар хил матолар келтирадилар. Уларнинг гули, нафислиги, юпқа, қалинлигига қараб фасон танланади. Жуда диққат қилиниб, андоза билан қирқилади.

Тиқиш ҳам эътибор беришни талаб қилади. Чоклар текис тикилиши керак.

Кўйлак тайёр бўлади. Эгаси кийиб юрганини кўриш ҳаммасидан завқлидир.

Ўқувчининг тикувчилик ҳунарини танлашга нима сабаб бўлди деб ўйлайсиз?



2. Сизнинг онангиз қандай касб эгаси? Сиз ҳам ота-онангизнинг касбини эгаллашни хоҳлайсизми?

Интернетдан тикувчилик касби ҳақида маълумот тўплаб, дўстларингиз билан ўртоқлашинг.





3. Матни ўқинг. Матндан нималарни билиб олдингиз? Сўроқлар ёрдамида сонларни топинг.

Илгари араблар ва мусулмон халқлари ҳисоб амалларини сўзлар ёрдамида бажарар эдилар. Ҳиндлар эса ҳар бир сонни рақамлар билан ифода этадилар.

Ҳиндларда тўққизгача санок тартиби бор эди .

... Машҳур олим ал-Хоразмий ҳинд ҳисобига янгилик киритди. У бир рақами ёнига битта халқа қўйди. Олим ўн рақамини яратди.

*Миркарим Осим*

Сонларни ўзи боғланган сўз билан кўчиринг. Уларнинг ёзилишини ёдингизда тутинг.

Сонлар ёзувда уч хил ифодаланеди:

1. Ҳарфий ифода билан: тўртинчи синф, олтинчи уй.
2. Араб рақами билан: 2015 йил, 8 март.
3. Рим рақами билан XXI аср, X боб.



4. Матни ўқинг, сонларни аниқланг. Сонларнинг ёзилишига эътибор беринг.

## ПАРОХОДЛАР ТАРИХИ

XIX асрга келиб, елканли кемалар ўрнини паррақлар ёрдамида суза оладиган пароходлар эгаллай бошлади. Пароходнинг двигатели буғ билан ишларди.

Фойдаланиш мумкин бўлган илк пароходни 1807 йили Америкалик Роберт Фултон ихтиро қилганди. Бу пароход соатига 9 километр тезликда суза олган.

Кўчиринг, сонларни тагига тегишлича чизинг.





5. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг. Сонларни аниқланг, улар қандай ифодаланган?

### НЕЧТА ШАЛПАНГ ҚУЛОҒИ?!

Умаржоннинг тўрт қўзиси,  
Улоқлари бор эди.  
Ва уларнинг ўн саккизта  
Қулоқлари бор эди.  
Чорвасининг сон-саноғи  
Чиқиб қолиб ёдидан,  
Ўйинқароқ Умаржон,  
Сўраб юрар Шодидан.  
Қани ўйланг, ҳар бирининг  
Тўрттадан-ку тўғи.  
Демак, унда улоқларнинг  
Нечта шалпанг қулоғи?!

*Турсунбой Адашбаев*

Сонларни ўзи боғланган сўз билан кўчиринг.



6. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

1. Икки қуённи қувган,  
Бирини ҳам тутолмас.
2. Санамай саккиз дема.

Кўчиринг, сонларнинг қандай ифодаланганини айтинг.





## КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

### Бугун дарсда:

- сонларни ўзи боғланган от билан кўчириб ёзишни;
- сонлар қандай рақамлар билан ифодаланганлигини аниқлашни;
- касблар ҳақида интернетдан маълумот тўплашни **ўрганаман**.



1. Маттни ўқинг, қандай касблар ҳақида ёзилганини айтинг.

### КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

– Менинг дадам қурувчи, катта бўлсам, мен ҳам қурувчи бўламан, – деди Султон.

– Мен эса онамга ўхшаб ўқитувчи бўламан, – деди Насиба. Дилдора шифокорликни орзу қилишини айтди.

– Футбол жону-дилим, – деди Асилбек. – Футболчи бўламан!

Математика фанини яхши кўрадиган Сарвар олим ёки ихтирочи бўлишини айтди. Дунёда турли касблар бор: архитектор, кимёгар, инженер, ҳайдовчи, тикувчи...

Сиз ким бўлишни истайсиз?

Интернетдан ўзингиз ёқтирган касб ҳақида маълумот тўплаб, дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



2. Маттни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сонларни аниқланг.

Отларнинг умри зоти ва яшаш шароитига боғлиқ. Масалан, спортга йўналтирилган ёки ишчи отлар 18–20 ёшдан ошмас экан. Зот-



ли отлар 20–25 йилгача яшайди. Баъзи зотдор отларнинг умри эса 35–40 йилгача чўзилиши мумкин.

Кўчиринг, сонларнинг ёзувдаги ифодаланишини изоҳланг.



3. Шеърни ифодали ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сонларни аниқланг.

### МЕН ЁҚТИРГАН РАҚАМ

Қирқ беш рақам кўнглимга,  
Жуда яқин негадир.  
Ўзга сонга ўхшамаган  
Зўр мазмунга эгадир.  
Бу сон баъзан қолиб кетар,  
Катта жадвал орасида.

Биз яшаймиз катта уйнинг  
Қирқ бешинчи хонасида.  
Қайда кўрмай бу рақамни  
Дилга шодлик тўлиб кетар.  
Кундаликда улар гуё  
Тўрт – беш баҳо бўлиб кетар.



4. Матни ўқинг. Сонлар қандай рақамлар билан ифодаланган?

Нафиса Муродова 2008 йилнинг 5 апрелида Чимкент шаҳрида туғилган. Ҳозир шаҳардаги 104-мактабнинг 4-синфида аъло баҳо-ларга ўқийди. У “Ёш теннисчилар” тўғарагига қатнашади. Ёш теннисчилар мусобақасида қатнашиб, 3 марта зафар қозонди. 2017 йилнинг 10 октябрида ўтказилган Қозоғистон ёш теннисчиларнинг V спартакиадасида қатнашиб, совринли 1-ўринни эгаллади.

Кўчиринг сонларни ҳарфий ифода билан ёзиб, тагига чизинг.



5. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.

1. Уч ўртоқмиз уч чироқ,  
Мен кўк, ҳаракат кўпроқ.  
Сарғайдим тайёрлангин,  
Қизарсам, тўхта ўртоқ.

Сонларни ўзи боғланган от билан кўчиринг.





## СОННИНГ ТУРЛАРИ. МИҚДОР СОН

### Бугун дарсда:

- матндан сонларни топиб, ўзи боғланган от билан бирга кўчириб ёзишни;
- “Менинг бобом боғбон” мавзусида кичик ҳикоя ёзишни;
- соннинг турларини;
- шеърни ёддан ёзишни ўрганаман.



### 1. Матнни ўқинг.

Якшанба куни эди. Учинчи синф ўқувчилари иккинчи бўлимнинг олмазорига боришди. Олмазорда уларни донгдор боғбон Қудрат ота кутиб олди. Болалар одоб билан отага салом беришди. Улар қўлларига биттадан саватча олишди. Сўнг олма теришга тушиб кетишди. Қудрат ота болаларнинг ҳар бирига бештадан олма берди.



Сонларни топиб, ўзи боғланган от билан бирга кўчиринг.  
Матнда сонларнинг қайси тури қўлланган?



Сонлар маъно ва грамматик жиҳатдан олти хил бўлади:  
Миқдор сон. Чама сон Дона сон. Жамловчи сон.  
Тартиб сон. Тақсим сон.



2. Сонларни қатнаштириб “Менинг бобом боғбон” мавзусида кичик ҳикоя ёзинг.



3. Катакча ўрнига мос сонни қўйиб, бирикма тузинг ва ёзинг.

{ иқлим  
                  { хазина  
                  { кун

{ ҳунар  
                  { қиз  
                  { кеча-кундуз

**Қўйиш учун сўзлар:** қирқ, етти.  
Булар қандай сонлар?

Миқдор сон бир турдаги нарса-буюмнинг умумий сонини, миқдорини билдиради: Узоқдан икки йўловчи кўринди.

Миқдор сон кун, ой, йил, кеча-кундуз, соат-дақиқа, қадам, километр, тенге, сўм, марта каби сўзлар билан бирга ишлатилади: Тикувчи тўрт метр газлама олди.



4. Сонларни ўқинг, уларнинг фарқини айтинг.

Бир, ўнинчи, бешта, ўн тўртинчи, беш, йигирма, учинчи, ўттизта, саккиз, қирқта, олти, ўн тўққизинчи.

Миқдор сонларни топинг, уларни қатнаштириб гаплар тузиб ёзинг.





5. Шеърни ифодали ўқинг, ёддан ёзинг.

### БЕШ ПАНЖА

Ўнг қўлимда беш панжа,  
Чап қўлимда беш панжа.  
Ҳар бирининг исми бор,  
Иноқ, аҳил эш панжа.

*Турсунбой Адашбаев*

Миқдор сонларнинг тагига чизинг.



6. Ўқинг бу қизиқ.

Итларнинг ўртача яшаш давомийлиги 12 йилдан 15 йилгача. Одатда кўриниши кичикроқ итлар катта итларга қараганда узоқроқ яшайди.

Сонларни аниқланг, уларни турини айтинг.



7. Билимингизни синанг. Сўздан сўзнинг фарқи бор, ... нархи бор. Ушбу мақолда нуқталар ўрнига қайси сон қўйилади?

А) ўттиз етти  
В) бир юз битта

Б) ўттиз икки  
Д) ўттиз учта







## ДОНА СОН

### Бугун дарсда:

- дона сон нарса-буюмнинг доналаб саналадиган умумий сонини билдиришини;
- ўлкамиздаги донгдор касб эгалари ҳақида дўстларимиз билан суҳбатлашишни ўрганаман.



1. Шеърни парчаларни ўқинг. Шеърда қандай касблар ҳақида айтилган?

Она – донгдор қурувчи,  
Она – моҳир пахтакор,  
Она – лочин учувчи,  
Она – доктор – шифокор.

*Қуддус Муҳаммадий*

Эртага катта  
Бинокор, боғбон.  
Космонавт, ҳатто  
Довюрак посбон.

*Қудрат Ҳикмат*



2. Ўз ўлкангиздаги донгдор касб эгалари ҳақида биласизми? Дўстларингиз билан суҳбатлашинг. Сонларни қатнаштириб, улар ҳақида тўртта гап тузинг.



3. Шеърни ифодали ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сонларга сўроқ беринг. Улар қандай сонлар?

Шимимда 4та чўнтак  
Пальтомда 4та чўнтак.  
Бирма – бир кириб чиқар,  
Барига 2 қўлим.

*Абдурахмон Акбар*

Рақамларни ҳарфий ифода билан ёзиб, шеърни кўчиринг.



Дона сон нарсa-буюмнинг донaлaб санaлaдигaн умумий сонини билдиради. Дона сон миқдор сонга -та қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади.

Масалан: юзта китоб, тўртта китоб.



4. Ўқинг. Дона сонларни аниқланг ва ёзинг.

Учта, бешта, бешинчи, ўнта, тўққиз, бир, еттита, ўн беш, ўн иккита, икки, саксон.



5. Матнни ўқинг, сонларни аниқланг.

### АНҲОРДА ЧЎМИЛДИК

Ёзда анҳорда чўмилиш қандай яхши! Ҳар хил сув ўйинлари ҳам топилади.

13 июль куни тўртта ўртоқ ўша таниш жойга чўмилишга бордик. Сузиш мусобақаси ўйнашга келишдик.

Учқун тренер бўлди. У сув оқишига тескари томонга қараб ўттизта қадам ўлчади ва чегарани белгилади. Мусобақага 20 нафасда етиш шартини қўйди.

Мусобақани Илҳом бошлади. Бирин-кетин куч синашдик. Фақат Камол икки марта белгиланган вақтда масофага етиб келди, холос.

Дона сонлар қатнашган гапларни кўчиринг, сонларнинг тагига тегишлича чизинг.



6. Ўқинг, миқдор сонларни дона сонга айлантириб айтинг.

Етмиш киши, учинчи уй, олти бола, саккизинчи қатор, эллик биринчи мактаб, ўн беш қиз, юз дарахт, ўн бармоқ, етти хазина.



## 7. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Бурни узун қора қозиқ,  
Ўт-ўланлар унга озиқ.  
Танасида тўртта устун,  
Қайси ҳайвон, дўстим Учқун?

Қадимда икки палла,  
Бирида тош, бирида юк.  
Тортқилайди ўлчаб у  
Ҳақларинг ҳалол, суюк.

Бугун юк оғирлигин  
Рақамлар кўз-кўзлайди.  
Хиёнат йўқ ишида,  
Аниқ рақам сўзлайди.

Сўроқлар ёрдамида сонларни аниқланг. Дона сон қатнашган топишмоқ-  
ни жавоби билан ёзинг ва маъно турини айтинг.



## 8. Саводхонлик вақти.

х	.	ё	н	а	т
.	а	й	в	о	н
х	а	з	.	н	а





## ТАРТИБ СОН

### Бугун дарсда:

- сонларнинг маъно турини аниқлашни;
- тартиб сон нарса-буюмнинг санокдаги тартибини билдиришини;
- Юрий Гагарин ҳаётини;
- “Қиш гашти” мавзусида оғзаки ҳикоя тузишни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сонларни аниқланг. Ажратиб кўрсатилган сонларнинг маъно турини айтинг.



### БУЮК ВОҶЕА

**1961 йил 12 апрелда** буюк тарихий воқеа юз берди. Тарихда **биринчи** марта инсон фазога учди. “Восток” йўлдош кемасида **биринчи** бўлиб фазога учган инсон Юрий Алексеевич Гагариндир. У 108 дақиқа ичида Ер атрофини айланиб чиқди ва тарихда мисли кўрилмаган қаҳрамонлик кўрсатди. Ю.А. Гагарин жаҳонда **биринчи** фазогир учувчидир. Унинг кетидан янги-янги қаҳрамон фазогир учувчилар фазога парвоз қилдилар. Биз ҳар йили **12 апрелда**

Космонавтлар кунини байрам қиламиз.

Сонларни ўзи боғланган сўз билан ёзинг. Рақамларни сўз билан ифодаланг.

Интернетдан Қозоғистонлик фазогир учувчилар ҳақида маълумот тўплаб, дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



Тартиб сон нарсa-буюмнинг саноқдаги тартибини билдиради. Тартиб сон унли товуш билан тугаган миқдор сонга -нчи, ундош товуш билан тугаган миқдор сонга -инчи қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади: нечанчи?, қанчанчи? сўроқларига жавоб бўлади.

Масалан: тўртинчи, олтинчи.



2. Сўзларни ўқинг, тартиб билдирган сонлар билан қўллаб, бирикма тузиб ёзинг.

Уй, қават, саҳифа, мактаб, қатор, қисм.



3. Чизиқчалар ўрнига керакли сўзларни қўйиб, матнни кўчиринг. Қўйган сўзларингизнинг туркумини аниқланг.

Мен \_\_\_\_\_ кўчасидаги \_\_\_\_\_ уйда тураман. Мактабнинг \_\_\_\_\_ синфида ўқийман. Акам шу мактабнинг \_\_\_\_\_ синфида ўқийди. Синглим \_\_\_\_\_ синф ўқувчиси. Кичик укам \_\_\_\_\_ болалар боғчасида тарбияланади.

Сонларнинг ёзилишини ёдингизда тутинг.



4. Расмни кузатинг. Сонларни қатнаштириб “Қиш гашти” мавзусида оғзаки ҳикоя тузинг.





5. Ұйланг, топинг. Шеърни ўқинг, топшириқни бажаринг.

Зийрак, зукко болажонлар,  
Ўйлаб кўринг-чи бироз.  
Навбатдаги етти жумбоқ,  
Сизлар учун қулай, мос.  
“Қайиқ”, “Қалқон”, “Ҳакка”, “Лола”,  
“Тўра”, “Анор”, “Ари”, “Чана”.  
Битта ҳарфни алмаштириб,  
Ўзга бир сўз топинг яна...

*Турсунбой Адашбоев*

Сонларни аниқланг, турини айтинг.



6. Бошқотирмани топинг.

Асал эмас ёқади,  
Ари эмас, чақади.

Т		
---	--	--





## ТАРТИБ СОНЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

**Бугун дарсда:**

- тартиб сонларнинг ёзилишини;
- сонларни рақамлар билан ёзишни;
- сўроқлар ёрдамида сонларни аниқлаб, турини айтишни **ўрганаман**.



1. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сонларни топиб, маъно турини айтинг. Тартиб сон нима учун чизиқча билан ёзилган?

### БОЙЛИҚДАН ИЛМ АФЗАЛ

Бир чолнинг саккиз ўғли бор экан. Чол ўғилларидан:

– Илм афзалми ёки бойлик афзалми? – деб сўрабди.

7 та ўғли:

– Ота, сиз ҳам ўқимагансиз. Лекин мулкингиз ҳаддан зиёда. Биз ҳам сиздай яшайверамиз, – дебди.

8-ўғли:

– Давлат эмас, илм афзал, – дебди-ю, илмнинг афзаллигини тунтириб олмабди.

Чолнинг битта ақлли қизи бор экан. У илмнинг афзаллигини тунтириб берибди:

– Одамнинг бошидаги илмни ҳеч ким ўғирлай олмайди. Олим одам илми билан барча жумбоқни еча олади.

*“Ўзбек халқ эртаклари” дан*

Сонларни ўзи боғланган от билан кўчиринг. Рақамларни ҳарфий ифодалар билан ёзинг.



Тартиб сонлар арабча рақамлар билан ифодаланса -инчи, -нчи қўшимчалари ёзилмайди, рақамдан кейин чизиқча қўйилади: 4-синф, 26-уй, 7-қават.

Агар бундай сонлар рим рақамлари билан ифодаланса, чизиқча қўйилмайди, аммо тартиб сон тарзида айтилади: IV синф, XX аср.

Йил ва ойни кўрсатувчи араб рақамларидан сўнг чизиқча қўйилмайди: 2017 йили Астанада “ЭКСПО – 2017” халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.



## 2. Ўқинг. Берилган сонларни рақамлар билан ёзинг.

Бир минг тўққиз юз тўқсон биринчи йил, ўн бешинчи хона, ўнинчи аср, икки минг ўттизинчи йил, йигирма тўртинчи боғча, тўққизинчи боб, иккинчи синф, эллик бешинчи уй, йигирма биринчи аср.

Қандай рақамлар билан ёздингиз? Қайси рақамлардан кейин чизиқча қўйиб ёздингиз?



## 3. Бу қизиқ! Ўқинг. Сонларни аниқланг ва уларнинг турини айтинг.

Картошка 1565 йилда Жанубий Америкадан келтирилиб экила бошланган. Аввалида картошка унчалик қадрланмаган бўлиб, XVII асрдан бошлаб кенг кўламда экилган. Россияда 1765 йилдан бошлаб экилган. Ўрта Осиёга эса XIX асрнинг охирларида келтирилган.

Ер юзида 7 миллиарддан ортиқ одам яшайди. Улар турли халқларга мансуб. Ҳар бирининг сони 100 миллиондан ортиқ халқлар бор. Шу билан бирга кам сонли халқлар ҳам бор. Ер юзида ҳаммаси бўлиб 2 мингга яқин катта ва кичик халқ мавжуд.







4. Шеърни ифодали ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сонларни аниқланг, турини айтинг.

### КЎПАЙТИРУВ

Қуён ҳисоб бобида,  
Энг олдинги маррада.  
Вазифани зумда ишлар,  
Оддий усул-каррада.  
Тулки атай Қуёндан  
Сўраб қолди қўққисдан:  
– Уч жойда учта сабзи?  
Бу жуда жўн – тўққизта.  
– Олти карра олти-чи?  
Ўйла қанча бўлади.  
– Ўттиз олти карамга,  
Олтита қоп тўлади.

*Турсунбой Адашбоев*

Сонлар берилган мисраларни кўчиринг.



5. Нуқталар ўрнига мос тартиб сонлар қўйиб, гапларни ёзинг.

Биз ..... қаватга лифтга чиқдик. Опам ..... синфда ўқийди.  
Саида топшириқни ..... бажарди. Эрталикда ..... синф ўқувчи-  
лари шеър ўқишди.





## НОН НИМАДАН ПАЙДО БЎЛАДИ?

### Бугун дарсда:

- нон нимадан пайдо бўлишини;
- сонларнинг тагига гапдаги вазифаси бўйича чизишни;
- матндан сонларни аниқлашни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сонларни аниқланг, тури-ни айтинг.

Бир неча бола нон еб ҳузур қилиб ўтириб баҳслашиб қолишади. “Нон нимадан пайдо бўлади?”, – деб ўртага ташланган саволга ҳар бири ҳар хил жавоб қилади, бири:

– Нон дондан пайдо бўлади, – дейди.

Иккинчиси:

– Нон ердан пайдо бўлади, – дейди.

Учинчиси сув бўлмаса, нон битмаслигини айтади.

Тўртинчиси қуёш бўлмаса, нон бўлмаслигини уқдиради.

Бешинчиси бола эса:

– Нон бу новвой ҳунарининг натижаси, – дейди ва зўр бериб ўз фикрининг тўғрилигини исбот қила бошлайди.



Сиз нима деб ўйлайсиз, нон дастурхонимизга етиб келгунча қандай касб эгалари меҳнат қиладилар?



2. Энциклопедиядан фойдаланиб, “Нон – азиз неъмат” мавзусида эссе ёзинг.





3. Шеърни ифодали ўқинг, сонларни аниқланг.

### ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Ҳайвонотлар боғида,  
Беда кемтир қуёнлар.  
Қирғовуллар сайр қилиб,  
Хотиржам юрар донлаб.  
Элликта эрур боши,  
Бир юз қирқта оёғи.  
Қанча қуён, қирғовул,  
Топинг, ўғлим, бу ёғин?

*Турсунбой Адашбаев*

Кўчиринг сонларнинг тагига гапдаги вазифаси бўйича чизинг.



4. Матнни ўқинг. Чизиқчалар ўрнига қанча?, нечта? ва нечанчи? сўроқларига жавоб бўлган сўзларни қўйиб, кўчиринг.

**Намуна:** 54-мактаб, ...

Биз \_\_\_\_\_ – синфда ўқиймиз. Синфимиз кенг ва ёруғ. Синфимизда \_\_\_\_\_ парта, \_\_\_\_\_ стол ва \_\_\_\_\_ та стул бор. Синфимизнинг бурчагида \_\_\_\_\_ китоб жавони бор. Бу жавонда китоб, дафтар, ручка ва бошқа ўқув қуроллари сақланади. Ҳар партада \_\_\_\_\_ бола ўтиради. Мен ўртоғим Самандар билан \_\_\_\_\_ партада ўтираман. Биз синфимизни доим озода тутамиз.

Самандар сўзи ўрнига партадошингининг исмини қўйиб ёзинг. Тартиб билдирган сонларни рақам билан ёзинг. Рақамлардан сўнг чизиқча қўйишни унутманг.





## 5. Матнни ўқинг.

### БИЗ ХХІ АСР АВЛОДИМИЗ

ХХІ асрда яшаш, ижод қилиш, юртимиз, халқимизга хизмат қилиш катта бахт. ХХІ аср – фан, маданият, санъат ва саноатимизнинг тезкор ривожланиши асридир. Болалар, сиз ХХІ асрда улғайиб, келажакда буюк ишлар қилишни ўйлаб кўринг. Бунинг учун кўп мутолаа қилинг. Баҳс ва мунозаралар уюштиринг, мустақил фикрлашни ўрганинг.

Матндан сонларни аниқланг. Ёзилишига эътибор беринг. Сонларни ўзи боғланган сўз билан бирга ёзинг.



## 6. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг. Сонларни ўзи боғланган сўз билан айтинг. Сонлар нимани билдирапти?

Етмиш отнинг кучи бор,  
Оёғида тиши бор.  
Чарчаш нима билмайди,  
Далада юмуши бор.

Ўн бармоқли узун қўл,  
Хашак тўплар у нуқул.

Беш жуфт ошна,  
Ишга ташна.





## КАСБДОШЛАР

Бугун дарсда:

- эртақ мазмуни юзасидан фикр билдиришни;
- шеърни ифодали ўқишни;
- матнга мос сарлавҳа қўйишни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг, мазмуни юзасидан ўртоқларингиз билан суҳбатлашинг.

## КАСБДОШЛАР

Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонда ўнта ака-ука бор экан. Уларнинг тўққизтаси дангаса, биттаси абжир экан. Ҳаммасининг касби аравасоз экан. Дангасалар бир кунда бир аравани зўрға ясар эканлар. Бир абжир эса бир кунда тўққизта арава ясар экан. Бозордаги халқ абжир ясаган араваларни мақтар экан. Дангасалар ясаган аравани ёмон дер экан. Бориб-бориб дангасаларнинг аравасига харидор топилмай қолибди. Тўққиз аравасознинг боши қотибди....

Қандай кишиларни касбдошлар дейилади? Ака-укаларни касбдошлар дейиш мумкинми? Сиз эртақни қандай яқунлаган бўлар эдингиз?

Сонларни аниқланг, уларни ўзи боғланган сўз билан ёзинг.



2. Шеърни ифодали ўқинг. Сонларни аниқланг.

## ЕТТИ ОЛМА

Товоқда 5 олма,  
2 олма қўлимда.  
Ҳаммасини қўшганда



Бўлади 7 олма.  
1 олма бувимга,  
Бобомга 1 олма.  
2 син бераман,  
Мен ота-онамга.  
Олишади нечтасин?  
Менда қолар қанчаси? –  
Деб Сауле қайтадан  
Санайди олмаларин.

*Н. Хасенов*

Рақамларни ҳарфий ифодалар билан ёзиб, шеърни кўчиринг.



3. Матнни ўқинг. Сонларни аниқлаб, турини айтинг.

## КАКТУСЛАР

Кактусларнинг ватани – Мексика. Кактуснинг 85га яқин туркуми, 2000 дан ортиқ тури бор.

Кактуслар турлича: дарахтсимон, бутасимон, ўтсимон бўлади. Уларнинг ичида бир сантиметрли миттиси ҳам, 25 метрли улканлари ҳам бор. Миттилари бир неча грамм келса, улканлари бир неча тоннага боради. Кактуснинг гули ҳам ҳар хил.



Сонларни ўзи боғланган сўз билан ёзинг.



#### 4. Матни ўқинг. Матнга сарлавҳа қўйинг.

Узоқ йиллар мобайнида сеvimли уй ҳайвонингиз сиз билан бирга бўлишини истасангиз, тўтиқушларга эътибор қаратинг. Агар тўтиқушнинг яшаш шароити яхши бўлса, у 80 йилдан ортиқроқ умр кўриши мумкин экан. Масалан, ара оиласига мансуб Чарли номли тўтиқуш учинчи асрни яшаб ўтмоқда. У хўжайинларнинг бир неча авлодини кўрган. Улардан бири машхур Англиялик сиёсатчи Черчилл бўлган.




Сон қатнашган гапларни кўчириб ёзинг. Сонларни тагига чизинг.



#### 5. Саводхонлик вақти.

м	.	н	с	у	б
к	а	.	т	у	с
м	а	қ	.	а	р





## КАСБ-ҲУНАР ИНСОН УМРИНИНГ БЕЗАГИ

### Бугун дарсда:

- касблар орасидаги боғлиқликни исботлаб айтиб беришни;
- матнни мазмуни юзасидан сўхбатлашишни;
- ўз таржимаи ҳолимни ёзишни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг, мазмунини сўзлаб беринг.

### КАСБ

Касб инсон учун жуда зарур фаолият. Ким қандай касб танласа, унга меҳр қўйиш керак. Ўз касбини яхши билган кишининг иши унумли бўлади.

Ҳар касбнинг ўз моҳияти, қизиқарли томонлари бор. Касб-ҳунар инсон умрини безайди, бахтли, саодатли қилади.

Охирги гапни кўчириб ёзинг. Бош бўлақларнинг тагига чизинг.



2. Расмни кузатинг. Қандай касб эгалари тасвирланган. Улар орасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин? Исботлаб айтиб беринг.







### 3. Шеърни ўқинг.

#### ДАФТАР

Ўн икки оқ варрақ,  
Ўн икки оқ қанот.  
Йўллари теп-текис,  
Чизилган кетма-кет.  
Дарсни ўқиб яхши,  
Ёза олгин саводли.  
Дафтаринг – оқ каптар,  
Ўн икки қанотли.

*Н. Айтов*

Шеърда сонларни ўзи боғланган сўз билан кўчириб ёзинг.



### 4. Матнни ўқинг, мазмуни юзасидан суҳбатлашинг. Сонларни аниқланг, уларнинг турини айтинг.

У ўзгача бола эди, чунки у 29 февралда туғилган. Фақат тўрт йилда бир марта февралда йигирма саккиз эмас, йигирма тўққиз кун бўлади. Бундай йил кабиса йили дейилади. Шунинг учун бу бола-нинг туғилган куни тўрт йилда бир марта бўлади.

Сизнинг туғилган кунингиз қачон? Ўртоғингизники-чи?  
Кўчинг, сонларнинг тагига тегишлича чизинг.



### 5. Матнни ўқинг.

#### ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Мен, Акбар Одилов, 2009 йил 15 апрелда Шимкент шаҳрида туғилдим.



Отам шахримиздаги 1-болалар касалхонасида шифокор бўлиб ишлайдилар.

Мен 2015 йил 84 – мактабнинг 1-синфига қабул қилиндим. Ҳозир 4-синфда ўқияпман.

Матн асосида ўз таржимаи ҳолингизни ёзинг.



6. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг. Сонларнинг турини айтинг.

40 ўртоққа

1 та уй.

1 қиёфа,

1 хил бўй.

Кетма – кет,

Чиқишар.

Чарс-чурс

Олов ёқишар.

Рақамларни ҳарфлар билан ифодалаб, топишмоқларни кўчиринг.



6. Нуқталар ўрнига сонларни қўйиб мақолни ўқинг.

... киши ... киши учун

... киши ... киши учун.





## ҚОР ЁҒМОҚДА

### Бугун дарсда:

- матн мазмунига мос режа тузишни;
- режа асосида баён ёзишни;
- қор ёғишини тасвирлаб, расм чизишни **ўрганаман**.



1. Матнни ўқинг. Мазмунини сўзлаб беринг.

## ҚОР ЁҒМОҚДА

Сокин тун. Қор ёғяпти. Болаларнинг беғубор қалби тўлиб-тошиб оқаётган дарёдай жўшқин. Баҳорда кўм-кўк ўтлоқларда оппоқ капалакларни ушламоқчи бўлгандай ҳар бир заррачага талпинишади. Қандай завқли-а! Она табиат шундай гўзал-ки унинг чиройи ҳеч ҳам тугамайди.

Ана, қорнинг бир парчаси қизчанинг оппоқ ҳовучига оҳиста қўнди. Қувончдан унинг ёноқлари шундай яшнаб кетдики, бу дақиқалар тасвирига тил ожиз. Қор шундай беғубор қизчанинг қўлига тушганидан, бирдан эриб кетди. Тип-тиниқ шудринг томчисига айланди.

Бир зумдаёқ ҳаммаёқ оқ чойшабга бурканди. Ҳалигина қор заррачаларини ушлашга интилаётган болалар, энди ундан ҳовучлаб-ҳовучлаб олиб, думалоқлаб, қорбўрон ўйнашди.

Тун. Ҳамон қор ёғарди.



2. Матн мазмунига мос режа тузинг. Тузган режангиз асосида баён ёзинг.





3. Дўстингиз билан қор ёғишини тасвирлаб, расм чизинг.



4. Шеърни ифодали ўқинг.

### ҚИШ ҚЎШИҒИ

Суюклиман барчага,  
Дўлана-ю арчага.  
Айиқ, суғур хуш кўрар,  
Уч ой мени туш кўрар.  
Қор сўрайди далалар,  
Ҳам эркатой болалар –  
Совуқ дея қунишмас.  
Чанғи учиб тинишмас.


Ҳориб қолган боғлар ҳам,  
Осмонўпар тоғлар ҳам,  
Ташрифини кутади,  
Дарёлар лаб тутати.  
Ҳаттоки, чўл-сахролар,  
Қадримни хўп баҳолар.  
Ошиқларим кўп шундоқ,  
Санасам бўлмас адоқ.

Мен-чи, парво қилмайман,  
Музлатаман, кулмайман.  
Лекин қуёш олдида,  
Бу қилмишим беҳуда.  
Қучоғини очаркан,  
Нурларини сочаркан.  
Қониб унинг меҳрига  
Тан бераман сеҳрига.  
Алдаб сизни нетаман,  
Баҳор бўлиб кетаман.

*Сирожиддин Рауф*



Шеър матнидан отларни топинг. Отларнинг қай келишиқда эканини аниқланг.







## ЯНГИ ЙИЛ

### Бугун дарсда:

- шеърни ифодали ўқишни;
- сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқлаб, уларни ўзи боғланган сўз билан ёзишни;
- матндаги гапларнинг чегарасини аниқлашни **ўрганаман**.



### 1. Шеърни ифодали ўқинг.

## ЯНГИ ЙИЛ

Кумуш каби далалар,  
Қор заминни аллалар.  
Шод ва қувноқ болалар,  
Яна келди Янги йил!

Арчаларда ўйинчоқ,  
Юлдуз, айиғ-у тойчоқ.  
Қорбобо бизга муштоқ,  
Яна келди Янги йил!

Қорқиз қизчаси билан,  
Ширмой кулчаси билан,  
Қиров гулчаси билан,  
Яна келди Янги йил!

Янги йилда янги бахт,  
Қучиб зафар ошамиз.  
Жаҳонга тинчлик деган  
Куй-қўшиқ улашамиз!

*Ўроқ Саид*



Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг, уларни ўзи боғланган сўз билан ёзинг.



2. Рақамларни ўқинг ва ҳарфий ифодалар билан ёзинг.

2, 4, 7, 8, 20, 30, 50, 1000, 2020, 1000000.

Сонларни отлар билан қўллаб, бирикма тузинг ва ёзинг. Соннинг отга боғланишини намунадагидек чизма ёрдамида кўрсатинг.

**Намуна:** икки ўқувчи, ...



3. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Чиябўри чиллада,  
Чайлада чийиллар.



4. Матнни ўқинг. Матндаги гапларнинг чегарасини аниқланг.

Ёр табиатнинг уч фаслида одамлар учун меҳнат қилади халққа нозу неъмат беради қиш кунларида ёр мириқиб дам олади у қор ва ёмғир намларини йиғиб, келгуси йил ҳосили учун асраб туради ўзига куч тўплайди баҳорда ёр инсонга ўз бағрини очади саҳий меҳрини сочади.



5. Шеърни ифодали ўқинг. Сўроқлар ёрдамида сифатларни аниқланг.

Яшил арча остида,  
Янги йилни қутлаймиз.  
Зўр, забардаст қўлига  
Гулдасталар тутамиз.

Мана жонли қўшиқлар,  
Қанотланди диллардан.  
Ҳаяжонли оҳанглар,  
Учди олтин қўллардан.

*Зафар Диёр*





Меҳрибон ота-онангизга ва энг яқин дўстингизга  
янги йил тилакларингизни ёзинг.



**Табрикнома!**





### Топишмоқларнинг жавоблари

Китоб бети	Жавоби
22	ўрдак
27	диван
39	арча
48	шолғом , бойқуш
57	ақл
74	бузоқ
88	лампочка, капалак, муз
91	компьютер
97	кўприк, ёмғир, дурбин
100	китоб
101	арча, ўрик
110	пахта
112	ўргимчак, телевизор
125	кўз, бурун, қуёш

Китоб бети	Жавоби
132	зағизғон
135	копток
137	хўроз
141	тошбақа, кўзойнак
150	муз, пиёла, ёнғоқ
158	буғу, анор
161	йўлбарс
169	ангишвона, қозон; 1 йил, 12 ой, 30 кун, 24 соат
177	светофор
183	фил, тарози
192	трактор, паншаха, панжа
198	гугурт

### ГЛОССАРИЙ

- Ақл** Одамнинг билиш, фикр юритиш, уқиш қобилияти.
- Алла** Болани ухлатиш учун айтиладиган қўшиқ.
- Бўстон** Гуллар экилган, гуллар билан қопланган жой.
- Ваъда** Бирор ишни қилиш ёки қилмаслик ҳақида берилган қатъий сўз.
- Завқ** Иштиёқ, мароқ, қизиқиш, хурсандчилик.
- Лойиқ** Тўғри келадиган, муносиб бўлган, арзийдиган.
- Макон** Яшаш жойи, турар жой, ватан. Бирор нарса кўп бўлган, тўпланган жой.
- Мусаффо** Жуда ҳам соф, беғубор; тоза, пок.
- Наботот** Ўсимликлар дунёси, ўсимликлар.
- Олмос** Шаффоф, ялтироқ, ўта қаттиқ қимматбаҳо тош.
- Салбий** Ёмон, яхши эмас, қарши.
- Сунъий** Ясама, ишланган, табиий эмас.
- Таъзим** Юксак ҳурматни ифодалаш учун қаддини эгиб, қўлини кўксига қўйиб, бошини қўйи солиш.
- Шинам** Кишининг баҳри дили очиладиган, кўркама; ихчам ва қулай.
- Яйлов** Чорва моллари эркин ўтлайдиган, ёйилиб боқиладиган кенг дала, ўтлоқ.
- Қийғос** Ҳаммаси бараварига, битта ҳам қолмасдан.
- Ҳудуд** Маълум чегарага эга бўлган ер; маълум давлат, вилоятга тегишли ер.



## МУНДАРИЖА

### МЕНИНГ ВАТАНИМ – ҚОЗОҒИСТОН

1. Менинг Ватаним .....	4
2. Гап .....	6
3. Бепоен Ватаним .....	8
4. Ватан мадҳи .....	10
5. Гап бўлаклари .....	13
6. Ватанимиз бойликлари .....	15
7. Ватаним – фахрим .....	17
8. Тўлдирувчи .....	20
9. Аниқловчи .....	23
10. Ҳол .....	25
11. Гапда сўзларнинг боғланиши .....	28
12. Она Ватаним .....	31
13. Уюшиқ бўлакли гаплар .....	34
14. Кўп миллатли ҳур элмиз .....	37
15. Уюшиқ бўлақларнинг боғланиши .....	40
16. Ундалма .....	43
17. Ундалмаларнинг ёзилиши .....	46
18. Нутқ. Матн .....	49
19. Товушлар ва ҳарфлар .....	52
20. Товушлар ва ҳарфлар .....	55
21. Бўгин. Ургу .....	58
22. Сўз таркиби .....	61

### ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

23. Сўз туркумлари .....	66
24. От – сўз туркуми .....	69
25. Атоқли отлар .....	72
26. Турдош отлар .....	75
27. Отларнинг эғалик қўшимчалари билан қўлланиши .....	78
28. Эғалик қўшимчаларининг ёзилиши .....	81
29. Олим бўлсанг, олам сеники .....	84
30. Отларнинг келишиқ қўшимчалар билан қўлланиши .....	87
31. Бош келишиқдаги отлар .....	90
32. Қаратқич келишиғидаги отлар .....	93
33. Тушум келишиғидаги отлар .....	96
34. Қаратқич келишиғидаги отларнинг қўлланиши .....	99
35. Жўналиш келишиғидаги отлар .....	102

36. Жўналиш келишигидаги отларнинг ёзилиши .....	105
37. Ўрин-пайт келишигидаги отлар .....	108
38. Чиқиш келишигидаги отлар .....	111
39. От ясовчи қўшимчалар .....	114
40. Оила – меҳр булоғи .....	117

### **МАДАНИЙ МЕРОС**

41. Сифат – сўз туркуми .....	121
42. Муסיқа мактабида .....	124
43. Китобсиз уй – қуёшсиз кун .....	127
44. Сифатларни маъно турлари .....	130
45. Махмуд Қошғарий .....	133
46. Темур бобом .....	136
47. Абилхон Қастеев .....	139
48. Сифат ясовчи қўшимчалар .....	142
49. Қутадғу билиг .....	145
50. Қўшма сифатлар ва уларнинг ёзилиши .....	148
51. Сифатларнинг ўз ва кўчма маънода қўлланиши .....	151
52. Мустақиллик .....	154
53. Олим Чўқон .....	157
54. Халқ оғзаки ижоди – маданий меросимиз .....	160

### **КАСБЛАР ОЛАМИ**

55. Сон сўз туркуми .....	164
56. Кимнинг акаси катта? .....	167
57. Соннинг гапдаги вазифаси .....	170
58. Сонларнинг ёзувда ифодаланиши .....	173
59. Ким бўлсам экан? .....	176
60. Соннинг турлари. Миқдор сон .....	178
61. Дона сон .....	181
62. Тартиб сон .....	184
63. Тартиб сонларнинг ёзилиши .....	187
64. Нон нимадан пайдо бўлади? .....	190
65. Касбдошлар .....	193
66. Касб-ҳунар инсон умрининг безағи .....	196
67. Қор ёғмоқда .....	199
68. Янги йил .....	202

Топишмоқларнинг жавоблари .....	205
Глоссарий .....	205

*Учебное издание*

**Нигара Октамбаевна Шамадиева  
Зарифа Исламшиковна Аташикова  
Махбуза Октамовна Мусаева**

**ЎЗБЕК ТИЛИ**

Умумтаълим мактабларининг  
4-синфи учун дарслик

1-қисм

*(на узбекском языке)*

Редактор	<i>Г.Б. Алимходжаева</i>
Художественный редактор	<i>Ш.Ш. Шомухсинов</i>
Техн. редактор	<i>З. Бошанова</i>
Дизайн и компьютерная верстка	<i>Г.А. Утеновой</i>

ИБ №7417

Подписано к печати 16.09.2019 г. Формат 70×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook Kza». Печать офсетная.  
Физ. печ. л. 13,0. Усл. печ. л. 15,2. Усл. кр. от. 60,84.  
Тираж 8000 экз. Заказ №



Республика Казахстан. Издательство «Жазушы», 050009.  
г. Алматы, пр. Абая, 143.  
E-mail: zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-683-4



9 786012 006834